


Муслихидин
Мухиддинов

ИККИ
ОЛАМ
ЁҒДУСИ



ТОШКЕНТ
Faфур ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат
нашириёти

МУСЛИҲИДДИН МУҲИДДИНОВ

ИККИ ОЛАМ
ЁФДУСИ

Тошкент

Faфур Fuлom nomидаги Adабиёт

1991

2293



83.3Уз.

М 96

Муҳиддинов, Муслиҳиддин.

Икки олам ёфдуси.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.—168 б.

Адабиётшунос олим М. Муҳиддиновнинг мазкур рисоласида Шарқнинг икки буюк мутафаккир шоири Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоийларнинг ижодий оламларидағи айрим муштарак томонлар, фикр ва образлардаги ҳамоҳанг қирралар анча кенг таҳлил қилинади.

Мухиддинов Муслихиддин. Сияние двух миров.

ББК 83.3Уз1

М 4603010000—147 91
М 352 (04) -- 89

© Муҳиддинов М., 1991 й.

ISBN 5—635—00606—Х

ДЕБОЧА

Ушбу китобимни падари-бузрукворим
Қутбиддинхон ибни Муҳиддинхон
ибни Валихон Эшонишайх хотирала-
рига бағишиладим.

Классик асарларнинг муҳим хусусиятларидан бири — улардаги умуминсоний гуманистик ғояларнинг яшовчанлигидир. Бу ғоялар ҳар бир янги покланиш, тозаланиш даври руҳига ҳамоҳанг бўлади, эзгулик ва адолат, одамийликни тарғиб этиб, кишиларнинг қалби ва фикрига ижобий таъсир этиб туради.

Шу боис биз Рудакий ва Хайём, Лутфий ва Навоий, Саъдий ва Ҳофиз, Хусрав ва Жомий, Бобур ва Машраб асарларини севиб ўқиймиз, руҳланамиз, умр йўлимизда уларни ўзимизнинг ҳамроҳимиз деб била-миз.

Бинобарин инсон омили, шахс комиллигига айрича ургу берилаётган, инсонни маънавий куч-қудратини намоёп эта олиши учун имкон яратилаётган айни кунларда классик асарлардаги гуманистик ғоялар шундай ҳамият касб этадики, улуғ шоирлар ижоди маънавий ёдтиёжни қондирадиган маънавий сарчашмага айланади. Зотап Қайта қуриш даври инсоний ахлоқни улуғлаш, поклик, эътиқод, ростгўйлик, ички теранликни ижтимоний-енёсий, масала сифатида кун тартибига қўйганлигини ўзи ҳам улуғ шоирларимиз қаламидан чиққан подир бадний асарларни қайта-қайта ўрганишга, изчил текниришга, тараққиётимизга эш бўла оладиган бебаҳо ҳизматларни ҳалқимизга тўла-тўқис етказиб беришга начнитириб бўлмайдиган зарурият туғилганлигини кўрсатади.

Ана шу мақсадда биз Шарқнинг улкан шоирларидан бири Ҳусрав Деҳлавий ҳамда улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ижодига эътиборимизни қаратдик. Амир Ҳусрав адабий мероси мутахассисларнинг ҳисобига кўра 500 минг мисрага яқин. У тўртта лирик девон, саккизта достон (булар ичига «Хамса» ҳам киради), қанчадан-қанча қасидалар, насррий асарларнинг муаллифидир. Ҳусрав Деҳлавийни адабиёт мухлислари ғазал жанрининг ажойиб санъаткори сифатида қадрлайдилар. Ғазал жанрини юксак даражага кўтарилишида Саъдий, Ҳофиз билан бирга Амир Ҳусравнинг ҳам арзигулик хиссаси бор. У биринчи бўлиб Низомий Ганжаъийнинг беш достонидан иборат машҳур «Хамсаси»га жавоб тариқасида «Матлаъул-анвор», «Ширин ва Ҳусрав», «Мажнун ва Лайли», «Ҳашт биҳишт», «Оинаи Искандарий» достонларини ёзди. Бу достонлардан «Ҳашт биҳишт» Муҳаммадизо Огаҳий томонидан XIX аср ўрталарида ўзбек тилига таржима қилинди.

Ҳ. Деҳлавий «Қиронус саъдайн» (Бахтли юлдузлар учрашуви), «Нўх сипеҳр» (Тўққиз осмон), «Дўвалрони ва Хизрхон» каби тарихий-бадиий достонлар ҳам ёзган. Бу асарларда улуғ шоирнинг кўпгина ижтимоий-фалсафий қарашлари, ажойиб гуманистик ғоялари акс этган. Ҳ. Деҳлавий ашъори Ўрта Осиёда, жумладан ўзбек халқи орасида кенг тарқалган. Ўзбек шоирлари Лутфий, Атоий, Гадоий, Бобур, Машраб, Мунис, Огаҳий, Амирий ва бошқалар уни ўз устозлари қаторида тилга олиб ўтганлар, оташнафас ғазалларига мухаммаслар боғланлар. Ҳусрав Деҳлавий Ҳиндистонда форс-тоҷик адабиёти анъаналарини ёйиш, шеър шуҳратини барқарор этишда bemisл хизмат қилган одам. Ҳиндистонда форсий тилда ижод этишининг Ҳусравдан кейин авж олгани бунга далил. У чинакамига назм кўкининг ҳусравларидан бири (яъни шоҳларидан бири) эди.

Шунинг учун мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг Ҳусрав Деҳлавий ижодига ҳурматини ўзига хос

нодир сўз ганжинасига ҳурмат деб билиш керак. Амир Хусрав таъсирини Навоийнинг тожикча асарларида ҳам, ўзбекча асарларида ҳам, ғазал ва достонларида ҳам ҳис этамиз. Ушбу рисолада биз асосан Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» ва Амир Хусравнинг «Матлаъул-анвор» номли достонларини қиёслаб, бу асарлардаги инсон шахсига бўлган қарашлари, гуманистик ғоялари ҳамоҳанглигини кўздан кечирмоқчимиз.

НАЗМ ГУЛШАНИДА ИККИ ЁФДУ

Хусрав Деҳлавий XIII—XIV асрлар орасида Ҳиндистонда яшаб, форс-тожик тилида ижод этган бўлсада, аммо унинг ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек халқининг фикрий ва маънавий тараққиёти тарихи билан алоқаси катта. Унинг асарлари туркий халқлар орасида, жумладан ўзбеклар орасида кенг тарқалган, шоирларимизнинг ижодига таъсир ўтказиб келган. Ўзбек адабиётининг бобокалони Алишер Навоий Хусрав Деҳлавийни ўзининг бевосита устоз — салафларидан бири сифатида бир неча бор тилга олиб ўтган, «Ҳазойинул-маоний» девонлари дебочасида, «Ҳамса» достонларининг кириш бобларида, «Мухокаматул-луғатайн», «Маҳбубул-қу́луб» каби асарларида Алишер Навоий, Саъдий, Ҳофиз, Румий, Низомий, Жомий қаторида Хусрав Деҳлавий ижодига ҳам муносабат билдириб ўтади, унинг асарларини кўп маротаба мутолаа этганини айтади. Масалан, у «Мезонул-авзон» асарида ёзади: «Ўқурға даво-виндин (девонлардан) бу фақир мутолаасига кўп машғул бўлмағон девон оз эркан. Батаҳсис (хусусан) ишқ ва дард аҳлининг роҳбар ва пешрави Амир Хусрав Деҳлавий девониким, ошиқликда дард ва ниёз ва сўзу гудоз тариқин ул мунаштир қилди ва онинг ишқи машъалидин бу партав олам тийра хонодониға ёйилди».

Навоий Амир Хусравни ғазалчиликда янги йўл очган, ошиқона дард ва ўртанишлари кўп, ширин тилли

(Мазмуни: аҳли фақр (тасаввүф аҳли) эгнидаги чокчок эски түн маъно олами эгнида (гүё) осмон ва юлдузлардир).

Биринчи қасидада Навоий Амир Хусрав ва Жомий йўлидан бориб, шоҳ ва мамлакат, шоҳ ва раият, шоҳ ва адолат мавзулари устида фикр юргизган бўлса, иккинчисида шоҳ ва дарвеш, дарвешларнинг тариқати ва ахлоқи ҳақида гапириб келиб, асарни Ҳусайн Байқарога бағишлаган. Аммо, афсуски, кейинги қасида бизгача етиб келмаган. Келтирилган маълумотларни эса Навоийнинг ўзи «Хамсатул мутаҳайирин» асарида қайд этиб кетган.

Алишер Навоийнинг «Девони Фоний» асарида Хусрав Дехлавий пайравлигига ёзилган кўп ажойиб ғазаллар бор. Татаббуъчилар орасида Ҳофиздан кейин Хусрав усулида ёзилган шеърлар иккинчи ўринни эгаллади. Алишер Навоийнинг ёзишича, Хусрав Дехлавийнинг ғазалиётида «сўзу гудоз», яъни дард, ўтли ҳисҳаяжон кўпроқ, у ишқни ёниб куйлаган ўзига хос шоир.

Масалан, «Девони Фоний»даги мана бу ғазални олиб кўрайлик:

Дило, шаб баҳри он маҳ рўй то рўз,
На шабро гўй шаб, не рўзро рўз.
Шабам рўзи қиёмат шуд ва лекин
Азоби сад қиёмат ҳост то рўз.
Балое шуд сияҳ бе он маҳом шаб
Вале бемехри рўяш сад бало рўз.
Ҳамоно дарди ҳажрам бедаво шуд,
Ки шуд шоми фироқамро даво рўз.
Ба шоми ҳажр аз рўзам чи пурсий,
Кужо, эй дил, шаби мову, кужо рўз.
Шаби фурқат ҳалокам, кош, эй чарх,
Ки ёбам хоби худ, ё марг, ё рўз.
Сияҳ шуд рўзам, эй Фоний, зи ҳажраш,
Магар омад маро шоми фано рўз.

«Рұз» («кундуз») радифли етти байтлик бу тожикча ғазалнинг мазмуни қуидагича: Эй күнгүл, ул ойга етмоқ учун кеча-кундуз бүлгунча ҳаракат қил, бу йүлда кечани кеча, кундузни кундуз дема. Туним қиёмат кунига айланди, аммо тонггача юз қиёмат азоби бор. Ул ойимсиз кеча бир қаро балодай бүлди. Лекин юзининг қуёшиз кундуз ҳам юз балодир. Айрилиқ дарди давосиз бүлган ҳамоно, фироқ шомимнинг давоси кундуз бүлди. Ҳажр шомида кундуздан сұрама, эй күнгил, бизнинг тунимиз билан кундузимиз баробар, фироқ туннда ўлсайди, кошқи, эй چарх ё уйқумни топай, ё ўлимни, ё кундузни. Ҳажрида, эй Фоний, кундузим қоронғи бүлди, ёки фано шоми, кундуз куни етиб келдими?

Мазкур ғазал Амир Хусравнинг шу радифли қуидаги ғазалига татаббуъдир:

Фузун шуд ишқи жонон рұз то рұз,
Кужо з-ин пас шаби мову кужо рұз.
Зи беҳушый надонам рұзу шабро,
Шабам гүйи яке гаштаст бо рұз.

Диласт ин, ҳеч пайдо нест, ё хун,
Шаб аст ин, ҳеч равшан нест ё рұз.
Магү, жоно, ки рүзе бар ту оям,
Надорад чун шаби андұхи мо рұз.

Ту хуш хуфта ба хоби ноз то субҳ,
Маро бедор бояд буд то рұз.
Чи хуфти! Хез, эй мурғи саҳар з-онки,
Туро рүзе ҳамеояд, маро рұз.
Чи айш аст ин, ки Хусравро ба ҳажрат,
Шавад ҳар шаб ба зориў дуо рұз.

Мазмуни:

Жононнинг ишқи кундан-кун ошди, шундай бүлгач, бизнинг тунимиз билан кундузимизни ажратиб бүладими? Беҳушликдан кеча-кундузни ажратолмайман, гүё

кеча-кундуз мен учун тенг бўлиб қолган. Ҳеч билиб бўлмайди — дилми бу ёки қон, ҳеч равшан эмас — тумми бу ёки кун. Эй жоним, бир кун олдингга келарман, андуҳли тунимизнинг кундузи йўқ, деб ўйлама. Сен тонггача ноз уйқусида ётибсан, мен эса тонггача бедорман. Нега ухладинг, эй тонг қуши тур, чунки сенга ҳам, менга ҳам кун келмоқда. Бу қандай роҳат — айшки, Ҳусрав ҳижронингда ҳар кечани дувов-у зорлик билан тонгга улайди.

Татаббуъ — изидан бориш, устоз ғазали ёки ўзига ёқиб қолган бошқа бирор ғазал руҳи, шаклига эргашиб, шу вазн, қофия, радифни сақлаган ҳолда янги ғазал яратиш, яъни ўзга бир ижодкорнинг асаридан илҳомланиш, табъини маъқул билиб, ғоялари, туйгуларига ҳамоҳанг сатрлар битиш демак. Бу Шарқ классик адабиётида кенг тарқалган, машҳур қасидалар, ғазаллар ва достонларга жавоб ёзиш кенг расм бўлган эди. Баъзан шоирлар орасида бу борада ижодий мусобақалар уюштирилган. Татаббуънинг шарти вазн, қофия ва радифни сақлаш, аммо умумий руҳ, мазмундан четга чиқмасдан янги шеър яратишдир. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, татаббуъ ҳам аввалги муаллиф улубини, конкрет асарининг руҳини ва ҳам янги муаллиф маҳорати, санъаткорлигини ифодаламоғи лозим.

Навоий — Фоний ғазали билан Амир Ҳусрав ғазалини байтма-байт қиёсласак, шунга қаноат ҳосил қиласмиз. Ҳусрав ошиқнинг ҳижрондаги изтироб — қийналишларини тасвирлаш билан бирга висолга ҳам умид билдиради, маъшуқаннинг истифно-нозу фироқини ҳам қистириб кетади. Ҳусравнинг лирик қаҳрамони изтироблардан у қадар хафа эмас, у ҳатто ёр ҳажридаги азобни айш-шодлик билан баробар кўради.

Навоий тасвиридаги ошиқ эса батамом айрилиқ ғамида қовурилган шахс. Унинг висолдан умиди йўқ. Ғазал-татаббуъда дарду ҳасрат, «сўзу гудоз» баланд. Биринчи байтдан охиргисигача ошиқ ноласини эшита-

сиз. У умри ҳижронда ўтиши мумкинлигига кўниккан. Шунга яраша ҳижроннинг муболағали тасвири байтдан-байтга кучайиб бораверади. Ана шунинг натижасида татаббуъ янги руҳдаги асарга айланган ва у Алишер Навоий ҳис-ҳаяжони, усул-услубини акс эттиради.

Ёки Амир Хусравнинг ғазали баҳрида ёзилган «Ба чашми оҳувона сайди худ карди дилу тан ҳам» (оҳу кўзларинг билан дилни ҳам, тани ҳам сайд эттинг) деб бошланувчи ғазалига Фоний боғлаган татаббуъ ҳам ажойиб шоирона даҳонинг неъматидир. Аввал Амир Хусрав ғазалини келтирамиз:

Ба чашми оҳувона сайди худ карди дилу тан ҳам,
Камонди ақл бигсисти, лажоми нафси тавсан ҳам.
Ба зомаи менуҳтам гиръя, ногаҳ маст бигзашти,
Шудам расво мани тардоману сад чок доман ҳам.
Ту новак мезани бар жону, жони ман ҳаме гўяд,
Ки чашми бад жудо з-он новаку, з-он новак — афган ҳам.

Ниҳодам ҳар чи буд аз сар, сози мондаст бас акнун,
Чу бори сар сабук карди, сабук кун бори гардаи ҳам.
Диле, к-аз ман ба сўяд шуд, надори уствор ўро,
Ки он бегона вақте ошино будаст бо ман ҳам.
Чунонам бо хаёлат ҳўй шуд бо кунжи танҳои
Ки бар бастам дар аз хуршеду аз маҳ, балки равзай ҳам.
Шабе равшан кун охир, кулбаи торики ман бар ман,
Дили торик дар кори ту кардам, чашми равшан ҳам.
Аломат бар дили садпораи ошиқ чунон монад,
Ки бошад захми шамшеру бидўзандаш ба сўзан ҳам.
Чи кеш аст охир эй Хусрав, ки бе хубон наи як дам,
Замоне охир аз бут боз меояд бараҳман ҳам.

Мазмуни:

Оҳу кўзларинг билан кўнгилни ҳам, танимни ҳам ўз сайдингга айлантирдинг, ақл ипини ҳам, нафс отининг юганини ҳам уздинг. Кўз ёшларим этагимга оқиб ту-

рарди, бирдан ўтиб қолдинг — ҳўл этак билан расво бўлдим, этагим йиртилди ҳам. Сен жонимга ўқ отасан (киприк билан), аммо менинг жоним: ул ўқ киприкларга ва ўқ отувчига ёмон кўз яқинлашмасин, дейди. Бошимда нима бўлса — ташладим, бошнинг ўзи қолди, энди сен бошнинг юкини енгиллатдинг, елка юкини ҳам енгил қил. Мендан сен томон борган дилни кўп сақла-ма, чунки у «бегона» бир вақтлар менга ҳам ошно бўлган. Ёлғизлик бурчагида хаёлингга шунчалик одат-ланибманки, эшикни ҳам, тешикни ҳам ою қуёш кир-масин деб беркитдим. Қоронғу қулбамни бир қур ёрит, ахир, қоронғи дилни ҳам, равшан кўзни ҳам йўлингга тикканман. Қилич ярасини игна билан тилсалар ҳам ошиқнинг садпора дилида аломат — из қолади. Эй Хус-рав, бир дам ҳам гўзалларсиз турмайсан. Қандай одат бу — ахир ҳатто бараҳман ҳам бир лаҳза бутдан фориф бўлади-ку!

Энди Фоний — Навоийнинг шу ғазалига татаббуъи ни ўқиб чиқамиз:

Зи ҳажрат, эй маҳи бадмеҳр, дил нобуд шуд, тан ҳам,
Чи будй, гар бадои ду рафта ҳамраҳ будаме ман ҳам.
Агар мирам, наҳоҳам дўхт занми тифи он қотил,
Зи Маръям ришта гар оранду аз Иси-ш сўзан ҳам.
Зи ишқам сад гиреҳ даркор буд, аз ҳажр, боз инак,
Гиреҳ афтод бар чоки гиребон, балки доман ҳам.
Жудо з-он зулфу-рў колу маҳ аз бас ранжи маҳшурӣ,
Малул аз шоми тийра гаштаам, в-аз рўзи равшан ҳам.
Маро то бори сар бардошти аз гардан, эй қотил,
Сарам шуд зери бори миннати теги ту, гардан ҳам.
Зи ҳажрат хонаи дил тира буд, эй маҳ, ҳушамакнун,
Ки дар вай тийғу тират раҳнаҳо афканду равзан ҳам.
Сарам гарди сарат гардад чу хоҳи дураш андози,
Зи бас санги жунун хўрдан шуд ў санги фалоҳан ҳам.

Шаху базми нашод, эй дил, гадову кунжи майхона,
Чу навбад соф соғар, бад набошад дурдии дан ҳам.
Аз он бадаҳд дилро гар товонам кандаи, эй Фоний,
Кунам шарте, ки дигар дил ба аҳди дилбарон кан ҳам.

(Эй бадмехр маҳбуб, ҳажрингдан дил ҳам, тан ҳам нобуд бўлди, ўша икки нобуд бўлганга мен ҳам қўшилсайдим кошкийди. Марямдан ип ва Исодан игна келтирсалар ҳам ул қотил тийфининг ярасини тикишни, ўлсамда, хоҳламайман. Ишқдан ишимга юз тугун тушган эди, ҳижрондан ёқам чокигина эмас, балки этагимга тугун тушти. Ул зулфу юздан жудо бўлиб ою йил айрилиқ дардини кўп тортганимдан қоронги тунда ҳам, ёруғ кунда ҳам малулман. Эй қотил, бошим юкини гардандан олиб ташлаганинг учун бошим ҳам, таним ҳам миннатинг тийфи юки остида қолди. Эй ой, ҳажрингдан дил уйи қоронги эди, энди ундан тийф ила ўқинг раҳна ва туйнук очди, шунга хурсандман. Бошим бошингдан айланмоқда, уни узоққа отмоқчисан, телбалик тошини кўп еганидан у бошим палахмон тош бўлиб қолган. Эй дил, шоҳга айшу ишрат базми ва гадога майхона бурчаги, менга тиниқ май бўлмаса, хумнинг лойқаси бўлсин. Эй Фоний, агар у бевафодан кўнгил уза олсан, шундай шарт қиласманки, бундан кейин дилбарларнинг аҳдига кўнгил қўймайман).

Байтларнинг сони ҳар икки ғазалда бир хил — тўққизтадан. Вазн ҳам Амир Ҳусравда қандай бўлса, Навоий ғазалида айнан сақланган, яъни ҳазани мусаммани солим: мафойлун, мафойлун, мафойлун, мафойлун. Ҳатто қофияларнинг аксари ва Амир Ҳусрав қўллаган айрим ибора, образ-бирикмаларни Навоий — Фоний ғазалида учратиш мумкин. Шунга қарамай, бу икки ғазал — икки хил, бир-бирига яқин ва бир-биридан мустақил шеърий асарлар. Алишер Навоий устоз санъатидан руҳланган, бироқ ўз маҳорати, форсий ашъор майдонидан, устоздан қолишмаслигини намойиш

этган. Шу билан бирга, татаббуъ талаблари, шаклий, «ўхшатиш» ичида янгилик қилиш, новатор бўлиш намунасини кўрсата олган. Солиштириб кўрамиз. Матлаъни олайлик. Амир Хусрав:

Ба ҷашми оҳувона сайди худ карди дилу тан ҳам,
Каманди ақл бигисти, лажоми нафси тафсан ҳам.

(Оҳу кўзларинг билан дил ва танни ўз овингга айлантирдинг, ақл арқонини ҳам, нафс отининг тизгинини ҳам уздинг).

Бу ерда ошиқнинг маъшуқ жамоли шуъласидан ҳайратга тушиши, маъшуқнинг оҳу кўзлари ошиқнинг ақлу ҳушини олганини тасвир этиш бор. Зимдан маъшуқни васф этиш, унинг бемисл жозибасига тан бериш, ишқ олдида ошиқ ноиложлиги сезилади. Одатда сайдёд — овчилар оҳуни банд этиш, тузоққа тушириш пайида юрадилар. Бу ерда эса акси: оҳу — сайдёд ролида, унинг ови ақл ва рӯҳ, нафс оти. Маъшуқ олдида ошиқ ақлини йўқотади, ихтиёри қўлдан кетади. Бу тасвир, яъни ошиқнинг маъшуқ жамолига сарафганда бўлиб, дилу динидан жудо бўлиши, шу йўлдаги изтироблари, аҳволи ғазал охиригача давом этади, охиригача ошиқ тилидан унинг ишқ, маҳбубдан нолиши, шикояти ва шукронасини изҳор этиш бор. Ва охирида ҳам (мақтаъ) Амир Хусрав; ҳатто бараҳман (ҳиндларнинг рӯҳонийси) ҳам, ҳар замон-ҳар замон бутпарамстликдан фориғ бўлади-ку, сен неча бир лаҳза бўлса-да, гўзаллар — бутлар ишқидан фориғ эмассан, бутпарамстлик ҳам шунчами, деялирик қаҳрамони ва ўзининг ошиқлигини муболагали маъно орқали ифодалаб берган.

Алишер Навоий матлаъданоқ, фикр тизгинини бошқа томонга буради ва гапни ҳижроннинг тоқат қилиб бўлмас азобини айтишдан бошлайди:

Зи ҳажрат, эй маҳи бадмехр, дил нобуд шуд, тан ҳам,
Чи буди, гар бадан ду рафта ҳамроҳ будаме ман ҳам.

(Эй бадмехр — меҳри йўқ дилбар, ҳажрингда дилим ҳам, таним ҳам нобуд бўлди; кошки эди, ўша иккита кетғанларга, яъни дил ва танга мен ҳам қўшилиб кетсайдим). Демак, ошиқнинг аҳволи ҳаддан зиёд оғир, у ўлиш, фидо бўлишга тайёр. Мана шу ҳижрон азобини кўрсатиш, мушкил аҳволга тушган ҳижронзада қалб нолаларини ифодалаш Навоийда биринчи ўринга чиқарилган. Шу сабабли Хусрав Дехлавийдан ўтиб қолган («Қарзга олинган») иборалар ҳам Навоий фонида ўзгача маъно касб этади. Масалан, Навоий устозининг «бори сар сабун карди, сабук кун бори гардан ҳам» (бошнинг юкини енгиллатдинг, бўйиннинг юкини ҳам енгиллат — бошни олиб ташла) деган садоқат оҳангига айтилган иборасини «маро то бори сар бардошти аз гардан, эй қотил» (бошнинг юкини менинг бўйнимдан соқит қилдинг, бўйнимни бош юкидан озод эттинг, эй қотил) тарзида ўзгартириб, ошиқнинг жон фидолигини яна бир марта таъкидлаган. Бу мисра байтнинг иккичи мисрасига боғланиб, ажойиб санъат вужудга келган: «Бошим ҳам, бўйин ҳам сенинг тифинг миннати юки остида қолди», яъни бошимни кесдинг, бошим ҳам бўйним ҳам бу учун сендан миннатдор. Қанчалик шоирона таҳайюл кучи, сўз ўйини, санъат устига санъат зам этиш, илҳом парвозининг қудрати бор бу байтда. Навоий татаббуъоти ана шундай, анъана ва новаторликдан омухта бўлган шеърий мўъжизалардир. Бунда устоз Амир Хусравга эргашиш, ҳамнафаслик, ҳамдардлик ва у билан мусобақа қилиш, «панжасига панжа уриш» бирлашиб кетган.

Навоий Хусрав Дехлавий номини қарийб ҳар бир катта асарида тилга олади, ғазалларининг кўпида ҳам, хоҳ улар тожикча бўлсин, хоҳ ўзбекча, Ҳофиз, Жомий билан бирга, Хусравга миннатдорлик, ундан баҳраманд-

лик туйғусини билдириб кетган. Масалан, «Фаройибус сиғар» девонидаги сұнгти ғазалнинг мақтаи бундай:

Деманғиз булбул Навоийни, самандардекки бор,
Назми ичра шуълаи Жомиу сўзи Хусравий.

(Навоийни булбул деманг, у самандардекдир, чунки шеърида Жомий шуъласи ва Хусрав оташи — ўртанишлари бор). Ёки «Девоний Фоний»да:

Забонам гар куни гүё ба достонҳои ҳамди худ,
Чи Хусрав, балки бо Жомий кунам ҳамдостониҳо.

(Агар тилимни ҳамдинг — мақтовинг достонини айтишга бурро этсанг, Хусрав нима, Жомий билан ҳам беллаша оламан), дейиш билан ўз шоирлик құдратини ҳис этиш фахрияси баён этилса, қуидаги байтда яна самимий садоқат изҳор этилган:

Хусраву Ҳофиз туро, Фойий, агар ҳодиянд,
Пайрави Жомият ҳаст ба ваҳи Ҳасан.

(Фоний агар сенга Хусрав ва Ҳофиз раҳнамо бұлса ҳамки, лекин сенда Ҳасан сабабли Жомийга пайравлигинг бор) деб, ўз ижодининг характеристини, күп чашмадан сув ичганини айтиб кетган.

«Маҳбубул-қуулуб» асарида Навоий форс-тожик тилемда ижод этган шоирларни ғоявий позициялари, услугуба равиятларига қараб гуруҳларга ажратар экан, Хусрав Деҳлавийни Ҳофиз, Саъдий, Саноийлар қаторида «Ҳақиқат асрорига мажоз тариқин» құшганлардан бири сифатида тилга олади. «Хазойинул-маоний» дебочасида эга ғазал жанрининг асосчилари ҳақида гапириб, Саъдий, Ҳофиз ва Хусрав Деҳлавийни бу жанрнинг уч буюк пайғамбари деб күрсатади ва ўзини шулар ижодидан баҳраманд бўлган киши сифатида қайд этади.

Навоий Хусрав Деҳлавийни айниқса, «Хамса» дostonларида кўп тилга олган. Маълумки «Ҳайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайдёра», «Садди Искандарий» достонларининг ҳар бирида, Низомий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомийга бағишланган боблар бор. Навоий одатда Низомий Ганжавий билан Хусрав Деҳлавийга бир бор бағишлаб иккаласини кетма-кет таърифлаб ўтади. Унинг назарида Низомий «Хамса» ихтирочиси, Хусрав Деҳлавий эса унинг энг муносиб давомчиси, чунки Низомийдан кейин кўплар «Хамса» ёзишга ният қилганлар, лекин биргина Амир Хусрав бу ишнинг уддасидан чиқиб, яхши ясар яратса олди. Бироқ Навоий Хусравни Низомий билан баравар қўйган эмас. Низомий фақат «Хамса»ни биринчи бўлиб ёзгани учун буюк бўлиб қолмасдан, балки яратган достонларининг маъно, гояларга бойлиги, сўз санъатини бекиёс баландга кўтаргани учун ҳам буюқдир. Хусравнинг буюклиги — Низомий достонларини янгича шеърий услуб, янги тарзи баён билан қайта куйлай олганидадир.

Алишер Навоий «Ҳайратул-аброр»ида дейди:

Ул безабон «Махзани асрор»идин,
Бу ёрутуб «Матлаъи анвор»идин,
Маснавий услуби мусаллам анга,
Пайраву монанд бу бир ҳам анга.
Кўп киши ҳам қилди татаббӯъ ҳавас,
Сарву гул ўтрусиға келтурди хас.

Демак, Хусрав Деҳлавий Низомий Ганжавийга етук достонлари билан муваффақиятли жавоб айта олган, сеҳрли қалами билан китобхонларга янги назм дурданаларини сочган шоир. Аммо унинг «Хамса»си Низомий «Хамса»си билан бир эмас, уларни баравар қўйиб бўлмайди. Навоийнинг бу фикрини «Садди Искандарий»да келтирилган қўйидаги сўзларидан яхши англаб олиш мумкин:

Низомийча гар назми чолок йўқ,
Чу эл мунча чолок йўқ, бок йўқ —

яъни, Навоий демоқчи, гарчи Амир Хусравнинг девонлари бадиий қиймат жиҳатдан Низомий достони даражасида бўлмаса ҳам, Хусрав сўзининг пояси «Панж ганж» муаллифи кўтаришган чўққига кўтаришмаган бўлса ҳам, аммо бошқалар шу даражага ҳам етмадилар, шунинг учун Хусравга ана шу журъати ва маҳорати учун тасанно деса арзиди.

Алишер Навоий ҳар икки устозини бир-бири билан солишириб ёзади:

Сўз авжида гар ул моҳи ховарий,
Бу гар йўқ моҳи ховарий, муштари.
Анинг лаълида гар дураҳшондалиғ,
Мунинг доғи дуррида раҳшандалиғ.
Гар ул роҳрав ўлса, бу пайрав келиб,
Гар ул шоҳ, бу доғи Хусрав келиб.

«Сабъай сайёра» достони муқаддимасида бу қиёс янада очиқроқ, батафсилоқ давом этган. Чунончи:

Не бино солса бурунғи меъмор,
Ул қилиб зебу зийнатин заркор,
Ул очиб юз гули риёзи эрам,
Гуллари узра бу ёндурууб шабнам.
Келтуруб ул нигори рутоза
Анга суртуб бу вусмаву роза.
Йўқки, ҳар сарви нозким ул экиб,
Яна бир озод сарв ҳам бу чекиб...

Шундай қилиб, Амир Хусрав Низомий Ганжавий қасри ёнига яна бир зарнигор қаср қура олган меъмор. Низомий гулзорини яна ҳам яшната олган, унинг сарв дарахтлари ёнига янги ниҳоллар экиб ўстира олган боғбон. Низомий сўз гўзаллигини кўз-кўз қилса, Хусрав

шу гўзални яна ясатиб, қошу кўзига ўсма-сурмалар суртиб, намойиш эттирган шоир.

Алишер Навоий назарида Амир Хусрав достонлари-нинг Низомийникидан фарқ қиласиган жиҳати — бу уларда акс этган лирик ҳис-ҳаяжон, туйғу сероблиги-дир. Бошқача айтганда, Хусрав лирикасидаги хусусиятлар унинг «Хамса»сида ҳам ифодаланган. Хусрав шеърияти шу сабабли китобхонни сеҳрлаб қўяди:

Дема ҳинду, қаро бало де они,
Не бало, офати худо де они.
Ҳар қачон хома илкига олибон,
Назмидин олам ичра ўт солибон.
Ўтки оламни ўртабон асари,
Келибон қўнгли ўтининг шарари.
Ишқ оташгоҳининг аҳгари ул,
Балки ул шуъланинг самандари ул.

Амир Хусравга ана шу самандарлик, яъни қақнус қушидай ёниб куйлаш, жонларга ўт солиш хос. Қайд этиш ўринлики, бу хислат Навоийга ҳам хос. Улуғ ўзбек шоири «Лисонут тайр»да ўзини қақнус қушига ўхшатади: қақнус шоҳ-шаббалар, ҳас-ўтинни йифиб, шу хирмон устида эзилиб куйлади, шунчалик ўткир ҳаяжон, дард билан куйладики, охири тумшуғидан ўт чиқиб, ўтинни ёндириб юборади. Қуш эса куйлайверади ва алангичча ичида ёниб кул бўлади. Бу ҳам Алишер Навоий ижоди билан Амир Хусрав ижоди орасидағи яқинликка далилдир.

Навоий ўз достонларида Амир Хусрав анъаналарини давом эттириб, уни ҳар жиҳатдан ривожлантирган. Айниқса, «Фарҳод ва Ширин» билан «Сабъаи сайёра» достонларида бу аниқ кўзга ташланади. Бироқ бу алоҳида ўрганилиши керак бўлган масаладир. Совет олимлари С. Айний, Е. Э. Бертельс, И. Султон, А. Ҳайитметов, С. Эркинов, С. Фаниева, С. Нарзуллаева,

Е. Исҳоқов, Т. Аҳмедов, Ҳ. Қудратуллаев ва бошқаларнинг илмий ишларида Алишер Навоийнинг Ҳусравга муносабати, унинг асарларидан баҳраманд бўлгани ҳақида гапирилади. Аммо, тадқиқотчиларнинг ҳар бири ўзини қизиқтирган мавзу талабига қараб, мазкур масаланинг бирор-бир томонига тўхталиб ўтганлар, холос. Яхлит ҳолда бу мавзу ҳали ўрганилган эмас. Навоий Ҳусрав Деҳлавийнинг қайси томонини қабул қилди, қайси асарда бу таъсир сезилади? Шунингдек, Навоий образлари, ғоялар олами ва услуби билан Амир Ҳусрав ижодиёти орасидаги ирсий алоқалар ҳали текширилган эмас. Бундан ташқари Навоийнинг Ҳусрав ижодига танқидий муносабати ҳам етарли ўрганилмаган. Чунки Навоий салафларига ўз эҳтиромини билдириш, улар ижодидан руҳланиш билан бирга, мустақил ғоявий позицияда туриб Низомий ва Ҳусрав Деҳлавийларнинг камчиликларини кўрсатган ҳам. Биз «Фарҳод ва Ширин» билан «Сабъаи сайёра»да Навоий кўпроқ Амир Ҳусравга татаббуъ этганини айтдик. Лекин худди шу достонларда Навоийнинг салафларига эътирози, танқидий қараашлари ҳам ифода этилган. Навоийга аввалги «Хамса»лардаги иккита образ — Ҳисрав ва Баҳром Гўр талқини ёқмаган. Шоҳларнинг майшатпарастлиги, маст бўлиб, қиссанхонлик қилиши, ишқда беқарорлигини кўклиарга кўтариб мақташ лозиммиди, деб савол қўяди Навоий.

Бу образларда мажнунона дард, ишқ дарди муқим эмас. Шунинг учун Навоий ёзади:

Бири буқим, йўқ анда мояи дард,
Қилдилар ишқ сўзидин ани фард.
Ким бирор меҳридин гар бари бўлғай,
Боқма гар меҳри ховари бўлғай.
Бўлса тарих аларға гар матлуб,
Анда сўз боғламоқ эмастур хуб.
Сўз ясадин чу топти пироя,

Ишқдин хушдур анда сармоя.
Ким кўнгулга ўти асар қилгай,
Жонға куйдурмаги хабар қилгай!

Бошқа «номуносабат тушган ишлар» ҳам борки, улар асосий сабабга келиб тақалади. Алишер Навоийнинг ишқ ва ошиқлик, шоҳ ва раият, мамлакат ободлиги ва ҳукмдор вазифаси тўғрисида айтган фикрлари, инсон, унинг моҳияти, жамиятдаги ўрни, ахлоқи тўғрисидаги қарашларида ҳам фарқ бор. Бу масалаларда у Низомий, Амир Хусрав ва Жомийдан кўп нарса ўрганганд, аммо бунга ўз мушоҳадалари, мустақил қарашларини қўшгандир. Шунинг учун Навоий ва Хусрав Деҳлавий ижодини кенг планда батафсил ўрганиш бу икки буюк шоир ижоди орасидаги ҳали очилмаган талай боғланишлар, меросий давомийлик ва янгиланишларни ёритишга ёрдам беради, деган фикрдамиз.

ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ИНСОН ТАЛҚИНИ («Матлаъул-анвор» ва «Ҳайратул-аброр» мисолида)

Инсон ҳамма замонларда ҳам адабиётнинг бош мавзуи бўлиб келган. «Адабиёт инсоншунослик фани» (М. Горький) экан, демак, бутун адабиёт тарихини инсон ҳақидаги фикрий-фоявий қарашлар, инсонни тасвирлаш, инсон моҳиятини кашф эта бориш тарихи деб атаса бўлади. Чунки ҳар бир ёзувчи, ҳар бир шоир жамият ҳодисалари, ўзини қизиқтирган, тўлқинлантирган foяларни қаламга олар экан, албатта инсон сийрати ва сурати, ахлоқи, фаолияти, ният-орзуларига қадалиб ўтади. Инсоннинг ўзи нима, у қаердан келиб чиқсан, ҳаётда ўзини қандай тутиши керак, инсоният жамияти, одамларнинг бир-бирига муносабати нималар

асосига қурилиши лозим? Бу саволлар фақат файласуфлар, сиёсатдонларнигина әмас, адиларни ҳам банд этган. Кўп асрлик Шарқ адабиётида ҳам инсон проблемаси доимий равишда баҳс мунозарага сабаб бўлиб, турли қарашларни вужудга келтирган. Шарқнинг гуманист шоирлари диний хурофот ва феодал зулм-истибдоднинг кучайган даврларида ҳам инсонни улуғлаш, унинг ажиг фазилатларини васф этиш, номақбул, тубан хислатларни танқид қилишни канда этмаганлар.

Буни икки буюк шоир — Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий ижодида, хусусан уларнинг фалсафий-лирик достонлари «Матлаъул-анвор» ва «Ҳайратул-аброр»да кўрса бўлади. «Ҳамса»ларнинг биринчи достони бўлган бу асарлар ўзига хос программа характеристидаги муҳим асарлардир. «Матлаъул-анвор» Низомий Ганжавийнинг «Маҳзанул-асрор» достонига жавобан ёзилган бўлса, «Ҳайратул-аброр» Низомий ва Деҳлавий асарларига жавоб тарзида дунёга келган. Хусрав Деҳлавий билан Алишер Навоий бу достонларда фалак ва коинот, руҳи мутлақ, одамнинг яратилиши, табиати, ахлоқи, яхшиёмон хислатлари ҳақида фикр юритадилар.

Гарчи бу асарлар Низомий таъсирида юзага келган бўлса-да, аммо уларда ҳар бир шоир яшаган замоннинг талаблари, муаллифларнинг шахсий қарашлари, ўй-фикари акс этганини унутмаслигимиз лозим. Улар шунчаки, инсон ҳақида фикр юритиш, унинг фалсафий моҳиятини англаш учун интилган әмаслар. Буюк шоирларни, аввало яхши инсон фазилатлари нимадан иборат, қандай қилиб яхши одам бўлиши керак, деган масалалар қизиқтирган ва ҳар бири ўз кузатишларининг на-тижасини ифодалаган. Шунинг учун «Матлаъул-анвор» билан «Ҳайратул-аброр» мазмун мундарижасига, кўтарилиган масалаларга кўра ўзаро яқин жиҳатлари ҳам, фарқли жиҳатларга ҳам эга. Буни яхшироқ фаҳм этиш учун иккала достоннинг композициясини қисқача кўздан кечирамиз.

Хусрав Дехлавийда умумий киришдан кейин учта муножот ва учта наът келади. Сўнгра шоир ўз пири Низомиддин авлиё, султон Алоиддин, яна бир ҳукмдор мадҳига ўтади. Сўнгра асарнинг таркиб ва тартиби хусусида гапиради-да, орқасидан учта хилват (учта фалсафий — тасаввуфий боблар)ни ёзади. Шундан кейин йигирмата мақолат келадики, ҳар бир мақолат битта ҳикоят билан якунланади. Асарнинг охирги боби «Гуфтор ихтимоми китоб» (Китоб тугаллангани ҳақида сўз) деб номланган. Хусрав Дехлавий асари, шундай қилиб, ҳаммаси бўлиб, 53 бобдан иборат. Алишер Навоий достони эса 63 бобни ташкил этади, яъни Хусравникудан 10 боб ортиқ. Хўш, бу ниманинг ҳисобига юз берган?

Мақолатлар ва уларнинг ҳикоятлари сони иккала асарда ҳам баробар — 20 тадан. Бошқа бобларда эса фарқ бор. Масалан, Алишер Навоий умумий киришдан кейин яна бир ҳамд («Ул холиқ ҳамдиким, маҳлуқот тасвирига анинг қалами сунъий чеҳракушодур...») бор. Бундан бошқа, муножот тўртта, наът эса бештадир, яъни 3 боб бу ерда зиёд. Узбек шоири ўзининг танқидий-эстетик қарашларини ифодалаш учун сўз таърифига икки боб бағишлади. Унинг бағишловлари ҳам Хусрав Дехлавийдан битта ортиқ (Баҳоваддин Нақшбанд таърифи). Навоий «Ҳайрат»ларни бошлишдан олдин (Хусравда булар хилват деб номланган), кўнгул талқинига бир боб ажратган. Чунки оламдан, унинг жамоли, сиру асроридан ҳайратланиш — бу кўнгил, яъни руҳ ишидир, инсон, аввало руҳдир, инсон камолоти ҳам руҳнинг камолотидир, деган ғояни илгари суради Навоий. Инсон севгиси, поклиги, вафоси, ақли, билими ва бошқа хислатлари билан улуғдир. Булар ҳақида «Матлаъул-анвор» муаллифи ҳам, «Ҳайратул-аббор» муаллифи ҳам муҳим прогрессив фикрларни олға сурганлар.

Масалан, Хусрав Дехлавий «Матлаъул-анвор» дostonида инсон ҳақида дейди:

Эй зи азал гавҳари пок омада,
Гавҳари ту зевари хок омада.
Чамбари нўҳ чарҳ басе баҳт хок,
То ту бурун омадан, эй дурри пок...
Нури ту ҳангомаи анжум шикаст,
Дасти ту тасбеҳи малоик гусаст.
Жону жаҳони ҳама олам туй,
Вон ки нағунчад ба жаҳон ҳам туй.¹

(Эй азалдан гавҳар бўлиб яратилган, сенинг гавҳаринг — тупроқнинг зийнатидир. Фалакнинг тўққиз элаги — тўққиз қабат осмон сен дурри пок ҳосил бўлгунча тупроқ элади... Сенинг нуринг юлдузлар анжуманини синдириди. Қўлинг малоикалар тасбеҳини тортиб олди. Бутун оламнинг жону жаҳони сенсан, жаҳонга сифмаган жон ҳам сенсан).

Шоир инсонни барча маҳлуқотнинг афзали, шарифи деб таърифлар экан, шуни ҳам уқтирадики, одам ўзига муносиб яхши ишлар билан шуғулланиши, ўз номини ёмон, тубан хулқ-атвор билан булғамаслиги керак. Ҳасад-ҳирс, пасткашлиқ каби хислатлардан ҳазар этмоқ лозим, дейди Амир Хусрав. Шоир ўз замонасининг воқеаларини кузатган, одамларни ўрганган ва шу хуло-сага келганки, қалби бўш, маънавий-ахлоқий нолойиқ одамлар кўпроқ амал мансабга интиладилар. Аммо бу уларнинг пастлигини яшира олмайди:

Паст нагардад ба таманно баланд,
Гарчи ба ангушт кунад по баланд.

¹ Хусрав Дехлавий. Матлаъул-анвор, танқидий текст, пашрга тайёрловчи Тоҳир ўғли Маҳаррамов. Москва. Наука, 1975, 83-бет.

(Паст орзу билан улуг одамга айланиши даргумон, ҳарчанд бўйини баланд қилиб кўрсатиш учун бармоқла-рига тирагиб чўзилса ҳам).

Одамнинг мартабаси унинг ақли, шахсий қобилияти, ҳиммат-ҳамиятига, иродасига қараб кўтарилиши керак. Ўз насли, ота-бобосининг обрўси, қариндош-уруг орқасидан манманлик қилиш фирм аҳмоқлик, дейди:

Одами аст аз пайи коре бузург,
Гар накунад инт — хаморе бузург.

(Одам ўз ишлари билан улуғдир. Агар буни қилмаса — катта ҳайвондир).

Бундай инсонпарварлик ғоялари билан суфорилган, инсонни севиш, шарафлашни тарғиб этувчи сатрлар «Ҳайратул-аброр»да ҳам кўплаб топилади. Чунончи:

Кониу ҳайвони агар худ набот,
Ҳар бири бир гавҳари олийсифот,
Барчасини гарчи латиф айладинг,
Барчадин инсонни шариф айладинг.

Алишер Навоий инсонга биринчи навбатда ҳаётдаги фаолияти, кирду корига қараб баҳо берган. Инсон жамиятга наф келтириши, фойдали ишлари билан қадрли, фазилатлиям. Бошқаларга зиён етказадиган, жамият тинчлиги, осойишталигини бузадиган сийрати суратига тўғри келмайдиган кимсалар эса чин инсон эмас. Навоий буни турли табақага мансуб шахсларнинг типик хусусиятларини ўзаро зид қўйиб очиб кўрсатган (Одил ва золим шоҳ, тўғри йўл кўрсатувчи ва риёкор шайх, олим ва жоҳил, вафоли ва бевафо одам ва ҳоказо). Яхшиликнинг, одамийликнинг мезони — бу халқ манфаати учун ишлаш, халқ ғам-ташвиши билан яшашдир:

Одами эрсанг, демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

Шундай қизғин әхтирос ва ўткір ҳимматона оқангда айтилған гаплар «Маҳбубул-қулуб»да ҳам анча.

Навоий шундай үзгалар ғамида юрадиган, ҳиммати баланд, ҳожатбарор, адолатпаноҳ инсонларни шарафлайди. Маълумки, инсон аллақандай мавхұм тушунча әмас. Инсон үз касбу кори, жамиятда әгаллаган мавқеи билан конкрет шахсdir. Агар ўрта асрларда яшаган кишиларни назарда тутсак, бу — деҳқонлар, ҳунармандлар, олимлар, ижодкорлар, амирлар, шоҳлар, савдогарлар ва бошқа табақалардан иборат. Навоий бу тоифаларнинг барчасини «Маҳбубул-қулуб» асарида бирмабир таърифлаган, ижобий жиҳатлар билан бир қаторда салбий жиҳатларга ҳам эътибор бериб, ҳар бир гуруҳнинг ҳам яхши-ёмони борлигини кўрсатган. Ана шу тариқа зид қўйиб тасвирлаш «Ҳайратул-аброр»да ҳам бор. Улуг шоир шунинг учун адолатли ва золим шоҳ, рост қавл ва риёкор шайх, карамли (саҳоватли) ва хасис одам, одобли ва беадаб киши, олим ва жоҳиллар хусусида ёзди, уларнинг инсоният жамияти учун фойда ёки зарарини кўрсатиб ўтади. Масалан, ўн биринчи мақолотда илмнинг фазилати ва жоҳил нодонликнинг касофати ҳақида сўз боради. Аммо шоир бобни тўғридан-тўғри:

Даҳр иши то ҳалқ ила бўлмиш ситеz,
Хордуур олиму жоҳил азиз,

деган байт билан бошлайди. Чунки замона зулмни севади, разил, жоҳилларга мартаба, мансаб поғонасиға кўтарилиши насиб этади, «билик аҳли»нинг кўргани эса ранжу азоб:

Феъли ёмон топса рафиъ айлабон,
Хукмига оламни мутеъ айлабон.

Ёмон одам бошқаларни ўзига мутеъ этса, яхшилар оқил, донолар хор бўлади, лаълдек қимматли, кўнгли

пок одамлар «кўхи боло остида ғамнок» яшайдилар. Хулқи, рафтори даррандалик бўлган нокаслар шоҳ саройида иззат-ҳурматда яшайдилар, дейди Навоий. Шоир илм олишнинг машаққатли азобларини тасвирлайди. Қашшоқ, оч-яланғоч муллаваччалар аянчли аҳволда мадрасаларда куну тун таҳсил кўриб, илм ўрганадилар, мақсадга эришиш учун барча нарсадан, ҳатто ҳаёт неъматларидан ҳам воз кечадилар.

Ғурбат аро ҳоли ёмондин ёмон,
Ҳар не йўқ андин ёмон, андин ёмон.

Лекин, афсусланадиган ва ажабланадиган жойи шуки, деб қуюнади Навоий, «бир жоҳили қотилваш», «сўзи ҳам, ўзи ҳам нохуш» дину диёнати йўқ жоҳил одамлар молу мулк эгаси, мансабдору мартабалидирлар. Яна ажабланарлиси шуки, бу разил, нодон одамлар хизматида нечта олиму донишманд қўйл қовуштириб, мулозимлик қиласди. Навоий бундай олимларни ёмон кўрган. Агар ҳар қанча муҳтоҷ бўлсанг ҳам паст, жоҳил кишининг хизматида бўлма, бошингни кўтариб озод юргин, дейди шоир:

Илмни ким воситай жоҳ этар,
Ўзинию ҳалқини гумроҳ этар.

Илм-амал, мансаб воситаси эмас, балки ҳалққа хизмат қилиш қуролидир. Олим дунё молига меҳр қўймаслиги керак:

Солмаса кўз жафои дунё сори,
Боқмаса туз дунёи фони сори.
Они шараф гавҳарининг кони бил,
Гавҳару кон ҳар не десанг, они бил.

Шу тариқа, кўрамизки, Алишер Навоий инсоннинг муҳим фазилатларидан бири сифатида билимдонликни кўрсатган. Бу ерда муҳими шуки, улуғ шоир конкрет суратда ўз даврининг воқеаларидан келиб чиқиб, нотавон, камбағал болалари учун илму урфон эгаллашнинг ниҳоятда қийин экани, энг ёмони шу азоб билан билимдон бўлганлар хору нодон, разиллар эса роҳатда яшашини дарду алам билан тасвирлаган. Шоирнинг муносабати, жамиятнинг нотекислиги,adolat йўқлигини очиқ-ойдин ёзиши Навоий инсонпарварлигининг қудратини оширган, унинг ғоялари ҳаётийроқ, таъсирироқ бўлиб чиқишини таъмин этган.

Илм ҳақидаги боб Хусрав Деҳлавийда ҳам бор. «Матлаъул-анвор»нинг иккинчи мақолоти шу мавзуга бағишлиланган. Хусрав ҳам илмни улуғлаб, жаҳолатни танқид қилган. Унингча, илм бу қоронғи кечада йўл кўрсатувчи чироғдир. Чироғи бўлмаган одам қудуққа тушиб кетади. Илм билан кучли бўлган одам зарру гавҳарга эътибор қилмайди, ҳам илм ва ҳам бойлиги бор одам жуда оздир. Олим ўз илми билан улуғ, жоҳил шоҳу султон бўлиб, дунёни эгалласа ҳам авомдир, паст кимсадир:

Гарчи кашад.gov жуволи гуҳар,
Бор зиёдат шавадаш, не ҳунар.

(Ҳўқизга гавҳар қопи ортилган билан, юки ортади, ҳунари ортмайди).

Хусрав ўзини билимдон кўрсатишга уринган нодон кишилар, ясан-тусан қилиб юрадиган одамлардан кулади. Хусрав Деҳлавий олим билан жоҳилни турли кўринишларда солишириб, ҳақиқий илм эгасининг фазилатларини бир-бир санаб чиқади. Илмда ҳийла, манманлик, ялқовлик, мақтанчоқлик зиён келтиради. Илм оламан деган одам майпарамстлик, ишқбозликдан возкечиши керак:

Илм чунон хон, ки зи паси зиндагай,
Хоби ту бошад шарафи бандагай.

(Илмни шу қадар ўргангинки, ўлганингдан сўнг, сенинг уйқунг одамийлик шарафи бўлсин).

Олим одамнинг аъмоли ҳам ўзига ярашадиган, хулқи покиза бўлиши керак.

«Матлаъул-анвор»нинг иккинчи мақолоти сўз фазилати таърифига бағишлиланган. Хусрав Деҳлавий анъанага мувофиқ сўзнинг инсон камолоти учун аҳамиятини маҳсус таъкидлаб ўтади. Унинг назарида инсонни ҳайвондан ажратиб турган сифатлардан бири — бу унинг нутқи, тили. Аммо шоир сўзни кенг маънода олиб қараган: сўз — алоқа воситаси бўлмиш тил, сўз — дунёни англаш воситаси, ақлнинг иродаси, сўз — маънавий-бадиий етуклиқ, фаросат, заковат белгиси. Инсоннинг тили мўъжизалар яратишга қодир, у барча бунёдкорликлар, ижод ва истеъдоднинг калити. Шунинг учун:

Пас чун чунин аст сухан жони мост,
В-он ки бад ўзинда бувад з-они мост.
(Шундай экан, сўз бизнинг жонимиздир,
Биз ўша билан тирикмиз — бу бизнинг неъматимиз).

Ақл, билим ҳам сўз орқали ўз қудратини намоён қиласди. Ақл ва сўз бир-бiri билан опа-сингил, ўз навбатида иккаласи жонга кўкалдош:

Ин хираду нутқ, ки з-они туанд, /
Ҳар ду ду ҳамшираи жони туанд.
(Бу ақл ва нутқим, сенинг мулкингдирлар,
Иккаласи жонингнинг сингиллари дидирлар).

Ақл — инсоннинг буюк қудрати, хазинаси, аммо бу хазинанинг калити тил, нутқдир. Хусрав Деҳлавий сўзни илоҳий неъмат, мутлақ руҳнинг файзи деб таъриф

этади. Сўз кишиларнинг дилига ғулфула солади, бардамлик бағишлийди, ҳаётга муҳаббатини оширади. Ишқ розининг изҳори, кўнгилдаги яширин сирлар, буюк ҳикматлар ҳам сўз воситасида дунё юзини кўриб, ажиг савдолар қўзғата олади. Бас, сўз инсон безаги, камолоти нишонаси экан, бошқа ҳамма нарсадан уни азиз ва мукаррам тутиш керак. Бадиий сўзниң қадрини кўтариш лозим. Сўз ҳар қандай қимматбаҳо ганждан ҳам қимматлидир, деб таъкидлайди. Амир Ҳусрав Деҳлаый:

Чанд зи поси дирам афти ба ранж,
Поси сухан дор, ки он аст ганж,
Аблаҳи ар сурфаи зар мекуни,
Сурфаи гуфтор кун ар мекуни.
Гарчи туро риштай гавҳар басест,
Гар ба маҳал сарф нагардад хосест.
Мурод, ки — тажрибаи кор кард,
Харчи ҳама чиз ба ҳинчор кард.

(Дирам — олтин кетидан қувиб, бунча азоб чекасан. Сўзни йиф, сўзни эҳтиёт қил, чунки ганж шудир. Зардан ҳамён тўлдирсанг абраҳсан, ҳамён тўлдирмоқчи бўлсанг, сўздан ҳамён қил. Ўзингга бор шода гавҳар етарли бўлса ҳам, агар уни ўз вақтида сарфламасанг ҳас билан баробардир. Тажрибали эрлар, ҳамма нарсанинг харажатини меъёри билан қиласидилар).

Шундай қилиб, шоир худди хазинани эҳтиётлаб сарфлаш қандай фойдали бўлса, сўзни ўз ўрнида эҳтиёт қилиб қўллаш, бўлар-бўлмасга вайсамасликни маслаҳат беради. Беҳуда гапириш кишининг обрўсини тўқади, бебурд қилиб қўяди, дейди шоир. Шунинг учун сўзни ҳам маънодор қилиб сўзлашга интилиш яхши. Маъноли, нозик сўзни эса уни тушунадиган, қадрига етадиган фаҳмли, идрокли одамлар тушуниб завқланадилар. Бундай суҳбатларнинг тарбиявий аҳамияти катта. Хус-

рав Деҳлавий рост сўзлаш, сўз билан ишнинг (амалнинг) мувофиқ келишини таъкидлаб, ёлғончиликни қаттиқ танқид қиласди:

Лаъл, ки он рост кунанд аз дуруғ,
Қадр надорад ки надорад дуруғ.

(Агар лаъл ҳам ёлғондан ясалган бўлса, яъни сунъий, сохта бўлса, қадрланмайди, чунки ясама лаълнинг товланиши ҳам йўқ).

Ёлғончининг ишида барака бўлмайди, халқни алдаш билан ёмон йўлга бошлайди. Хуллас, ёлғончи жамият учун заарли одам. Қизиги шундаки, Хусрав Деҳлавий ўзи шоир бўлгани ҳолда шоирларни ҳам ёлғончилар қаторига қўшган:

Қавли се кас нест ба даҳр устувор,
Шоири, қуръазану ахтаршумор.

(Дунёда уч кишининг сўзига эътимод йўқ: шоир, фолбин ва мунажжим).

Афтидан, Хусрав Деҳлавий маддоҳлик билан кун кўрадиган, золим хонларни адолатпаноҳ деб мақтаб мукофот оладиган қасидагўй шоирларни назарда туттган. Чунки улар ҳақиқатдан ҳам йўқ сифатларни қаторлаштириб, баландпарвоз ташбиҳлар билан шоҳу вазирларни тавсиф-таъриф этиб, эвазига мукофотлар олардилар. Шу аснода Амир Хусрав адабиётни аслзодалар эрмагига айлантирган, унинг обрў-эътиборини тўккан таъмагир шоирларга нисбатан салбий муносабат билдиради. Шу каби у фолбинлар ва мунажжимларни ҳам ортиқча одамлар, фирибгар кишилар сифатида тилга олиб ўтган.

Улуғ шоир ваъдабозлик, лоф — муболага қилиб, бирни мингга йўйиб юрадиган кимсалар, сўзда турмайдиган вафосизларни танқид қилган. Тилнинг инсон учун

тенгиз неъмат, қурол эканлиги, унинг воситасида инсон не-не улуғ ишларни амалга ошириши мумкинлигини қайд этиб, шоир бу қуролдан эҳтиёт қилиб фойдаланмаса, зарар келтиришини ҳам кўрсатади. Ҳар нарсани айтивериш, одамлар кўнглини оғритадиган гаплар гапириб юриш хунук одат, дейди Амир Хусрав. Тил фақат эзгу ишлар учун хизмат қилиши керак. Одам яхши сўзни эшитиб, яхши, латиф сўз айтиб, кишилар қалбини хурсанд қиласидиган бўлиши керак:

Не ҳама гуфтор аз инсон хуш аст,
Ҳар чи писандида бувад — он хушаст.

Инсоннинг ҳамма айтадигани ҳам хуш эмас, одамларга маъқул бўлгани хушдир).

Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» асарида ҳам сўз ҳақида алоҳида боблар бор. Боблар деганимизнинг маъноси шуки, Навоий ўн тўрт ва ўн бешинчи бобларни сўз таърифига бағишлишдан ташқари, ўнинчи мақолатда (ростлик таърифидаким, вужуд уйи бу туз стун била барной) ҳам ростлик ва ёлғончилик хусусида фикр баён этиб, «Шер ва Дуррож» ҳикоясини келтириш орқали ёлғоннинг кулфатини кўрсатиб беради. Ўзбек шоири ўн тўртинчи бобда сўзнинг аҳамияти, инсонни улуғлаш хусусиятини баён этади:

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Руҳ дағи тан аро сўздин ҳалок.
Тирузуб ўлганни каломи фасиҳ,
Ўзига жонбахш лақаб деб Масиҳ.
Боис ўлуб ман сўзи бедодга,
Туҳмат ўлуб ўртада жаллодга.

Шоир сўзнинг икки хил хусусияти ҳам яхшилик ва ҳам ёмонликка хизмат қилишини таъкидлаган. Сўз ўлукни тиргизиши ҳам, тирик одамни ўлдириши ҳам

мумкин. Шоҳларнинг бир оғиз сўзи зулмни авж олди-
ра олади ёки адолатни барқарор этади. Навоий бадиий
сўз устида тўхтаган:

Дафтари назмида чу шерозадур,
Гул варақи гулшан аро тозадур.
Узди чу шерозасини дафтари,
Ел учурур ҳар варақин бир сари.
Назм анга гулшандада очилмоғлифи,
Наср қаро ерга сочилмоғлифи.

Бунда қадимгиларнинг эстетик қараши, яъни шеърий асарни прозадан устун қўйишлари ўз ифодасини топган. Навоий сўзида маънонинг ахамиятини алоҳида таъкидлаган. Шунингдек, сўзниң ҳусни, чиройли шаклда бўлиши ҳам муҳим деб билади. Лофчи, бемаза, бетаъсир кишиларнинг сўзини тинглашдан кўра одам ўзини пичоқ билан тилка-пора қиласа афзалроқдир, деб ёзади Навоий. Шу каби қофиябоз шоирлар, тутуруқсиз сатрларни тизиб шеър деб ўқиб юруғи габъи паст кишиларни ҳам Навоий ёмон кўрган. Бу ерда у устози Амир Хусрав қарашларига қўшилади. Шеърнинг асосида ҳақиқат ётиши, кишиларни тўғри йўлга ҳидоят этувчи рост сўзлар бўлишини талаб қиласи. Ёлғонни қанча безаб кўрсатсангиз ҳам ёлғонлиги билинади. Бундай «шеърлар»ни ўқиб, кўнглим ранжийди, дейди шоир нолиган ҳолда.

Шундай қилиб, тил, сўз ҳақидаги фикрлар Амир Хусрав ва Алишер Навоийда бир-бирига тўғри келади. Аммо Навоийда эҳтирос кучлироқ, танқид руҳи ўткир. Бундан ташқари сўз бобида Навоий туркий тилнинг имкониятлари хусусида гапириб, ўзи журъат билан бу тилда катта асар бошлаганини ҳам ғурур билан баён этганки, бу ҳам унинг асарининг ўзига хослигини белгилайди. Навоийнинг қарашларида Низомий, Хусрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомий қарашларининг таъсири

борлиги аниқ. Низомийда ҳам, Жомийда ҳам тил ҳақида, сўзнинг инсон зотини улуғловчи фазилатлари хусусида фикрлар бор. Умуман, сўз, нутқ инсонни ҳайвондан ажратувчи белги экани, сўзни қадрлаш, тилга эътибор қилиш лозимлигини уқтириш Шарқнинг кўп шоирларида бор. Аммо ҳар бир адиб бунда анъанавий ҳикматларни янги ифода-ибора билан такрорлаш баробарида ўзи ҳётда кўрган, кузатган воқеа-ҳодисалардан чиқарган хулосаларини ҳам сингдирган. Зеро, насиҳат, фойдали гап айтиш, одамийлик хислатларини ҳимоя қилиш ҳам шоирнинг бурчи ҳисобланган. Айниқса, Навойӣ, Ҳусрав Дехлавий каби мутафаккир адибларда бу интилиш аниқ сезилиб туради.

«Матлаъул-анвор»нинг навбатдаги мақолоти тақво ва унинг фазилатига бағишлиланган. Унда шаҳвоний нафсни тийиш, қаноат ҳақида гап боради, шаробхўрликнинг хунук оқибатлари қораланади. Боб қуийидаги байтлар билан бошланади:

Эй шуда бозичаи дасти ҳаво,
Карда равое ба раҳи нораво.

Жаҳди вубол — инчӣ парешонияст,
Тарки худо — инчӣ мусулмонияст.

(Ҳою ҳавас қўлида ўйинчоқ бўлиб, нораво, нодуруст йўлга кирган одам, гуноҳ қилишга жаҳд қиласан — бу қандай паришенлик, худони танимайсан — бу қанақа мусулмонлик).

Ҳусрав Дехлавий ана шу огоҳлантириш билан сўзни бошлаб, ҳаром нарсалардан парҳез қилмайдиган, тақвосиз, бетавфиқ одамларнинг хусусиятини бир-бир баён этиб, уларни бу ёмон йўлдан қайтишга даъват этади. Табиба мурожаат этишдан олдин одам ўзини-ўзи даволаш, яъни ўзини-ўзи эҳтиёт қилиб, ифлос, ношоиста қилиқлардан ҳазар қилиши даркор. Кишининг қадри

семизлиги, қанча овқат ейиши билан эмас, балки ақлу фаросати, амалий-фойдали ишлари билан ўлчанади. Шу сабабли тақво, яъни қаноат қилиш, тийинишининг фойдаси катта. Қаноат, тақво кишини ёмон йўлга киришдан сақлайди, иродасини мустаҳкамлади:

Лаве чу пур шуд ба ҳалокат кашад,
Об чай пур гашт ба хокат кашад.

(Ифлослик, палидлик кўпайса, ҳалокатга олиб боради агар сув тошса сени тупроққа олиб боради, яъни гўрга тиқади).

Ифлослик нафснинг ёмонлиги, тан роҳатига ўчликдан ҳосил бўлади. У бора-бора жонни азоблаб, мажруҳ этади, руҳ сўниб, танни идора қилолмайдиган бўлиб қолади. Нопокликнинг белгилари сифатида ҳиндистонлик шоир шаробхўрлик билан фоҳишабозликни кўрсатган. Буларнинг иккаласи ҳам инсон умрини завол этадиган, инсон шарафини булғайдиган иллатлардир, деб таърифлайди:

Чист шароб?— оби шарромехта,
Нақди кабоби намакаш рехта.
Хўрдани май ҳар бадиерост сар,
Вонки бадаш меҳӯрад он худ батар.

(Шароб нима?— Ёмонлик қўшилган сув, тузи тўкилиб кетган, бемаза кабоб, Май ичиш ҳар қандай ёмонликнинг боши — бошланишидир, ёмон нарсани истеъмол этган эса ёмондан — ёмон).

Хусрав Деҳлавий маст одамларнинг ифлос уст-боши, сассиқ бадани, ярамас қилиқларини нафрат билан тилга олиб, ўқувчининг нафратини қўзғатишига интилган. Маст ҳаммага масхара, эътибор-обрўйи йўқ одам. Маст кишининг тавозеига ишониш қийин, чунки бу тавозе бода ундириш учун бўлган хушомаддир.

Майпаст одамни шоир девга ўхшатади, чунки дев инсоннинг аксиdir, инсон ўзига лойиқ кўрмаган нарсани дев қилади. Дев ёвузлик, бузғунчилик ва фалокат келтирувчи куч, май ҳам шундай. Маст одамда субут, событқадамлик бўлмайди: «Мастлию событқадамй кай бувад?» (Мастлик билан событқадамлик ўзаро мувофиқ эмас). Хусрав Деҳлавийнинг уқтиришича май билан зино қилиш, яъни фоҳишабозлик бир-бирини чақирадиган нарсалар, яъни майпастлик бўлган жойда шоҳид-бозлик ҳам бўлади:

Шурбу зино тира кунад ройро,
Шоҳиду май суст кунад пойро.
Шишаи май, к-ўст ба ҳомла фасод,
Чист, к-аз он «умми хабоис» назод.

(Ичиш ва зино қилиш ақлу хушни хиралаштиради, ўйнаш билан май оёқни ҳолсизлантиради. Фасод юки билан ҳомиладор бўлган май шишаси «умми хабоис», яъни «фалокатлар онаси» туғмай бошқа нима қиласди). Бу икки ишга ружу қўйган одамнинг ўзи ҳам фалокат ва ифлосликлар уясига айланиб қолади, иши чаппасига кетади, одамлар ундан ҳазар қила бошлайдилар. Айниқса, ёшлар бундай майшатларга ўч бўладилар, лекин ўзларининг ботқоққа ботиб қолганларини сезмайдилар. Фаҳш билан шуғулланган одам ўзининг ёшлиқ қуввати жамланган ноёб гавҳарларини беҳуда сарфлаб, бора-бора ожиз нотавон бўлиб қолишини билармикин, яъни:

Қатра, ки аз пушти дурушти ту реҳт,
Гавҳаре аз муҳраи пушти ту реҳт.
Гавҳари силки ту чу рафт аз миён,
Муҳраи маҳмал шуд аз реسمон.

(Сенинг қаттиқ орқангдан томган қатралар — орқа суюгинг ичидан сизиб чиққан гавҳарлардир. Белингдан

тоза тизилган гавҳарларинг кетгандан сўнг юмшоқ баҳмал белбоғнинг ўзи қолади).

Шаҳватдан лоф урган одам мард эмас, мардлик ўз нафсини тия билиш, нафсни бошқара олишdir. Кўринаидики, Хусрав Деҳлавий майшатпарамастликни, майхўрлик ва фоҳишабозликни инсоннинг салбий хислатлари қаторига қўйибгина қолмай, балки инсон зотига нолойиқ деб ҳисоблаган. Бу фикрлар шоир яшаган XIV аср ҳаётти учун ҳам, ундан кейин ҳам, ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Хусрав Деҳлавий бундай одамларни кўп кўрган, хусусан юқори табақа вакиллари орасида майхўрлик, бузуқлик авжда эди. Шоирнинг аччиқ танқиди, ҳажвининг тифи шуларга қарши қаратилган эди:

Зард наҳоҳи зи зино руйро,
Парда фикан чаҳми зино жуйро...
Расми сагонаст ба ҳар сў нигоҳ,
Шери сарафканда хиромад ба роҳ.

(Зино қилишдан юзинг сарғаймасин, обрўйим кетмасин десанг, зинога ўч кўзга парда тут. Ҳар томонга қараш итларнинг одатидир, боши қуий эгилган шер ўз йўлида кетаверади).

Аммо улуғ шоир алам билан шуни ёзадики, девсиғат, ичида шайтон уя қурган, нияти фаҳшу фалокат бўлган одамлар эътиборда, амал-манساب эгаси:

Ин чи замон аст, ки дар ҳар тараф,
Ҳаст ба фисқ аҳли жаҳонро шараф.
Ҳар нафасе кори гунаҳ пештар,
Хории дин бошад аз ин бешта.

(Бу қанақа замонки, ҳар тарафда аҳли дунё фисқу фасод билан шараф топмоқда. Ҳар нафасда гуноҳ ишлар кўпаймоқда, бундан дину диёнат баттар хор бўлмоқда.

Баъзан эса бундай одамларни шайх, вали деб улуглаш ҳоллари ҳам бор. Шарру шерар, яъни ёмонлик, паст ишлар билан шуғулланиш айб бўлмай қолди, ёмонликнинг чироғи ёниқ, бошқача айтганда, уларнинг чироғи ифлосланган ёғ билан ёниб турибди деб ҳасрат чекади Хусрав Деҳлавий:

Вой, на як бор ки сад борвой,
Зин ҳама габрони мусулмоннамой.

(Бир эмас, юз борвой, ўзларини мусулмон санаган габр-кофирилар дастидан дод).

Хусрав Деҳлавий мусулмонлик деб, яхши хислатларни мужассам этиш, ёмон йўлга қадам қўймасликни тушунган. Шу сабабли у ёмон хислатларнинг борини дину имондан чиқиш деб таърифламоқчи бўлади. Унингча, худопарастлик билан, комил мусулмон бўлиш билан яхши ахлоқли бўлиш айни бир ишдир. Бунинг учун гуманист шоирни айблашга ҳаққимиз йўқ. Зероки, биринчидан, у ўз даврининг одами эди ва яхшилик, эзгу сифатларни диннинг поклигини сақлаш билан боғлаб тушунтиради, иккинчидан, шоирнинг нияти тўғри. У ўз фикрини нимага суюниб, қайси формада ифодаламасин, асосий ғояси инсондаги хислатларни кўриш, инсонни ҳимоя қилишдир. Шу муносабат билан Хусрав Деҳлавий риёкор дин арбобларининг кирдикорини фош этган. Хилватда зино қилиш, шаробхўрлик ва бошқа қабиҳ ишларни қилиб юрадиган, лекин халқа ўзини пок мусулмон қилиб кўрсатадиган икки юзламачи, мунофиқ муллалар, шайх ва зоҳидларни ҳажв этган. Шоирнинг бу қарашлари кейинчалик ҳам бошқа шоирлар томонидан давом эттирилди. Жумладан, улуг ўзбек шоири Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аббор» дostonida бу мавзулар янги замонга мослаб, бошқа обуранг билан ишланган. Навоий бу мавзуларнинг ҳар бирига бир боб мақолот ажратади. Чунончи, бадмаст

майпарастларга бир боб, олифта зинобозларга бир боб, риёкор шайхларга мазаматига бир боб бағишиланган. Масалан, шоирнинг май ва майхўрлар ҳақидаги фикрларини кўздан кечириб чиқайлик.

Бу ўринда шуни айтиш керакки, Навоийнинг салафлари Низомий, Ҳусрав Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз ижодларида ҳам май ва майхўрлик ҳақида гап кетсада, лекин уларда бу нарса муҳокама мавзууга айланмаган ва қаттиқ қораланмаган. Алишер Навоий эса Баҳром Гўр образи орқали майпараст шоҳнинг фожиасини кўрсатиб, Бойқарони ундан сабоқ олишга чақирган. Бунинг сабаби шуки, майхўрлик, айшу ишратга берилиш XV асрда Ҳиротда кенг авж олади, фақат султон саройидагина эмас, бошқа жойларда ҳам ҳоким амалдорлар, сипоҳийлар, ҳатто дин арбоблари, шайху қозилар бўш вақтларини базми жамшиidlар уюштириб, майхўрлик қилиш билан ўтказганлар. Чоғир ичиш бора-бора аҳолининг қуий табақалари ҳаётига ҳам кириб келган, хонақо, мадрасаларда тунни бедор ўтказган мастларнинг шовқин-сурони, бебошликлари кўнгилсиз воқеаларга олиб келган. Бу ҳол улуф гуманист Алишер Навоийни ташвишга солмасдан қолмасди, шунинг учун ўз асарларида бу бемаъни одатга қарши чиқиб, бадмастликнинг хунук оқибатларини кўрсатиш билан фалокатнинг олдини олмоқчи бўлади.

Майхўрликка ҳирс қўйиш ёшларнинг ҳаётини заҳарлагани, истеъодини барбод этганини Навоий «Мажолисун-нафоис»да шоирлардан Сайид Куроза, Сайид Қутб Лакаданг ва мавлоно Ҳайдар котиб мисолида бир ачиниш билан қайд қиласди. Мавлоно Ҳайдарни «чоғир андоқ мағлуб қилур эрдиким, ихтиёри ҳеч бир ишда йўқ эрди», деб ёзди шоир. Сайид Куроза билан Қутб Лакаданг Самарқанддан Ҳиротга илм таҳсили учун борган ёшлар бўлиб, Навоий уларни ўз тарбиясига олади, мадрасага жойлаб, маош тайинлайди. Бироқ бу иккиси илм ўрганиш, шоирлик маҳоратини ошириш

Үрнига чоғир ичиш билан шуғулланадилар, қиморбозлиқ, фаҳш, йўлтўарлик каби бадаҳлоқ қишиларга қўшилиб, бошқа қабиҳ ишларни ҳам қиладилар. Навоий буларни тергаб турган бўлса-да, лекин таъсир қилмаган. Сайид Куроза охири Ҳиротда туролмай, Самарқандга кетади ва Самарқанд «хамрийлари била заду хурд қилиб, ғолиб бўлмаса, дағи мағлуб ҳам бўлмай», авбошларга қўшилади. Қутб Лакаданг эса мастлик чоғида катта бир гуноҳ ишга қўл ургани сабабли ўлим жазосига ҳукм қилинади. Алишер Навоий аралашиб, қатл ҳукмини зиндан жазосига алмаштиради. Бироқ бу «нокасгина» миннатдорчилик билдириб, тавба-тазарруъ қилиш ва туз йўлга кириб одам бўлишни ўйламасдан яна зиндандан қочиб Самарқандга кетади, Сайид Куроза тўдасига қўшилиб, аввалги палид ишларини давом эттиради. Маълум бўладики, Навоий сабру тоқатли мурраббий сифатида охиригача кўришиб турган, турли тадбир-чора қўллаб кўрган. Аммо бу ёшлар табиатидан ёвуз, ҳайвоний ҳирслар буткул ғалаба қилиб, инсоний руҳларини мағлуб этганини кўргач, афсусланиб қўяқолган.

Навоий назарида майга ружу қилиш жаҳолат ва нодонликнинг нишонаси, инсоний фазилатлардан маҳрум, ўз қадру қимматини билмаган одамгина бу йўлга кириши мумкин. Одатда, манман, кибру ҳаво димоги шиширган нодон қишилар кўпроқ шаробга ўч бўладилар. Уларнинг табиати май кўпигига қиёс этгулик: кўпик бир кўтарилиб, дарров йўқолгани каби сархуш қишининг ҳовлиқишлиари, шердил бўлиб хезланиши бир дам хуруж қилиб, кейин сўниб қолади. Мастлик пайтида одамдаги ҳайвоний кучлар бош кўтаради, киши ўзини идора қилолмай, ношаръий қилиқлар кўрсатади. Шунинг учун Алишер Навоий майнини барча ярамасликларнинг онаси — умми хабоис» деб эълон қилган. «Жамъи ёмонлик андин мутаваллид бўлур» деб ёзади у Ҳусайн Байқарога йўллаган мактубларидан бирида. Майхўр

шоҳ раият аҳволидан бехабар қолади, адолатни унута ди. Султон нафақат ўзи бу одатни тарк этиши, балки бошқаларга ҳам буни манъ этмоғи лозим. Шоир «Маҳбубул-қулуб»да танбеҳ юзасидан дейди: «Май ичмак нахӣ (манҳ) қилинган — эрур тангри қавли била, ҳар хол била аниң тарки авло... Ямонроқ ичгувчи анга мағлуброқ, ҳар неча ямонлиги зоҳир бўлса, аниң қошида маҳбуброқ. Бадмастқа дамодам ичмоғидан не баҳраким, одамилиғ қатлиға ичар қадаҳ-қадаҳ заҳр. Ҳар оқшом усруклардин хориж тарона — телба итлар улушкондин нишона». Демак, майпарастлик одамийликни ўлдириш, ўз-ӯзини заҳарлаш билан баробар. Майнинг ҳар қатраси инсон баданидаги ҳаёт шарбатини сиқиб чиқарувчи «моддаи фасод»дир, ҳар журъаси «селоби балога» тенг деб уқтиради Навоий. Шундай бўландан кейин беҳад ранжу кулфат келтирадиган тириклиқ душмани бу ка-софатдан қутулиш афзал эмасмикин, ичиб маст бўлиб юришдан нима фойда, нима ҳузур?! «Ани ичмак — жигар қонини ичмакдур ва мундин кечмак — бир жигаргўшадин кечмакдур. Ул бирин ютмоқдин заҳр ютма, бу бирин сочмоқдин наслинг тухмини қурутма!» Қанчалик башоратли гаплар. Майхўрлик кони зиён эканини, у саломатликнинг кушандаси, ҳаёт қотили бўлиш билан бирга, наслга ҳам таъсир этади, бора-бора бутун бир халқ, миллатнинг уруфини қуритиши мумкинлигини буюк шоир ўша пайтлардаёқ ҳис этиб, одамларни огоҳлантирган, ўз нуфузидан фойдаланиб бу ижтимоий фалокатга қарши бош кўтарган, бонг урган. Бу фикрлар, бу оташин эҳтиросли сўзлар бизнинг давримизга ҳамоҳанг, ҳамдард бўлиб жаранглаётганини кўриб турибсиз. Навоийнинг улуғворлиги, унинг асарларида кўтарилган гуманистикояларнинг ўлмаслиги ва абдийлигига яна бир гувоҳ бу. Зотан, классик адилари-мизнинг буюклиги ҳам шундаки, улар ўз даври кишиларини энг кўп қизиқтирган, ўз замони учун актуал, муҳим бўлиб ҳисобланган проблемаларни қаламга ол-

ганлар, халқынг безовта виждони, жонкуяр, фидойи кишиси сифатида ёниб ижод қылғанлар ва худди шу хусусият уларни ҳар бир давр, ҳар бир авлодга севимли қилиб қўяди, мақбул ва маъқул бўлиб, курашларига ҳамроҳлик қиласди.

«Маҳбубул-қулуб»да Навоий заҳарханда сўзлар билан бадмастликнинг «таърифини» келтириб, ўзининг салбий фикрларини баён этган бўлса, «Ҳайратул-аборроп»да унинг умумлашма ҳажвий образини яратган. Афтидан, шоир майхонага айланган хонақоҳлар, кўчакўйларда ичиб ғавғо кўтариб юрган сохта «риндлар»ни, олифта сатанглару суфий қаландарларни тез-тез учратиб турган. Достоннинг «Жаҳл майининг дурдкашлари шаънидаким, салоҳ (яхшилик) ҳирқалари масъият (гуноҳ) илгидин чок эрур, ва май жаҳлининг сархушлари бобидаким, ҳар бири майхона эшигига масти бебок юрур...» деб бошланувчи ўн бешинчи мақолатини ўқир эканмиз, улуғ адабнинг кузатувчанлиги, воқеанинг майдада деталларгача аниқ, реал тасвиirlаб, майдазда бир нотавон, ожиз ва жирканч қиёфани гавдалантирганини кўриб, қойил қоламиз. Маст одам мажлисдан кўчага чиққанда, итлар уни қуршаб олиб, базм қурадилар, ёш болалар эса унга тош отиб, эрмак қиласдилар. Маст эса буларнинг ҳаммасидан бехабар, девонага ўхшаб ҳуши ўзида эмас. Оёғида тик туролмайди. Салла-дастори чуввалган, боши, башараси томга, дарахтларга урилиб, ёрилганидан қон оқиб туради. Балчиққа йиқилиб, ағнаб олиб, кўлмакдаги ҳаром сувни оби кавсар деб ичади, қусуғидан соқол-мўйлови булғанган, кийимлари ифлос, иркит.

Гоҳ йиқилиб, гоҳ қўпиб ул ҳар нафас,
Маст солиб ҳар сори йўл ҳар нафас.
Май қилибон бехуда ҳолин анинг,
Қай қилиб олуда соқолин анинг...
Қай соқолин ҳар неча нопок этиб,
Ит яламоқ бирла яна пок этиб.

Шу аҳволда ҳам, агар мабодо бир зум ўзига келса, яна май сўрайди, деб ёзади шоир. Чунки у ўзининг инсоний қиёфасини йўқотгани, тубанлашиб, одам жирканадиган ҳайвонлар қиёфасига кириб қолганига иқрор эмас. Бунинг устига, тун ўғриси, роҳзанлар ҳамёнини, қимматбаҳо нарсаларини шилиб кетадилар, кийимларини эса ўликдан кафани ажратиб олгандай, асас, яъни тартиб қўриқловчи миршаб ечинтириб олиб кетади... Маст одам бўлса, совуқдан дийдираб, уйини қидиради, аммо боши айланганидан уйини ҳам тополмасдан сарсон-саргардон тонггача кўча кезиб чиқади.

Дема хумор они, дегил юз бало,
Жамъ улубу они қилиб мубтало.

Бироқ ачинарлиси шуки, дея давом этади Навоий, бундай кишилар шунчалик билан изза бўлмайдилар. Тағин ўзларининг шарманда аҳволларини риндлик, йигитлик айёмининг шўхлиги, каллошлиқ (олифтачапанилик) деб оқламоқчи бўладилар. Лекин бу фирт бемаънилик, димоқقا қўнган жаҳолатнинг хуружи, холос. Ахир, йигитликни кўрсатиш, жавонмардлик балчиққа ағнаб ётиб, одамларга кулги бўлиб эмас-ку!—дея хитоб қиласди шоир киноя аралаш. Аксинча, бу йигитлик шаънни булғаш, ҳаё-номусни буткул йўқотиб, ўзни қабоҳат қучоғига отишдир. Хўйи бадга гирифтор бўлган одам мана шунаقا ҳар хил баҳоналар қиласди, танбеҳ-насиҳатлар ҳам кор қилмайди. Навоий шундай бетамиз шахсларни ҳар қанча калтак еса-да, қозон атрофида ўралашиб юриб, қорин тўйғизадиган беор итларга ўхшатиб, ёзади:

Итки қозон ошига тегурди тил,
Юз қаролик биладур юз қизил.

Яъни: қозон ошидан еган итнинг қорин тўқлиги, юзининг яшнаб туриши (айни вақтда калтакдан қона-

ши ҳам) юз қаролиғи — беномуслигининг натижасидир (айни вақтда қозон куясига сурканиб башарасининг қора бўлиши ҳам). Шундан сўнг шоир яна иккита ўхшатма қилиб, майпараст одамнинг феъл-хўйини равшанроқ очишга муваффақ бўлган. Бириси шуки, майпараст одам ўлдиравериб, қон тўкишга одатланиб қолган жаллод мисолидир, у ўз ўғлини қатл этса ҳам хурсанд бўлаверади. Дарҳақиқат, бутун фикру хаёли бир қултум шароб топиб ичишга қаратилган киши қотиллик қилиши, мудҳиш жиноятларга қўл уриши ҳеч гапмас. Бундан ташқари, мастилкнинг ўзи қотиллик билан баробардирки, Навоий буни очиқ айтганини юқорида кўрдик. Иккинчидан — майпараст мурдор — ахлат ҳидидан табъи хуш бўладиган «амборкаш» эшак кабидир. Бўлмаса ҳаётнинг шунча нозу неъматлари, ширин шарбатлар турганида бадбўй, аччиқ бир нарсага ружу қўярмиди? Кўриниб турибдики, бадмост одамларга нисбатан шоирнинг нафрати чексиз, бундай тубан ахлоқли кишилардан ҳазар қилганини сезиш қийин эмас. Аммо шунча ғазабу нафрат замираиди инсонпарвар шоирнинг ачинишини ҳам ҳис этамиз. Бунга қаноат ҳосил қилиш учун ўн бешинчи мақолатни охиригача ўқиб чиқиши кифоя.

Алишер Навоий шаробхўрлик касалининг ҳалокатли оқибатларини умумлаштириб, шуни таъкидлайдики, май фақат ичувчи одамнинг вужудини емириб, унинг инсоний борлигини барбод этадиган нарса бўлмай, балки оила, қолаверса, бутун жамият асосларини емирадиган даҳшатли селдир, унинг туғёнидан на шоҳ қасри ва на гадонинг кулбаси омон қолади. Бу офат келтирадиган селгина эмас, дўзах ўтидан ҳам кучли, «етти қўкни ёндирувчи» оловдир. Қизиги шундаки, Навоий майпараст одамнинг тавбасига ишониш ҳам қийин деб уқтиради — улар бир неча бор ичмасликка қасам ичиб, яна ичаверадилар. Зоро, май иродани сусайтириб, ўзига тобе этган бўлади. Лекин, бари бир, улуғ мутафаккир инсон

ҳақида қайғургани, инсонни ҳалокатли ҳирслардан қут-қариб, камол топтиришга интилгани учун майзада кишилардан батамом умидини узмайди. Уларда ўз-ўзи-дан нафратланиш ҳиссини уйғотиш, қалбидаги инсоний түйғуларни жонлантириш, ҳақ йўлига ҳидоят этиш билан бу касалликдан холос этиш мумкин деб ҳисоблади.

Келтирганимиз май ва майпарастлар ҳақида билдирилган фикрлар Алишер Навоий ахлоқий қарашларининг бир жиҳатинигина белгилайди, холос. Улуф шоир мунофиқ, ёлғончи, такаббур ва порахӯрларни ҳам шундай муросасиз танқид этгани, уларни жамиятнинг зарарли унсури сифатида кўрсатганини биламиз, лекин шуниси борки, у ушбу иллатларнинг ҳар бири устида алоҳида тўхтаб, ёрқин мисоллар воситасида ахлоқий тубанликни очиб берса-да, аммо бу ношоиста хислатлар бир-бири билан жуда боғланиб кетгани, бир ёмон ишни қилган одам иккинчисидан ҳам қайтмаслигини таъкидлаган. Масалан, риёкор шайх айни вақтда ишратпараст, ҳасадчи ва майхӯр киши. Шу каби шаҳар қозиси ришва (пора) олишни майхӯрлик ва фоҳишабозлик билан «қўшиб» давом эттиради. Ёки «Ҳайратул-аброр»нинг ўн олтинчи мақолотида ясан-тусан қилиб юрадиган олифта эркаклар ҳақида гап боради. Бироқ шоирнинг тасвиридан маълум бўладики, бу тоифанинг ҳам асосий машғулоти бода ичиш, нажас ва нопок ишлар билан шуғулланиб юришdir. Бода уларнинг димоғини шунчалик қизитганки, ақлу идрокларини йўқотиб, «зори нажасхӯрдек» бир-бирини чўқиши, бир-бирини ёмонлаш, ва беҳуда бемаъни «суҳбатлар» билан вақт ўтказишдан бошқани билмайдилар. Уларнинг такаббурлиги, мақтанчоқлиги одамларнинг жонига теккан.

Шундай қилиб улуф шоир наздида ахлоқий нуқсонларнинг ҳаммаси ҳам бирдай заарли ва улар бири иккинчисини етаклаб, одамни нафси палид домига тор-

гади, ёмонлик ёмонликни туғдиради. Ваҳоланки, инсон зоти шарифдир ва бу хислатларнинг бирортаси ҳам унинг юксак номига муносаб эмас. Инсон нафсиning ёвуз қутқуларини енгил, ички жасорати билан ўз-ўзини енгиши ва маънавий камолот сари интилиб, умрини эзгу-хайр ишларга сарфлаши керак.

Хуллас, ҳар икки шоирнинг инсон хислатлари ҳақидаги қарашларида умумийлик борлиги маълум бўлди.

Айни пайтда ўзбек шоирининг қарашларида конкретлилик, замонадан келиб чиқиб, фикр юритиш, илм аҳли аҳволига ачиниш хос. У инсонни кўпроқ ижтимоий категория сифатида олиб қараган ва шу асосда фикр юритган.

Амир Хусрав ҳам, Алишер Навоий ҳам инсонни тарбиялаш масаласига кўп эътибор берганлар. Маънавий ахлоқий етук инсон, улар назарида, доно, карам — саҳоватли, ҳалим — одобли, хушсухан, мард вафоли бўлиши керак. Бу хислатларнинг ҳар бири ҳақида «Ҳайратул-аброр» ва «Матлаул-анвор»да алоҳида бобларда фикр юритилган, ихчам, аммо мароқли ҳикоялар орқали яхши фазилатларнинг шарофати кўрсатиб берилган. Мазкур қарашлар ичida айниқса илм олишга даъват, ақл ва заковатни улуғлаш бўртиб кўзга ташланади. Хусрав Деҳлавий илмли донишманд бўлишни комил инсоннинг энг биринчи шарти деб ҳисоблаган. «Матлаул-анвор»нинг иккинчи мақолоти илм ва жаҳл қиёсига бағишлиланган. Шоир илмни ҳаёт чирофи, инсонни ҳайвондан ажратадиган асосий сифат деб кўрсатади. Илм орқали одам дунёни ва ўзини танийди, мустақил фикрлай бошлайди, касбу кор эгаси бўлади, ҳунар ўрганади, яхши-ёмонни ажратади. Илм шахсий бойлик орттириш, жоҳ-мансуб воситасига айланмаслиги керак. Билимдан мақтаниш, худбинлик, манманлик ҳам илм сифатига кирмайди, бу жоҳил ишидир. Жоҳил ўзидан ҳам, оламдан ҳам бехабар бўлади.

Тингла эй ақл лофини урган,
Жаҳл йўлида беибо юрган.
Бехабар эл йўлию фандан сен,
Дашт аро йўлни йўқотган сен.

(Васфий таржимаси)

Ҳақиқий олим камтар, либоси юпун бўлса ҳам, аммо ички олами бутун, гўзал киши бўлади:

Асл илм эгаси бўлур камтар,
Гар юпун бўлса олиму доно
Жаҳл эли шоҳ бўлса ҳам, аммо
Хор бўлмас ҳақиқий ул олим
Пастлигича қолур бироқ золим.

Шундай бўлгандан кейин илм аҳлининг зар-зевар учун, бойлик учун жоҳилга хизмат қилиши, лаганбардорлик, таъмагирлик билан шуғулланиши номуносиб, ношоистадир. Ундей олим эл назаридан тушади, илми ни ҳам хор қиласиди.

Улган отангни сен сотиб юрма,
Ит эмассан, сувак ғажиб юрма,
Тож қўй бошга илмдан бешак.
Гавҳар афзалму ё чирик сўнгак,
Илм инсон дилин айлар шод
Жаҳлнинг бандидан қилур озод...

Илму фан ривожига эътибор кам бўлган, фитна-фасод авж олган, нодон, нотавон шахслар ҳар хил мансабларни эгаллаб, ўзларини ҳакиму доно қилиб кўрсатиб, кеккайиб юрган ўша замонларда бу аччиқ танқиднинг ижтимоий аҳамияти катта эди. Ҳусрав Деҳлавий илмни амалий ишларга сарфлай билган, ёшларга тарбия бериб, маърифат таратган олимлар ишини юқори баҳолаган. Илмли киши ўз билимини ҳақ йўлига сарфла-

ши, ҳақиқатни ҳар ерда ҳимоя қилиши лозим. У шу ўринда қозиларни мисолга келтиради. Қози — замонасининг ҳар томонлама билимли одами бўлиши билан бирга ҳақиқат ва адолатнинг ҳимоячиси бўлиши ҳам шарт. Ҳаттоки шоҳлар зулмга йўл қўйганда, адолат чизигидан ташқари қози уларни инсофга чақиришга, улар устидан ҳукм чиқаришга ҳаққи бор, деб уқтиради Амир Хусрав.

Шоҳ вайсашларини ирфон дер,
Шоҳ куфрини айни имон дер.
Шоҳ ҳар қанча юрса әлни эзаб,
Қози фатво берар: раводур деб.
Шоҳ әл молин этса гар торож,
Қози дер: ҳақ-ҳалолингиз бу бож?
Шоҳ қилса гар қабих гуноҳ,
Қози айтар: рано эрур эй шоҳ!

Шу тариқа, улуғ гуманист шоир ҳуқуқ посбонлари ҳар қандай мансабдан юқори туриши, виждон ва инсоф олдида ҳамма баробар эканлигини таъкидлаган. Бизнингча, бу фикрларнинг тифи ҳамон ўтмаслашмасдан келмоқда, ҳамон айрим раҳбар шахслар, юқори лавозимдаги кишилар ўз мавқеларидан фойдаланиб, қонун ва ҳуқуқни, адолат-инсофни оёқ ости қилмоқдалар. Хусрав сўзи, демак янги шароитда, янги ижтимоий муҳитда ҳам долзарб — актуалdir.

Алишер Навоийнинг илм ва олимлар ҳақидаги қарашлари устози Хусрав фикрларига ҳамоҳанг. Масалан, у илм олишнинг қийинчилиги, олимларнинг вазифаси, бурчи ҳақида батафсил ёзар экан, айтади:

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзиниу халқини гумроҳ этар.

Шуниси характерлики, Навоий ўз даврида илм аҳлининг хорлиги бенаво аҳволда кун кўришини очиқ ёз-

ган. Буни шоир мадраса муллаваччалари мисолида тасвиrlайди. Лекин, дейди у илм олиш қийинчилигидан қўрққан одам олим бўлолмайди, бу йўлда машаққат чекканга дониш хазинасининг эшиклари очилади.

Хусравда ҳам, Навойда ҳам инсоннинг яна кўп сифатлари таърифланган, чунончи нафсу ҳаводан воз кечиш, қаноатнинг фазилати, камтарлик, хуштавозе бўлиш, омонатга хиёнат қилмаслик, диёнат-инсоф юзасидан иш кўриш каби ажаб инсоний хислатлар хусусида ўткир фикрлар баён этилган. Яхши одам шу хусусиятларни эгаллаш, ўзининг турмуши қонуниятига айлантириш билан бирга, дўстликнинг қадрига етиши, пок муҳаббатга молик бўлмоғи ҳам лозим.

Дўстлик, вафодорлик гоят муқаддас саналадиган ардоқли инсоний сифат. Хусрав тўғридан-тўғри таъкидлайди:

Яхшиликнинг биринчи шарти шул,
Дўстга доимо самимий бўл!

Дунёning гўзаллиги, ширинлиги дўст билан, яхши, пок ниятли одамларнинг бир-бирига интилиши, дўстлашуви эса табиий ҳолдир. Ёлғон тил учидаги бўладиган «дўстлар»дан тезда қутулган афзал.

Тил учи ёру ошнодан қоч,
Дилни доғловчи бедаводан қоч.

Бетайин одам энг хавфли душмандан ҳам хавфли, у фақат манфаат юзасидан ўзини яқин тутиб, иши битгандан кейин дўстдан юз ўгиради.

Дўстлик манзили эмас тилда,
Дўстликнинг маконидир дилда.
Кулфатингда кимки бўлмас ёр,
Бўлмағай дўст у сенга зинҳор.

Яхшиларга ўзунгни ёр этгил.
Жонкуярларга жон нисор этгил.

Хусрав Деҳлавийнинг бу қарашлари унинг достонларида ажойиб инсоний образларда ифодалаб берилган. Шунингдек, ғазал, қитъа, рубоийларида ҳам инсоний фазилатларни берилиб тараннум этган, ёмон хулқ-атворни, ўша давр наздида номақбул ҳисобланган ишларини қоралаб, ўқувчининг нафратини қўзғатиб, одамийлик субутларини жорий этишга интилган. Ҳамма ҳам, шаклу шамойили-ла, кўриниши-ла, одам қолаверса ўзини одам ҳавонинг авлоди деб билади лекин — деб фикрини давом эттиради шоир,— амалда кишилар бир-биридан катта фарқ қиласди, бирор мард, бирор номард, бирор оқил, бирор жоҳил, бирор дўст, ёр учун жонини фидо қиласди, бирор ҳасад — кўролмаслик ўтида қовурилиб, ҳаммани шу оловда ёндиргиси келади. Шу сабабли жамиятда яхши одамларни эъзозлаш, уларнинг ақли, билими, иродасини жамият учун фойдали ишларга сарфлаш жуда муҳим. Яхшилар қадрланган жойда яхшилик кўпаяди, ёмонларнинг фаолияти камайиб, ҳалқ эркин нафас ола бошлайди, ҳалол меҳнат орқасида кун кўрадиган одамларнинг орзулари ушала бошлайди. Бу эса илм-маданиятнинг, маънавий оламнинг гуллашига заминдир.

Шундай қилиб, икки буюк шоирнинг инсон хилқати, ахлоқи ва бурчи ҳақидаги қарашларида муштараклик бор, уларнинг фикрлари бир-бирини тўлдиради. Навоий устозларнинг ўлмас гуманизмини изчил ривожлантирган, инсон шарафи, одамийлик хислатларини ҳимоя қилиб чиққан. Хусрав Деҳлавий билан Алишер Навоий ғояларининг асрлар давомида яшаб келаётгани, бугунги кунимизда ҳам бизга сабоқ бўлаётгани айниқса кишини курсанд қиласди.

МУҲАББАТ – ПОК ҚАЛБЛАР ТҮЙГУСИ

Ишқ ва ошиқлик Хусрав Дәхлавий ва Алишер Навоий ижодида кенг ўрин олган мавзулардан. Зотан, бу мавзу Низомий Ганжавий, Фарииддин Аттор, Хўжа Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Мавлоно Лутфий, Абдураҳмон Жомий ижодида ҳам асосий ўринни эгаллайди. Бунга ажабланиш керак эмас. Чунки Шарқ шеърияти яхлит олганда ишқ ва ошиқликни куйлаган шеъриятдир. Унс ва яқинлик, инсоннинг инсонга муҳаббати, яъни икки киши орасидаги меҳр, шарқ шоирлари ишқ концепциясининг ўзагини ташкил этса-да, ишқ моҳияти — ошиқликнинг маъно ва мазмуни фақат шу концепция орқалигина изоҳланмайди. Шоирлар ёр ишқи билан бирга, ҳаётга муҳаббатни, борлик, коинот билан ягоналик, руҳий-маънавий муштаракликларни ҳам ишқ тушунчаси ёрдамида талқин этадилар. Ёру биродарликни, яхши инсонга меҳр қўйишни, яхшилик, эзгуликка эътиқодни ҳам ишқ мазмунига сингдириб юборрадилар.

Бу ҳол Амир Хусрав Дәхлавий ва Алишер Навоий меросида ўз ифодасини топган. Соф лирик шоирлардан фарқли ўлароқ, достоннавис адиллар ишқни ғазал, рубойй, мухаммас жанрларида васф этиш, куйлаш баробарида, эпик асарлар яратиб, қаҳрамонлар характеристи, воқеалар тасвири орқали соф муҳаббат кучи-қудратини намойиш этанлар, унинг инсон зотини улуғловчи, шарафловчи фазилатларини тасвирлаб кўрсатганлар. Бундан ташқари, «Хамса»навис шоирларда ишқнинг моҳиятини назарий жиҳатдан тушунтириб бериш, ишқ ва ошиқлик нима, деган саволга жавоб қайтариш, мазкур масала бўйича тушунча — қарашларини баён этиш ҳам бор. Масалан, Хусрав Дәхлавийнинг «Матлаъул-анвор» достонидаги саккизинчи мақолот ишқ таърифиға бағишланган. Шоирнинг эътиқодига кўра, «ишқ руҳоний кишиларнинг сифатидир» ва шунинг учун унинг

«пояси» — асоси жуда баланд бўлмоғи лозим. Шоир ишқни фисқ ва шаҳвоний ҳирсга қарши қўйиб, одамнинг чинакам одамийлигидан нишона деб билган. Одам «тасаси лойдан яратилгандан кейин», дейди X. Деҳлавий, хоннинг уйини кўнгилга топширдилар:

Одамий он аст, ки дар вай дилест,
В-ар на алафхонаи обу гилест.

(Кўнгли — юраги бор одам — одамийдир.

Шундай бўлмаса гар у деворлари лойдан ясалган оғилхонадир).

Шоир давом этиб ёзадики, «кўнгил», «дил», «юрак» деганда ичига қон тўлган бир парча гўштни тушунманглар, агар шундай тушунадиган бўлсаларингиз, эшак энг катта соҳибдил бўлиб чиқади. Дил — бу ишқ, орзу-интилиш, вафо-сидқ демак. Барча ҳайвонлар жон билан тирик, аммо инсон юрак билан тирик, юрак амри билан яшаган одамнинг умри чинакам умрдир. Кўнгил — бир чироғ, ёниқ машъала:

Зиндагии дил чи бувад?— сўзу доғ,
Мурда бувад ҳар ки насўзад чароғ.

(Кўнгилнинг тириклиги нима? — ёниш ва ёнишдан қолган асорат олами. Қимниким уйида чироқ ёнмаса у ўлгандир).

Дардли дил билан яшаган одам ўзини тириклар қаторида ҳисоблаши мумкин. Ҳақиқий дард эса ишқидир, дардли бўлиш ошиқ бўлиш демак. X. Деҳлавий буни ўзига хос усул — турли қиёслар келтириш билан ўқувчи зеҳнига сингдириш пайида бўлган. Чунончи: сув билан лойда шавқ йўқ, улар қолип, холос, хумни оғзи-гача май билан тўлдирсалар ҳам масти бўлмайди, кабоб — сихи кабобнинг бийронидан бехабар, шиша гулоб ҳидини сезмагай ва ҳоказо. Совуқ, бетаъсир сертакал-

лүф одамда ёниш-үртаниш бўлмайди. Шунинг учун ишқ ҳам бундай одамлар қалбига кирмайди, ишқ-муҳаббат ёниқ дилларни макон этади:

Ишқ забони зи ҳар афсурда пурс,
Сўзиши он аз дили озурда пурс.
Завқи намак гарчи забонро хуш аст,
Чун ба жароҳат фиканй оташ аст.

(Ишқ тилини афсурда — шамли, паришон одамдан сўра, унинг ўрташини озурда кўнгилдан сўра. Тузнинг таъми — завқи тилга ёқса-да, лекин ярага қўйсанг оловдай куйдиради).

Шундай қилиб, X. Деҳлавий ишқни юракдаги оташ, шуъла деб таърифлаган. Олов юқорига интилгани каби ишқи бор одамнинг руҳи ҳам баландпарвоз бўлади, чин поклик оламига юз тутади. Бироқ бу йўл жуда оғир ва мاشаққатли йўл, не-не азобларни бардош: сабот билан енгган, тубан ҳислар ҳужумига дош беролган мард инсонгина ошиқ бўлиши мумкин. Ошиқлик ҳавас, кўнгил овунчиғи эмас.

Зинда на онест, ки жоне дар ўст,
Уст, ки аз ишқ нишоне дар ўст.
Жон, ки на ишқаш бувад он бозист,
Ишқ на бозист, ки жон бозист.
Чанд бари ишқ ба бози басар,
Ишқ дигар бошаду бози дигар.
Мард, ки дар ишқ зи жон фард нест,
Гар сафи коғир шиканад мард нест.

(Жони бор ҳар киши тирик саналмас, Ишқдан нишонаси бор одамгина тириқдир. Ишқи ўйқ жон ўйинчоқдир, ишқ эса ўйин эмас, балки жонбозлиқдир. Эй ишқни қачонгача ўйин ҳисоблаб юрасан, ишқ бошқаю ўйин бошқалигини англа. Ишқ йўлида жонидан кечмаган

одам кофирлар лашкарини енгса ҳам мард эмас. Яхши, чиройли юзни сезиш одамзотга хос хислатдир. Чиройли қомат, чиройли чеҳра, баркамол жамол кўнгилни яйратди ва ҳам беҳад азобу уқубатларга гирифторм этади. Чунки севги осонлик билан мұяссар бўладиган баҳт эмас, ҳаёт шундай қурилганки, висолдан кўра ҳижрон, ҳузурланишдан кўра азобланиш, сурурдан кўра хору зорлик кўпроқ. Аммо, ошиқ учун ҳижрон азоби — роҳат, ёр истиғноси — умид. Қийналиш — висолга ягона йўл. Шам ҳам ёруғлик таратиб парвонани ўзига жалб этади, ҳам куйдиради, яхшиларнинг руҳи кўнгил тузоги, аммо яхшиларнинг бевоғолиги жоннинг изтиробига сабабчи. X. Дехлавий шу маънода қўйидаги байтларни келтиради):

Рўйи налӯроҳати наззорагист,
Бар дили ошиқ ғаму оввораист.
Он ки ту бини руҳи зебои шамъ,
Сўзиши парвона шуду зеби жамъ
Сурати шоҳид ажали маънавист,
Хатти мусалсал рақами жодувист,
Қас зи руҳи хуб вафое надид.
Қист ки он диду жафое надид.

(Чиройли юз қараганда роҳат бағишлиайди, аммо ошиқ дилига ғаму ташвиш келтиради. Шамнинг зебо жамолини кўр, парвонани куйдириб, мажлиснинг безаги бўлди. Маъшуқанинг сурати маънавиятнинг ажалидир, унинг чиройли туклари (хати) сеҳри жоду рақамидир. Чиройли юзлилардан ҳеч ким вафо кўрмади, чиройли юзни кўриб, жафо кўрмаган борми?)

Демак, шоирнинг уқтиришича, инсонни севиши, гўзал чеҳраларга назар солиши, ҳусну жамолидан баҳра олиши табиий ҳолдир («Кўнгил гўзал юзни истагандан, кўз ноилож юзни томоша қиласди). Жамики гўзаллик олами, жумладан, инсон ҳусни ҳам кўнгил завқини қўз-

ғатади, дил торларини чертиб, сайдратиб юборади. Аммо, инсондаги бу түйфу беғараз, пок ният асосига қурилган, ҳирсу ҳавасдан тоза интилишнинг натижаси бўлсагина чинакам муҳаббат мартабасида қадрланиши мумкин. Шу маънода X. Деҳлавий нопок нигоҳ билан, ҳирс билан маҳбубага қарашни қоралайди. Шаҳвоний ҳирс ишққа бегона, инсон фазилати, шаънини ерга урадиган паст тийнат кишиларнинг хислатидир:

Дидани хубонаст ба шаҳват вубол,
Қанд чу май гашт, набошад ҳалол.

(Гўзаллар юзига шаҳват ҳирси билан боқиш гуноҳ, қанд шаробга айлангандан кейин ҳаром бўлади).

Гўзал инсон жамолидан баҳра олиш боғнинг таровати, саҳронинг лоласи, тонгнинг ҳуснини томоша қилиб, лаззат олишдай маънавий-руҳий эҳтиёжга айланишини талаб қиласди, дейди Амир Хусрав. Кўзи пок одамни «санамлар рухсорига боқишини манъ этиш хатодир», деб ёзади у. Аммо назари, қалби пок бўлмаган кишининг кўзи оқиб тушсин, чунки бундай «кўзнинг сурмаси тупроқдир, холос».

Амир Хусравнинг бу фикрлари ўз даври учун катта журъат эди. Чунки шариат ҳомийлари, бир томондан одамлар орасидаги пок севгини тушунмасдан, умуман ишқ-муҳаббатни инкор этсалар, иккинчи томондан, аёлларнинг очиқ юриши, улар хусну жамолидан уларнинг баҳраманд бўлишини бутунлай тақиқлаган эдилар. Урта аср феодал тузуми шароитини бир нафас кўз олдимизга келтиришга уриниб кўрайлик. Хотин-қизлар ҳаёти доимий равища чор девор ичидаги кечган, диний хурофот ва ҳар хил одатлар одамларнинг эрки-орзусини кишанлаб турган, севги-муҳаббат гуноҳ деб эълон қилинган замонда, шундай ғояларни олдинга суриси, инсоний ҳисни, поклик ва маънавий юксалиши билан боғлаб талқин этиш, гўзалликдан баҳрамандликни тарғиб этиш даврга нисбатан прогрессив ҳаракат эди. Албатта, Амир

Хусрав Деҳлавий ва бошқа шарқ шоирлари бундай ишқни илоҳийлаштиришгача бориб етганлар. Лекин, шунга қарамай, бари бир, бу ғояларнинг аҳамияти камаймайди. Амир Хусравнинг маъшуқага ҳирсу ҳавасдан пок назар билан боқиши ишқнинг асоси ва биринчи шартидир, деган фикри Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб» асарида бундай ўз акс-садосини топган, бир қадар такомилига етган. «Ул (яъни ишқ — М. М.) пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнггул ул пок юз ошубидин қўзғалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ» (Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 13-том, 42-б.).

Навоий бундай ишқни хос кишиларга насиб этиладиган туйғу деб тушунтиради ва ишқни уч қисмга ажратади: биринчиси — авом ишқи, иккинчиси — «хавос ишқидурким, хавос ул ишққа мансубдурлар, учинчиси — «ҳақиқат бодасидан маст риндлар» ишқи. Қизиги шундаки, Алишер Навоий устози Хусрав Деҳлавийнинг ўзини ҳам «покбоз ва шавқу ниёз аҳлининг назмтирози» сифатида таърифлаб, иккинчи тоифа ишққа иқтидо этган кишилар зумросига киритади. Сабаби, деб тушунтиради ўзбек шоири, Хусрав Деҳлавий ўз асарларида «пок нафас ва гуфтори пок, ва маонийлик ашъори ишқ аҳли орасида ғавро ва важҳу ҳол анжумани фазосида алоло (ғулғула, овоза) солибдур». Маълум бўладики, Навоий «ҳинд сеҳрлари»нинг ўзига хос услуги, дунёқараши, эстетик кредитси ва муҳаббат концепциясини чуқур англаған ва унинг қарашларига хайриҳоҳлик билдирган: кўнгилнинг поклиги, пок ният билан, пок туйғу асосида маҳбубни севиш Навоий ғазалларида кўп марта таъкидлангани ва бу ғоянинг кенг ташвиқ этилиши шундан, албатта. Чунки, Навоий муҳаббатни «покбозлик» дейиш билан бу нажиб инсоний ҳисни инсон ахлоқига боғлаб изоҳлайди. Яъни у демоқчики, инсон

қанчалик етук, қалби пок, ахлоқан соф бўлса унинг кўнглида ишқ шунча кўп ўрин олади, шунча завқ-шавқи тўлиб-тошган бўлади. Навоий назарида Хусрав Дехлавий фақат пок ишқни куйлаган шоиргина эмас, балки ўзи ҳам «покбоз» ошиқдир, бошқаларга намунаидир. Шу каби, Шайх Ироқий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомийларни ҳам Навоий чин ошиқлар қаторида васф этади. Модомики шундай экан, улуг Навоийнинг ўзини ҳам ана шундай «покбозлар» сафига қўшишга ҳақимиз бор. Зеро Алишер Навоийнинг бутун ҳаёти ва ижоди шунга далолат этади.

Алишер Навоийнинг «ишқнома»си «Ҳайратул-аброр» достонида ҳам алоҳида боб бўлиб кирган. Боб «Ишқ ўти таърифидаким, шўъласи бало саҳросининг лолалири ва ахгари балокаш кўнгул парчаларидуур ва бу меҳнат қаро шоми аниг тутуни ва бу шомнинг муҳтарик кавкаблари аниг учқунидуур. Ва ҳусн анвориким, шунча ўтқа боис, аниг барқидин бир ламъа ва мунча ҳароратқа мүжид, аниг қуёшидин бир ашиъад-дуур». Биз атайлаб боб сарлавҳасини тўлиқ келтирдик. Чунки сарлавҳаларда Алишер Навоий одатан бобда зикр этиладиган воқеалар ва фикрларини ихчам ҳолда баён этади. Боб сарлавҳасининг мазмунидан шоирнинг нимага диққат қилаётгани, нима ҳақда тўхтаб ўтишини бемалол англаш мумкин. Агар биз келтирилган сарлавҳага эътибор берсак, Навоий «ишқ» сўзи билан вобаста ҳолда «ўт», «шуъла», «бало», «балолаш кўнгил», «меҳнат қаро шоми», «ҳусн», «ҳусн анвори» каби сўз ва иборалар қўллаганини кўрамиз. Дарҳақиқат, ишқ азобсиз, ўт-алангасиз кечмайди, у кўнгилни минг балоларга гирифттор этади, яъни аниқроқ қилиб айтсак, ошиқ изтиробу қийноқлар билан ёр висолига этиши мумкин. Навоийнинг ёзишича, ишқ азалдан инсон боласининг ҳилқатида мавжуддир. Ў «руҳ майи» бирла жисмга кириб келади ва уни маст этади. Руҳ оламининг гўзаллиги, ҳусни «гумондин фузун»— беҳад

зиёд. Инсон жисмига таралган ишқ оқанграбоси шу беҳудуд гўзалик оламидан тушган нурдир. Инсон бул-бул гулга ошиқ бўлиб сайраганидек, шу шуъладан маст, бетоқат бўлиб, ўзини йўқотиб, мажнун каби ошуфтадир. Инсон — дунё гўзалигининг ошуфтаси, дунё, ҳаёт уни сеҳрлайди. Бу сеҳр гўзал аёл ёки чиройли ёр қиё-фасида кўриниши ҳам мумкин.

Ишқ чу туғёни камол айлади,
Ошиқ ўзин шефтаҳол айлади.
Ҳусн даги жилва қилиб дилписанд,
Зулфга топшурди балодин каманд.
Тушти жаҳон мулкига ғавғон ишқ,
Бўлди замон аҳлиға яғмои ишқ.

Шундай қилиб, ишқ бутун борлиқни қамраб олган «жаҳон мулки», яъни жонсиз жисмлару ва жонзотлар, ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз ашёлар, еру осмон жисмлари шоир назарида ишқ қонуни билан яшайди. Кўринадики, Навоий ишқни X. Дехлавийдан кўра чуқурроқ ва фалсафийроқ талқин этади. Шу ерда Яна бир марта «Маҳбубул-қуулуб» асарига мурожаат қиласиз. Асарнинг «Ишқ зикрида» деб номланган ўнинчи бобида қуйидаги сўзлар бор: «Ишқ ахтаредур дураҳшанд, башарият кўзи нуру сафоси андин ва гавҳаредур рахшанд, инсоният тожининг зебу баҳоси андин». Кўринадики, улуғ гуманист шоир ишқ-муҳаббатни юксак шарафлайди, уни кўзимизнинг нури, кўнгил сафоси деб таърифлайди. Хуллас, муҳаббат — ҳаётнинг, яшамоқликнинг зарурий унсури деб қарапланган. Яна шу нарса диққатни тортадики, худди «Ҳайратул-аббор» достонида бўлганидай «Маҳбубул-қуулуб»да ҳам ишқ билан оташ, «ахгар» (учқун), аланга ҳамроҳлиги таъкидланган. Бу ишқнинг доимий сифати ёнмаган ва ёндиримаган кўнгил — кўнгил эмас, ўртамаган ошиқ — ошиқ эмас. Ишқнинг ёндириувчи шуъласи ошиқ танини пиширади, тоблайди, чина-кам маънавият оламига тайёрлайди.

Алишер Навоий яна шуни ҳам алоҳида қайд этади-ки, «ишқ шоҳу гадога баробар: «Иноди олинда тенг ҳам подшоҳ, ҳар гадо; бедоди қошинда бир ҳам фосиҳ, ҳам порсо». Лекин, ишқ кўпроқ гадоларга насиб этади, чунки подшолар, амирлар давлат, мол-дунё ишқига гирифтор. Мол-дунё жой олган кўнгилдан ёр муҳаббати, соғ ишқ жой олиши қийин. Навоий буни Баҳром Гўр образида ажойиб саргузаштлар орқали тасвир этганини биламиз. Шу каби «Фарҳод ва Ширин»даги Хисрав образи ҳам шу ғояни тасдиқлашга хизмат этади.

Энди яна «Ҳайратул-аброр» достонига қайтайлик. Навоий бу достонида ишқнинг жаҳоний қудратини таъриф этиб келиб, ислом ақидаларига зид ўлароқ ҳийла «даҳрий» фикрларни баён қилишга журъат этади. Унинг назарида буюк Ишқ олдида маккау Каъба, қуръону шариат, жаннату дўзах бир чақага арзимайди. Ишқ олови буларнинг барчасини ёндириб, яксон этиши, масжидни калисога, тасбехни зуннорга, исломни куфрга айлантириши ҳеч гап эмас. Мана бу «даҳриёна» байтларга диққат қилинг:

Май ўти бут юзидин ургоч олам,
Куйдуруб ул шуълада мусҳафни ҳам
Андаки мусҳаф варақни куйдуруб,
Рахдни ўт ёқмоқ учун синдуруб.
Дайрғо масжидни ҳақир айлабон,
Куфрга имонни асир айлабон.
Хирқаи тақвани қилиб итга жул,
Руқъалари ҳар сори жул узра гул.
Куфр соводига чу очиб китоб,
Борча самадни санам айлаб хитоб.
Масжид аро бодаи исён сотиб,
Гўшаи меҳроб аро куб ўрнатиб...

Мазкур байтларнинг мазмунини келтирамиз: маъшуқ юзидан май олови алнга олиб ёнгандан кейин, у ўз

шуъласида қуръонни ёндиради. Қуръоннинг варақларини куйдиргандан кейин китоб остига қўйиладиган лавҳ ёғочини ҳам синдириб ёқади. Ишқ масжидни черков олдида арзимас қиласи, имонни кофирликка асир этади. У тақво тўнини итга тўқум этиши мумкин, шунда ямоқлар тўқум узра ёйилган гулларга ӯхшаб қолади. Кофирлик таълими учун китоб очиб, барча «самад» (худонинг абадий, мангалигини англатувчи сифат) ни «санам» (гўзал маҳбуба сурати, ёр маъшуқа) деб хитоб этадиган қиласи.

Навоийнинг бу байтларида катта журъат, тафаккур жасоратигина эмас, балки эҳтирос ҳам бор. Яъни зимдан шоирнинг бутун диний расму русум, ақоид — тасаввуротларга тамасхур — заҳарханда билан қарashi, уларни инкор этишини ҳис этамиз. Ўша шароитда, шариат ҳукми ҳаммага раво деб ҳисобланган бир шароитда шундай фикрларни баён этиш, инсоний ҳис-туйғу, пок интилишларни ҳатто муқаддас китоб — Қуръондан ҳам баланд қўйиб таърифлаш нақадар чегарасиз руҳий эркинлиги доҳиёна дил ва тийнат эркинлигини талаб этардики, бу фақат Навоийдагина ўз инъикосини топди. X. Деҳлавийнинг «Матлаъул-анвор» асарида Навоийдагидай «даҳриёна» мисралар йўқ. Балки бу Низомийда бордир? Қани кўрайлик-чи. Низомий «Хамса»сининг биринчи достони «Маҳzonул-асрор»да ишқ мавзуига маҳсус боб бafiшлаган эмас. Фақат унинг «Хусрав ва Ширин» достонида «Сухане чанд дор ишқ» (Ишқ бобида бир неча сўз) деган боб келтирилган бўлиб, унда муҳаббатнинг умумжаҳоний қудрати ҳақида гап кетса-да, аммо ислом ва шариатга қарши «даҳрий» байтлар йўқ. Демак, бу ўринда Навоий ҳар иккала устозидан ҳам ўзиб кетган. Ишқнинг фалсафий моҳиятини теранроқ очиб берган, уни ижтимоий иллатлар, диний ақидалар ва одамларни бўғиб, фикрни, ҳисни мажруҳ, караҳт этган хурофотга қарши кураш қуролига айлантирган.

Бироқ, улуғ ўзбек шоири Ишқнинг факат шу фазилатини айтиш билан чегараланган эмас. «Ҳайратул-аброр»да ишқ ҳақидаги бобда ижтимоий-ахлоқий масалалар ҳам кун тартибиға қўйилган. Бошқача айтадиган бўлсак, ҳазрат Навоий муҳаббатнинг тарбиявий ролига ҳам юқори баҳо бериб, инсон камолоти учун қанчалик зарур эканини таъкидлаб қўйган. Бу ажабланарлимис? Йўқ. Навоийгача бўлган Шарқ адиллари, файласуфлари ҳам муҳаббатни ахлоқий сифатлар билан боғланалар. Ибн, Сино, Абулмажид Саноий, Фаридиддин Аттор ашъорларида муҳаббатнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида сўз боради. X. Деҳлавийда ҳам, кўриб ўтганимиздай, ишқ бошқа инсоний фазилатлар билан бирга олиб қаралади. Алишер Навоий шунга аминки, кўнглида ишқ ўти аланга олган одам ёмонликка юрмайди ва ўзгаларга ҳам ёмонликни раво кўрмайди. Зеро, ишқ — эзгулик, хайр-саҳоват чашмаси. У кўнгилда ёқилган чироқ, кўнгилни ёритиб, илм-маърифатга макон этади. Ишқ аввало инсонни гўзалликка ошно этади, гўзаллик сиру асрорини кашф этишга ундаиди, дидини, фаросатини, зеҳни ва қобилиятини оширади, ошиқ киши зукко, тезфаҳм бўлиб қолади. Бунга ҳусн ҳам сабабчи. Воқеан, ҳусн бўлмагандага ишқнинг ўзи ҳам нишона бермас эди:

Ишқ аён қилмоқ эрур ҳусн иши...

Ишқ тош кўнгилларни эритиши, зоҳидни бутпарамст қилиши, жоҳилни раҳмдил шахсга айлантириши мумкин. Чунки ишқ-муҳаббат ақлнинг иши эмас, аксинча бу туйғу ақлдан устунлик қиласди, уни маҳв этади. Ошиқларнинг девонасифат, мажнун бўлиб қолиши шундан. Лекин бу уларнинг камчилиги эмас, балки фазилати, чунки мажнунлик — содиқлик, вафодорлик демак. Сидқу садоқат, вафо бўлмаган жойда ишқу ошиқлик ҳам бўлмағай.

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун,
Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,
Хуснни кетсун кишиким, они йўқ.

Хуллас, инсон муҳаббат билан инсон, ишқ билан тирик — Навоийнинг эътиқоди шу. Бу улуғ фазилатнинг биринчи белгиси эса Вафодир. Вафо Ишқнинг биринчи шарти, «ёрлик шеваси»нинг қоидасигина эмас, пойдевори ҳамдир. Шунинг учун бўлса керак, «Ҳайратул-аброр»да ишқ бобидан олдин вафо боби келади («Саккизинчи мақолот»). Албатта, вафо тушунчаси ишқ тушунчасига нисбатан бир мунча торроқ. Вафо, агар таъбир жоиз бўлса анчайин «амалий», «дунёвий» тушунча, унда кайҳоний мазмунни кўрмаймиз. Лекин, шунга қарамай бу икки тушунчанинг бир-бирига алоқадорлиги аниқ. Чунки вафо аввало муҳаббатда кўринади, синалади. Чин муҳаббат, одамлар ўртасидаги дўстлик, меҳр вафосиз содир бўлмайди. Вафосиз дўстлик дўстлик эмас, вафосиз ёр ҳам ёр эмас. Навоий гапни мана шу оддий ҳақиқатдан, одамлар ўртасидаги муносабатни белгиловчи вафонинг аҳамиятини таъкидлашдан бошлаб, то ёлғизликнинг даҳшатларини тасвирлашгача бориб етади. Шоирнинг куйиниб ёзишига қараганда, инсон зоти ёлғиз яшолмайди. ёрсиз, дўст-меҳрибон кишиси бўлмаган одамнинг аҳволи ачинарли, оғир:

Ёрсиз эл оҳи ғамандуд эрур
Енса яғоч ялгуз, иши дуд эрур.
Тоқ киши айш уйин бил нигун,
Уйга қачон ҳомил ўлур бир сутун?
Синса уқоб әгни уза бир қанот,
Тез учар, мен анга бир дам ҳаёт.

Бир киши ёлғиз дараҳтдай бесамардир, чақмоқ тошли ҳам бошқа тошга урилганда ўт чиқаради, бургутнинг бир қаноти синса, қулаб тушади, битта ўтиндан олов

ясад бўлмайди. Ана шу қатор мисолларни келтириб, мутафаккир шоир ҳаётнинг абадий қонуниятларидан бири жуфт бўлиб, жамият бўлиб яшашнинг фазилатини олқишлияди ва бундай жуфтликда бир-бирига вафордорлик, садоқат асос эканини ҳикмат тили билан таъсирчан формада баён этади. Унинг таъкидлашича, вафодунёнинг энг ноёб гавҳари («Сўрса отни ақли сафо жавҳари, Оҳ чекиб деки вафо гавҳари!»), инсон умрини безайдиган, уни улуғвор этадиган хислат. Вафо, карам — бегараз, холис бўлиши керак. Қуёш мавжудотга доимо нур сочар экан, ҳеч қачон тамаъ учун, мукофот учун, манфаат юзидан қилмайди бу ишни. Шунинг учун вафоли, карамли одам эвазига жафо кўрганда ҳам бу йўлдан қайтмаслиги керак — «дараҳт қанча кўп ҳосил боғласа, шунча унга тош отадилар, шамъ уйнинг бошини кесиб туради». Меҳрга — номеҳрибонлик билан, вафога жафо билан жавоб бериш чархи давлат шеваларидан. Чунки дунё шундай қурилган. Лекин яхши инсонлар бундан ибрат олиб, бу «каждрафтор»ликка тақлид қилмай вафога вафо билан жавоб қайтаришга интиладилар.

Алишер Навоий шу бобда дунёнинг бевафолиги ва бебоқолиги ҳақида сўз юритиб келиб, гапни ўз замони воқеаларига буриб юборади, замона одамларининг бирбируни қадрламасликлари, орада меҳр-оқибат сўниб бораётганидан шикоят қиласди. Масалан, у ёзади:

Кимки вафо узра бориб бош анга,
Сарзаниш ўқми эди подош анга.
Ё бу замон аҳлига бу бўлди баҳр,
Нўш олибон қўймоқ эл оғзига заҳр.
Кимки бирор тутса гули тозарўй,
Гулшани ризвонча онга рангу бўй,
Буки эваз бермагай ул жуз тикан,
Бир демагил, балки дегил юз тикан.

Яъни: кимки вафо йўлида бошини қўйса, бошини садоқат билан тикса, унинг мукофоти маломат, таъна санчиқлари (ўқлари) бўларми? Ёки бизнинг замон кишиларига бу одатми — фойда кўриб, кейин эл оғзига заҳр қўйиш! Бирор тоза бир гул тутса ва бу гул агар жаннат гулидай хушбўй бўлса-да, лекин фақат тикан олади, бир эмас, минг тикан насибаси бўлади.

Одамлар мана шунаقا, аммо бундан ҳам кўра ёл-физлик жафоси оғирроқ.

«Бир киши андоқ кишиким бир киши»,—

дейди шоир, унинг ҳамдарди, меҳрибони бўлмаса ҳоли нима кечади? Агар майиб-мажруҳ бўлиб қолса, кексайса ёхуд бирор дардга чалинса-чи? Бундай одамлар, Навоий уқтиришича, кўпинчча ўзлари-ўзларига жабр қила-дилар, чунки бирор тоза яхшилик қўлини чўзмаганлар, одамлардан қочиб, меҳр ошкор этмаганлар. Уларга тек-кан мукофот эса — ёлфизлик.

Ёрки ойини вафо йўқ анга,
Шамъ кибидурки зиё йўқ анга.

Шунинг учун меҳрибон, вафодор ёри бўлган гадо ёрсиз шоҳдан баҳтиёрроқдир. «Бебаҳо гавҳар» бўлган ёрнинг ўзи гавҳардай ноёб. Навоий яна замона аҳли, одамларнинг вафосизлиги хусусидаги фикрига қайтиб, вафоли ёрнинг кам топилишини, агар шундай вафодор ёр топилса, жонимни унга фидо қиласдим, деб ўксис-нади.

Шу зайлда, ишқ-муҳаббат, унинг ажралмас сифати вафо — садоқат ҳақида фикр юритиб, шоир дунё, одамлар, жамият, инсоний баҳт, инсоний бурҷ ҳақида ҳам муҳим ғояларни баён этади. Бу эса улуг Навоий мушо-ҳадаларининг кенглиги, кузатишларининг, нигоҳининг реал ҳаёт воқеаларига йўналтирилганидан келиб чиқ-кан.

Хусрав Деҳлавий ҳам «Матлаъул-анвор», достони-нинг тўққизинчи мақолотида бу масалага эътибор қа-ратган. Боб «Ҳамжиҳат ўртоқларнинг мувофиқлиги ва ҳамкорлиги...» деб номланади, ёрлик, дўст-биродарлик-нинг талаб ва низомиялари хусусда сўз боради.

З-он ҳама к-одоби накӯкорист,
Пояи аввал адаби ёрист,

«Яхшилик, эзгуликнинг расму русуми, одоби ичиди биринчи асос ёрлик қоидаси, одобидир), деб бошлайди сўзни Х. Деҳлавий. Дўстлик ва ёрлик, дўстга садоқат билдириш инсон фазилати бўлиши керак. Шоир дўст-ликнинг аҳамияти, инсон ҳаёти учун заруратини таъкидлайди ва одамларни бир-бирига ҳамкору ҳамроз бўлишга, бир-бирини қўллаб-қувватлашга чақиради. Ҳамжиҳатлик одамларни бир мақсад йўлида бирлаштиради, ишларига барака-қут бағишлайди, деб уқтиради ҳинд шоири. Дўстлар шундай вафодор бўлиши керакки, бодом ичидаги ялакат мағзудай умрбод бир-биридан ажрамасинлар, юзаки, сохта «дўстлар» ҳам кўп. «Дўсти жоний» эмас, «дўсти комий» улар. Одамнинг юзида дўстлик кўрсатиб, орқасидан адоват пичоғини кайраб юрадиганлар бор.

То туйи, аз рўйи ту бошанд шод,
Чун ту шуди беш наёранд ёд.

(Сен кузурларида борсан, юзингдан шод бўлиб юради-лар, сен кетгандан кейин қайтиб ёдга олмайдилар). Дўст киши ҳозиру ғойибда, ҳамма жойда дўстини эслаб, уни эъзозлаб юради. Аммо, қани шундай содик дўстлар, ёри вафодорлар? Ҳамдамлар, ўрток — ҳариф-лар кўп, чинакам ёри азиз кам:

Машриқу мағриб ҳама нурҳамдам аст.
Лекин аз он гуна, ки бояд кам аст..

Ҳарки саломе кунадат ёр нест.
Ҳар садафера дури шаҳвор нест.
Чун нотавон ёфт дар ин рӯзгор
Ёрки онро битавон гуфт ёр.

(Машриқ ва мағрибда ҳамманинг ҳамдами бор, аммо биз ўйлаган ҳақиқий дўст кам... Салом берган ҳар одам ёр бўлолмайди, ҳар садаф ичидаги ҳам шоҳ тожини бе-зайдиган дур бўлмайди).

Шунинг учун киши одамларни яхши ўрганиб, ақлни ноақлдан ажратиши, ёмон, бадният, бевафо одамлардан узоқлашиши лозим («Ит билан маймунга уйингдан жой берма»). Ёр бўладиган одамнинг нияти, кўнгли пок бўлади, у деву шайтон каби иккюзлама, мунофиқ бўлмайди. Ҳусрав Деҳлавий, ёмон одамларни турли қиёс — ташбиҳлар билан ифодалаб, бевафоликнинг салбий оқибатларини ҳам очиб кўрсатишга интилади. Шоирнинг эътиқодича, яхшилик ва ёмонлик одам тийнатида азалдан мавжуд. Шу каби дўстлик ҳам, вафодор, содиқ, событ бўлиш ҳам табиатда, азалий сиришшу сийратда бор бўлган хислатдир. Ёмон одамни тарбиялаб, вафодор дўстга айлантириш мумкин эмас («Кишининг то табиати дўстпарвар бўлмаса, такаллуф, лутф-марҳамат билан дўсти содиққа айланмайди»).

Ёр энг оғир пайтда синалади, у шодликда ҳам, фамгин кунларда ҳам бирдай туриб бериши лозим. Фамингга шерик бўлмаган, оғирни енгил этолмаган дўстнинг ўзи катта фам, ташвиш келтиради. Бундай ёрнинг баҳридан ўтиш авло:

Дилки ба пайванд нақӯшад, бидўз,
Ёрки дилсўз набошад, бисўз.

(Пайвандланишга интилмаган юракни тикиб ташла, яъни ажратиб ол, дилсўз — ёрига ачинмаган, ёнмаган ёрни ёндирип).

Дўстликнинг сифатлари, вафо, беғараз ёрдам, ҳар қандай шароитда бирдай туриш бўлса, ноаҳилликнинг белгилари такаббурлик, пастлик, ҳасад, ҳирс, манманлик каби салбий хислатлардир. Бу хислатларга эга одамлар ўзаро ҳам бир-бирига шафқат кўрсата олмайдилар, фақат ўзларини ўйлайдилар. Дўстлик, ёрлик эса ўзлиқдан воз кечиш, мардлик, олижаноблик қилиш билан кўзга ташланиб туради. Мол-мулк тўплашга беришган, «олтин-кумуш селига ғарқ бўлган» одамдан ҳам рафоқат, дўстлик кутманг, деб огоҳлантиради Хусрав Деҳлавий. Чунки олтин-кумуш ҳирси одамнинг ўзини ҳам, унга қўшилган кишини ҳам ҳалок этади. Нақадар башоратли сўзлар! Бу башоратнинг тўғрилиги, ҳаётийлиги ҳатто бизнинг замонда ҳам исботланмоқда. Характерлиси шуки, Деҳлавий одамларнинг бир қанчасини ўз кўзим билан кўрдим, бу «хас каби нокаслар баъзан бошлари осмонга етти, давлат қутуртириди, менга бир қур боқимадилар, лекин мен ҳам бу «сифла»га эътибор қилмадим, деб ёзади. Шунинг учун чинакам инсоний фазилатга эга, «аҳли вафо»ларнинг этагини тут, деб боб охирида ўз ўқувчиларига мурожаат қилиб насиҳат қиласди шоир. Хусрав Деҳлавий вафо ва дўстликни ахлоқий сифатлар билан қўшиб таърифлар экан, уни яхши одамнинг хислати, яхшилик белгиси деб қараган. Шу нуқтада ҳар икки буюк шоирнинг қарашлари туташади, ҳамовозлик пайдо бўлади. Аммо Навоийда, «вафо тушунчасининг мазмуни кенроқ, у кайҳоний ишқ тушунчаси билан боғланиб кетган, фалсафий маъно касб этган. Деҳлавийда эса бу ҳол кўзга чалинмайди. Ҳиндистонлик шоир кўпроқ одоб-ахлоқ доирасида фикр юритиши маъқул кўрган. Аммо ҳар икки шоирда ҳам ишқ-вафо, садоқат инсон ва унинг камолоти йўлидаги сифатлар қаторида улуғлангани, инсонпарварлик фояси тарғиб этилгани маълум бўлиб турибди.

«СҮЗ ГУҲАРИФА ЭРУР ОНЧА ШАРАФ»

Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий «Хамса»ларига кирган достонларнинг кириш қисмларида сўз ва унинг моҳияти, вазифаларини таърифлашга бағишлиланган боблар келтирилади. Бундай боб Хусрав Деҳлавий достонларида ҳам мавжуд. Аммо «Матлаъул-анвор»да Сўз ҳақидаги боб кириш қисм эмас, балки асарнинг асосий бобларидан биридир — «учинчи мақолат» шу мавзудан баҳс этади. «Мақолот»нинг настрий сарлавҳаси мазмунига қараганда, Хусрав Деҳлавий сўзнинг инсон камолоти, инсон қалбини улуғлаш хусусиятини очишга эътибор қилган («Калом камоли хусусидаким, қалбнинг эгасидир ва тил мамлакати ҳамда сўзлаш мулкиким, жоннинг фазлидир ва инсон фазилатидир...»)

Шарқ шоирлари ижодида тилга эътибор, тилнинг инсон ҳаётидаги ўрни, хизмати, инсонни шарафлаши ва инсон ўз асосий алоқа қуроли тилдан қандай мақсадларда фойдаланиши хусусида фикрлар анча. «Сўз» деганда шоирлар инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган нутқни, тафаккурни, ўзаро алоқа воситаси тилни, бадиий адабиёт ва умуман ёзма ва оғзаки ижодни, тилнинг киши хулқ-атвори, одобига таъсири, тарбиявий аҳамиятини назарда тутганлар. Шунинг учун бўлса керак, инсон ихтиёридаги ижобий неъмат тил қадриятига юксак баҳо берилган, ундан ўз ўрнида тўғри ва фойдали ишлар учун фойдаланиш ҳақида панд ва насиҳатлар асосига қурилган мушоҳадалар юритилган.

Алҳол бу масала бизнинг тадқиқ доирамизга киради. Хусусан «Матлаъул-анвор» ва «Ҳайратул-аброр» муаллифлари тил ҳақида сўз юритганда, қайси жиҳатларга эътибор берганликлари, нималарни қоралаб, қандай хислатларни улуғлаганликлари қизиқтиради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Навоий ва X. Деҳлавийнинг тил, сўз ҳақида баён этган фикрлари бошқа

тадқиқотчиларнинг ҳам диққатини тортган. Аммо, бу масала, биринчидан бутун Шарқ адабиёти анъаналари контекстида олиб ўрганилган эмас, иккинчидан «Хамса» достонларининг умумий мазмуни, моҳиятига боғлаб талқин этилмаган. Жумладан, икки улкан шоир Х. Деҳлавий ва А. Навоийнинг тил, тил одоби, бадиий адабиёт борасидаги қарашлари чоғиштириб чиқилмаган, уларнинг қарашлари орасидаги фарқлар очилмаган.

Шунинг учун биз бу адиларнинг мазкур масалага оид мулоҳазалари акс этган шеърий байтларни таҳлил қилиб, китобимиздаги алоҳида боб сифатида ўрганиб чиқиши лозим топдик. Аввало, Х. Деҳлавий ва А. Навоий қарашларидаги муштаракликка эътиборингизни қаратмоқчимиз. Ҳар икки шоир ҳам Сўз — биринчи құдрат турткиси, оламнинг яратилишига нидо — асос бўлган, деган идеалистик фаслафий тушунчасига эътиқод қиласидилар. Гўё Мутлоқ илоҳ моддий оламни яратиш мақсадида «кун»фа кона» — «ярал», «бўл», деб хитоб этган ва дунё яралган экан. Яъни Сўз — бирламчи (азалдан), амал иккиласми, деган тушунча ҳам шундан келиб чиққан. Мутлоқ илоҳ оламни яратгандан кейин Сўзни инсонга бағишилади. Хусрав Деҳлавийнинг фикрича, олам ҳам, одам ҳам сўз учун қолип — илоҳ, рух манзилгоҳи.

Ҳар чи дар ин чархи кўҳан сохтанд,
Қолабе аз баҳри сухан сохтанд.
Лек наяфтод ба рўйи замий
Қолаби ин сикка ба жуз одамий.

(Бу эски чарх — оламда нимаки яратилган бўлса — сўзга қолип деб яратганлар. Аммо ер юзига бу муҳрнинг қолипи — нақши одамдан бошқага тушмади).

Инсоннинг тириклиги, жони, ҳаёти сўз туфайли, зеро Одамийдан ўзга тирик йўқ. Ҳайвонлар ҳам тирик, юради, аммо нутқ нуқтаи назаридан улар тирик эмас.

Пас чунин аст, сухай жони мост,
Вон ки бад-ў зинда бувад, з-они мост.

(Шундай бўлгач, сўз бизнинг жонимиздир ва нимаики бизни тирилтирса, у бизникидир).

Алишер Навоийнинг фикрича ҳам: «Сўз гавҳарининг шарафи» баландлигига сабаб унинг Бутун олам қудрати тарафидан туҳфа этилганидир. У «тўрт садаф гавҳарининг дуржи» — яъни тўрт унсур (сув, ҳаво, ўт, тупроқ) дан ҳосил бўлган инсон зотининг бош хусусиятини белгилайди, инсон нутқи билан инсон, нутқ уни барчадан афзал этади. Сўз, нутқ — руҳ, қолип ичидаги жон, ҳаёт, ҳаракат демак:

Сўздин ўлникнинг танида руҳи пок
Руҳ дағи тан аро сўздин ҳалок.

Кейинги мисра шунга далолат этадики, улуғ шоир тилни фақат алоқа қуроли, инсонни мумтоз этган неъматгина эмас, балки инсон учун азоб-изтироблар келтирадиган нарса ҳам, зеро тил — киши бошига кўп фалокатлар келтиради, «руҳни ҳалок этади». Навоийнинг масалага қанчалик чуқур қараганини ҳис этиш қийин эмас. Ўзбек шоири фикрини давом эттириб, ёзадиким, сўзниг кучи беениҳоя улуғ, «каломи фасех (гўзал сўз) ўлганинтириши» ҳам, тирикни ўлдириши ҳам мумкин. Шоҳнинг бир оғиз сўзи, дейди Навоий «бедод» — зулмга сабаб бўлади, аммо ўртада жаллод бадном бўлади. Сўз масъулияти қанчалик баланд эканини, одамлар тақдири, кишиларнинг ҳаёти бир сўз билан ҳал этилиши — ё баҳтга муюссар, ё абадул-абад бадбаҳт бўлишини, сўз одамларни жонфидоликка, улуғ мақсадлар сари курашга сафарбар этишини қайд этган Навоий, айни вақтда сўзниг эстетик таъсир кучини кўрсатишни унумтмаган. Шоир қизиқ мисол келтиради: «Гунча оғизлик санами нўшлаб» гўзални кўрсанг, унинг

хуш суръати, зебо қадду қомати кишини лол қолдирса, аммо агар чиройли сухани бўлмаса, «сурати девор ҳамон, ул ҳамон», яъни девордаги чиройли суратдан унинг фарқи қолмайди. Лекин, агар шу чирой, ҳуснга яраша малоҳатли, жонситан нутқи ҳам бўлса, у:

Солғуси жинси бани одамға ўт,
Не бани одам, бари оламға ўт.
Ҳар дам этиб элни ҳалок ўртагай,
Балки башар хайлини пок ўртагай.

Мана шу ерда Навоий бадиий адабиёт, яъни «фасоҳатли сўз»нинг сўзу гудозидан ҳикоя бошлаб, шеърнинг, шоир сўзининг құдратини усталик билан қайд этади. Бунда ҳам нозик йўл топган: боя ўзи таъриф этган ўша гўзал сўзга чечанлиги билан олам аҳлини маству мадҳуш эта олади, аммо у Навоий ғазалини ўқиса-чи! Унда:

Ким анга алфоз улуб оташфишон,
Берса улус кўнглига мунгдин нишон.
Базмда ул лаҳза алонони кўр,
Қўйи харобатаро ғовғони кўр.
Кўрки нечукдир яқо чок айламак,
Ўзни фифон бирла ҳалок айламак.

Шоир умуман бадиий сўзниң таъсири кучини, жумладан ўз шеърларининг нақадар баланд қадрланиши, одамлар кўнглига ғулгула солиб, ҳаяжон қўзғашини фаҳр билан тасвирлаган. Шу ерда Навоий бадиий сўзни иккига ажратади: наср ва назм. Анъянага мувофиқ назм (шеър)ни насрдан устун қўяди. Чунки наср — сочма, назм эса тартибга туширилган сўз, шунга кўра унинг таъсири ҳам ўзгача. Бу ақида Низомийда ҳам бор. Навоий бу ерда Низомий фикрини қувватлаган. Х. Дехлавийда сўзни бадиий ижод намунаси сифатида олиб қараш йўқ. Шу боис насрну назм хусусидаги му-

лоҳазалар йўқ. Хусрав Деҳлавий тилнинг инсоният жамиятидаги ўрни, ахлоқ-одоб билан боғлиқ жиҳатларига кўпроқ эътибор беради. Тил кишиларни бир-бирига боғлайди ва тил одамларни бир-биридан ажратади, одамлар орасидаги фарқ ҳам тилда акс этади: «Одамийнинг тақвоси ва иккюзламалиги ундан, ҳам одамлар билан эшаклар орасидаги фарқ ундан». Шоир шунга аминки, тилни сақлаш, тилга эҳтиёт бўлиб юриш кишига ҳаётда кўп фойда келтиради. Тил — хазинадан ҳам афзал, хазинани эҳтиёт қилиш шарт эмас, тилни эҳтиёт қилиш керак, дейди у. Одам нутқини ривожлантириши, тарбиялаш, одобли бўлиши, суҳбатда ширингуфторлик, фасоҳатсўзлилик билан маҳбубу маъқул бўлиши керак. Сўз — олтиндан қиммат:

Нархи сухан кард нашояд ба мол,
З-он ки сухан жон буваду зар сафол.

(Сўзниг нархини мол билан ўлчаш ярашмайди,
Чунки сўз жондир, олтин эса — сафол.)

Сўзни ҳам маънодан, нуқтахон одамга айтса дуруст, ҳар кимса ҳам яхши сўзниг қадрига етмайди, фаҳмига етиб, ундан лаззат топмайди. Нозик кўнгилли, сўздаги маъноларни қилни қирқ ёргандай фарқлайдиган одамийнинг суҳбати ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Суҳбатда ҳар нарсани айтавериш одобдан эмас, ундан қўра жим ўтириш афзал. Ёмон сўз ёмон қўшиқ каби ёқимсиз, ёмон қўшиқнинг дағал куйи эса жонингни арралагандай азоб беради. Алдов, ёлғон каби ёмон ниятларга сўзни сарфлаш гуноҳ. Холбуки, бу одамлар орасида анча кенг тарқалган. Сўздан фириб, найранг учун фойдаланадилар ва рост қавл кишиларни йўлдан урадилар. X. Деҳлавий бундай ёлғон сўз билан кун кўрувчилар тоифасидан айниқса уч гуруҳни ажратиб кўрсатди. Булар: маддоҳ шоирлар, мунахжимлар за фолбинлар

(«құръазан»). Буларнинг ишида баракат йўқ, чунки касблари ёлғонга асосланган.

Бу шоирнинг катта журъати эди, негаки мадҳиячи шоирлар, құръачилар ва мунажжимлар шоҳлар саройида катта обрўга эга эдилар, нодон, авом ҳалқ ҳам уларга ишонарди. Шоирлар золим шоҳларни одил деб мақтаб, уларнинг арзимас ишларини қўкларга кўтариб мақтаб, эл назарида бўяб қўрсатар, қабиҳликларини яширадилар. Бундай адабиёт сўз санъатининг ўзига ҳам зиён етказарди, ё зерикарли қасидалар, сўзбозлик авж олган эди. Деҳлавий, Жомий, Навоий каби даҳо адиблар ҳеч қачон бу йўлга кирмаганлар ва маддоҳ адибларнинг ишларини қаттиқ қоралаганлар. Масалан, Алишер Навоий «Маҳбубул-қулуб» асарида устозлари — Аттор, Румий, Ҳофиз, Жомий, Ҳусрав ҳақида, уларнинг баланд қадрли шеърияти ҳақида тўхтаб, кейин «адно табақаси» (паст табақа) шоирларни тилга олиб ўтади. Уларнинг «не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўзу дардлари шуълаафкан, баъзисидан агар гоҳе бирор яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ямон даъво зоҳир бўлурким, у ҳам зоеъ бўлур» деб ёзади. Навоий бундай «шоирталаб» сўзи ёлғон, ўзи кибру ҳаволи кишилардан безор бўлганини «Ҳайратул-аброр» достонида ҳам сўз маънисига багишланган бобда қайд этган. Турфа буким, деб нолийди улуғ шоир, улар менинг ўзимнинг шеъримни рангу рўйини ўзgartириб, тўғрироғи, уни бузиб, яна олдимга олиб келадилар, «шеърнинг ҳолига йиғлагинг келади:

Зоҳир этиб йиғлагудек ҳол анга,
Кийдурубон эски қаро шол анга.
Турфа буким шеър қўйиб отини,
Еткурубон кўкка мубоҳатини.

Бундай ўғри «тақлидчилар» «билдирилмасдан» ўзиники қилиб олиш, Ҳусрав Деҳлавий замонида ҳам, Навоий замонида ҳам кўп бўлган. Улар ҳозир ҳам бор. Ҳозир

ҳам талантли шоирларнинг ғоя ва иборалари, образларини ўзлаштирувчи ва Навоий айтганидай, уялмай эълон қилдирувчи, тағин таҳсин кутадиган шоирнамолар кам дейсизми? «Англамайин сўзда туюқ баҳрини, қайси туюқ, балки қўшуқ баҳрини», «лафзи bemaza, tar-kiби суст» шоирлар шеър қадрини тушириб келдилар, танқидчилигимиз бир ёқадан бош чиқариб, кошкийди ҳазрат Навоий сингари бу тоифга қарши қаттиқ кураш олиб борса!

Алишер Навоий ёлғончи шоирлар каби мунажжимларга нисбатан ҳам салбий муносабат билдирган. «Маҳбубул-қулуб» асарининг «Аҳли нужум зикрида» деб номланувчи йигирма бешинчи фаслида шундай сўзларни ўқиймиз: «Мунажжимки, савобит ва сайёр назоратидин ҳукм сурар, раммолдекдурки, нуқталари ҳисоби била лоф ураг яъни: «юлдузлар ва сайёralарга назар солиб, ҳукм чиқарадиган мунажжим тош соққаларга қараб фол очадиган фолбин кабидир». Уларнинг бутун асбоби ҳийла-найранг асбоби, бутун хатти-ҳаракати бефойда ва бесамардир. Одамларни ёлғон сўзлар, афсоналар билан алдайдиган, кўзбўямачи бу шахсларни қўйидаги ғоят оригинал киноя — ташbih орқали фош этиб ташлаган: «Уз илгода бир анор бўлса билмаски, неча парда ва неча хонаси бор ва ҳар пардау хонасида неча донаси бор ва ул дона аччиғмидур ё зумухтваш, ё чучукмудурур...», бироқ «फалаки мудоввар» ҳақида сиру асрор айтишга бел боғлайдилар. Шунинг учун уларнинг «сўзи рост эмас», деб хулосалайди Навоий. Кўриб турибмизки, икки буюк шоирнинг ростлик ва ёлғончилик хусусида билдирган фикрларида ўхшашлик кўп. Шу ҳам маълум бўлдики, тил ҳақидағи масаланинг мазмуни чуқур экан, у кўп ижтимоий масалаларни, адабий-танқидий қарашларни ҳам қамраб олар экан.

Бироқ, Амир Хусравнинг тил ҳақидағи сўзи шу билан тугамайди. У ростқавллик, ростгўйликнинг аҳамиятини анча батафсил тушунтириб, мисоллар орқали исботлаш-

га ҳаракат қиласы. Құлида ростлик калити бүлган одамга бағыттың шиғи, ғалаба шиғи — ҳаммавақт очиқ, дейди шоир.

Сар чу сүйи рости овард мард,
Боди ҳаводис кулақаш каж накард.
Ҳар ки ба тан рост аломат бувад,
Қолаби тавқиъ саломат бувад.
Сидә жуз аз ростийи дил нахост,
Тир шуд аз қолаби рост рост.

(Ростлик томон бошини бурган кишининг бош кийимини ҳодисалар шамоли олиб кетолмайды: тани-жисми ростликка хизмат қылған, ростлик аломати бүлган одамнинг вужуд қолипи саломат бүлади: садоқат күнгилнинг ростлигидан бошқани истамайды — түғри қолипдан чиққан ўқ түғриди, түғри учеб боради).

Ростлик, ростқавл тилнинг фазилатидан ростлик йўлида фойдаланиш демак, ростгўй одам ёлғончиларни ёмон кўради, ёлғон ахир одамлар орасини бузадиган, одамларни бир-бирига душман қиласиган паст хислат; ёлғончилик ғийбатни, жанжални, фисқу фасод, туҳматадоватни келтириб чиқаради, деб таъкидлайди Амир Хусрав. Шоир, шундан кейин насиҳат қилиб айтадики агар тилни ростлик йўлида, туз мақсадга сарфлолмасанг, яхшиси жим юр, лақма, беандиша бўлма. Тил одамни оламга танитади, машҳур қиласи, шу билан бир қаторда, тил расвойи жаҳон қилиши, обруғизлантириши ҳам мумкин. Айниқса, икки юзламачи, икки хил гап қиласиган, олдингда мақтаб, орқангдан лой чаплайдиган риёкорлардан қўрқ, деб огоҳлантиради X. Деклавий. Аммо, шу ҳам борки, икки хил сўзлайдиган ёлғончилар охир-оқибат пушаймон бўладилар. Бу ёмон одат уларнинг бошини ейди. Икки хил гапириш пичоқни пичоқ билан қайраш ёки илонни арқон билан алдашдай гап, бир кун пичоқ бошингни олиши ёки илон алдаганингни билиб қолиб, заҳар сочиб ўлдириши мумкин.

Ақлли одам кўп гапирмайди, тилни эҳтиёт қиласи:

Пистаи пурмагз нагүяд сухан,
Гарчи даҳонаст зи сар то ба бун.

(Мағзи бутун писта бошдан оёқ оғиз бўлса ҳам индамай туради).

Оғзи бўш, эзма одам ғофил киши, у жиддий муҳокама юритилмайди, ўзининг эзмалиги билан бошқаларга ҳам зарар келтиради. Сергап одамлар кўча-кўйда ғавғо кўтариб, бақириб-қичқириб, аҳоли тинчлигини бузадилар, бу одамийлик фазилатига зид, одамийликни хароб этадиган тубан одат:

Одамий аз арбада бечора гашт,
К-аз, шағаби раъд замин пора гашт.
Он ки кунад гўш кар овойи ў,
Ноиби кажнӣ бувад нойи ў.
Ҳар чу кунад бонг ба ҳамсоягӣ,
Мағзи сар афтад ба тиҳи моягӣ.

(Одамзод жанжал, ғавғодан бечора бўлади, чунки момоқалдироқнинг ғавғосидан ер парчаланади, овози қулоқни кар қиласиган одамларнинг томоғи эгри карнайга ноибdir).

Аччиқ сўзлар билан беайб одамларни ноҳақ хафа қилиш, бўлар-бўлмасга киноя, қочириқлар қилиб, одамларни хафа қилишни ҳам Амир Хусрав қоралаган. Тил тифи билан кимни сўкиш, кўнгил оғритиш энг мудҳиш иш, дейди у. Тил заҳри билан дўстинг абадий душманга айланади, қариндош — ошнонг бир умр бегона бўлади. Шоирнинг уқтиришича, аччиқ тилли одамлар тош қалбли, бераҳм кишилардир («Қаттиқ кўнгиллардан тиллар жангга шай, ханжарнинг ўтирилиги харсанг тош туфайлидир»). Тил одоби, суҳбат одоби бўлганидай, эшлиши одоби ҳам бор. Шоир ҳар қандай маза-бемаза сўзларга қулоқ солиш, ғийбатчилар ёнида ўтириши маслаҳат кўрмайди. Ғийбатчига қулоқ тутсанг, унинг ғийбатига

шерик бўласан, гийбатчилар — фитна уруфини сочиб, жамият аҳлини безовта қиладилар, уларнинг жазоси — уларга эътибор бермаслик, деб таъкидлаган шоир, аксинча, доно, улуғвор одамлар ҳузурида бўлиб, қулоқни уларнинг дур сўзлари билан тўлдиришга даъват этган.

Шу тариқа, Амир Хусрав тил ҳақида фикр юритиб, инсон одоби, ўзаро муомала, кишининг жамиятдаги ўрни, ўзини тутиши каби ахлоқий масалалар атрофида муҳим пандомуз фикрларни баён этган. Бу фикрлар ҳеч қачон эскирмайди, ҳар доим яхшиликка чорловчи ҳикмат бўлиб жаранглаб туради.

Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» достонидаги тилга багишланган бобларда асосан, сўзнинг фалсафий-ижтимоий моҳияти, функциялари ва бадиий адабиёт сифатидаги жозибаси, сўз санъатининг буюк таъсири, тарбиявий-маънавий аҳамияти кўрсатилган. Аммо ўзбек шоири бошқа жойда — ўнинчи мақолотда ростгўйлик фазилати ва ёлғон гапиришнинг зарари ҳақида алоҳида тўхтаган. Навоий ростлик, ростқавлликка жуда катта аҳамият берган. Буни одамийлик, инсонийликнинг муҳим белгиси сифатида олиб қараган. «Вужуд уйи ана шу туз (рост) сутун била барност» мазкур уйнинг чироги, баракати: қути ҳам ростлик, дейди у. Улуғ шоир бошдан охиригacha ростлик билан эгриликни қиёслаб боради, ростлик одамни қандай улуғлаши ва эгрилик, ёлғончилик қандай тубанликларни келтириб чиқаришини қатор мисоллар воситасида исботлашга интилади. Шуни ҳам сезиш мумкинки, агар Амир Хусрав ростликни кўпроқ тил билан боғлаб, ростқавлик билан вобаста тарзда изоҳлаган бўлса, Алишер Навоий буни кишининг хулқи, тийнати билан боғлаб тушунтиради, одамнинг табиатидан келиб чиқадиган хислатлар сифатида олиб қарайди. Масалан, у ростлик ва эгриликни мана бундай қиёслаган:

Ростдур улким назари тўғридур,
Ким илиги эгридур — ул ўғридур.

Бұлса илик әгрилик ичра самар,
Эл ани кесмакда туз этгай магар.
Күзки әрүр әгри анинг хилқати,
Бирни ики күрмак әрүр санъати.

Яъни: назари түғри бұлган одам ростқавл, рострав бұлади, құли әгри бұлган киши — ўғридур. Құл агар әгриликка одатланса, эл уни кесиб, тузата оладими (ёки эл уни кесиб туз сепади). Агар күзнинг тузилиши әгри бұлса, биттани иккита қилиб күрсатади — одамни алдайди. Ёлғончилик шоҳларни, вазирларни йўлдан уриб, уриш-қирғинлар, нодуруст ҳукмлар, адолатсизлик, зулмозлилкка сабаб бұлади. Рост йўлдан юрган шоҳ — адолатли шоҳ, ростнавис — котиб ҳақиқат ҳимоячиси, ростгўй одам — ҳақиқат жарчиси. Алишер Навоий ана шу тариқа ростликни шарафлаган. Улуғ шоир шуни ҳам кузатганки, ростгўй одамнинг ҳаёти енгил эмас, ҳар хил тўсиқларга дуч келади, унга туҳмат қиладилар. Фалакнинг ўзи ҳам ростгўй одамни ёқтирмайди, чунки фалакнинг ўзи кажрафтор — әгрипарвар.

Ул кишиким тузлук әрүр шон анга,
Душман әрүр гардиши даврон анга
Хомаки тузлукка әрүр раҳнамун,
Кесилибон боши бўлур сарнигун.

Шунақа, бир тарафдан «rosti rasti» яъни ростлик — қутулмоқлик, камолот, иккинчи томондан, пок виждонли, ҳақиқатгўй одамларнинг оғир саргузаштларни бошидан кечириши, қийинчилик кўриши. Навоий бу зиддиятни илғаб, ростликни ҳақиқатпарамастлик, чин сўзлилик, виждон ва садоқат каби тушунчалар билан боғлар экан, жамиятдаги абадий кураш — яхши, адолатхоҳ одамлар билан найрангбоз, қаллоб, ёлғончи шахслар орасидаги курашни ифодалаб берган ва ўзи ўша ростлик тантанаси учун курашувчилар тарафида туриб, фикр изҳор этган.

Алишер Навоийнинг таъкидига кўра кизб (ёлғон), фирибгарлик билан ном қозонган одамнинг чин сўзига ҳам одамлар ишонмайдилар («чин деса ҳам халқ инномас анга»). Бунинг исботи учун боб охирига ёлғончи дуррож (қирғовул) ва шер ҳикоятини келтиради. Ўрмонда бир баҳайбат шер бор эди, болаларини жуда яхши кўрар, улар билан ўйнаб юрарди. Болаларини тишида олиб юрарди. Ўша ўрмонда бир қирғовул ҳам яшар, шер боласини тишлаб у жойдан-бу жойга ўтганда пир этиб учар, шер эса ҳадиксираб тишини боласининг баданига ботиради ва боласи ҳалок бўларди. Бу зам шерни эзарди. Бундан қутулиш учун шер дуррож билан дўстлашишга аҳд қиласди. Шер дуррожга: менинг сенга ҳеч бир қасдим йўқ, менга дўст бўлсанг, сени душманлардан холос этиб, ҳимоямга оламан, дегач, дуррож ҳам рози бўлади. Лекин дуррож шерни ёлғон нағмалар, сўзлар билан алдар эди. Шер унинг ёлғонларига кўнишиб қолган эди. Бир кун дуррож овчининг тузогига илиниб, ҳарчанд ёрдамга чақирса ҳам, шер ҳар галгидай алдаяпти деб, пинагини бузмайди. Натижада дуррож ҳалок бўлади.

Бу ҳикоя орқали шоир ёлғончилик, козибликнинг охири ҳалокатли эканини кўрсатган. «Инсоннинг ҳамма гуфтори ҳам хуш эмас, қадрланадиган сўз хушдир» дея бобни якунлаган Амир Хусрав ҳам охирда кичкина бир ҳикоят келтиради.

Унда авлиёлардан бири Иброҳим ибни Адҳам йўлда кетаётгандан бир йўловчи ундан: бу улуғ мартабани, билим-маърифатни қандай эгалладинг, деб сўрайди. Шунда Иброҳим:

Гуфт: аз он рў, ки забон солу моҳ,
Дошгам аз беҳудагўйи нигоҳ.
Дуржи даҳонро нагшодам зи банд
Жуз ба ҳадисе, ки бувад судманд.
Гуфтани бефоида тарки ҳаест,
Кавли муважжаҳ сифати анбиест.

(Деди: тилимни ою йиллар беҳуда, бемаъни сўзлар айтишдан сақладим. Оғиз сандиқчасини фойдали сўздан бошқасига очмадим. Фойдасиз сўз айтиш ҳаётга зиддир, асосли, мақбул сўз айтиш — пайғамбарлар сифатидир).

Шу тариқа: Амир Хусрав аксар сўзнинг ҳаётдаги амалий аҳамиятини, ростгўйликнинг нафи ва ёлғончиликнинг, сергаплик, беҳудагўйликнинг заарини таъкидлашга эътиборни қаратса, Алишер Навоий тил масаласига чуқурроқ ёндашиб рост ва ёлғоннинг социал моҳиятини очишга одамлар ҳаёти, жамиятга таъсирини тушунтиришга, рост сўзнинг инсонни тарбиялаш, улуғлашдаги мавқенини кучайтиришга диққат берганлиги маълум бўлади.

Умуман олгаида сўз — одамнинг шарафи, сўз — фазилат, сўз — ахлоқий камолот воситаси. Шунинг учун уни шу йўлда сарфлаш лозим. Икки буюк шоирнинг хулосаси ана шу.

ЗОЛИМ ШОҲ — ЭЛ БОШИГА ҚЕЛГАН БАЛО

«Хамса» достонларининг энг жозиб зарварақларини адолат ҳақидаги сатрлар ташкил этади. Адолат — Шарқ шоирлари қизгин ва астойдил куйлаб келган мавзу, Шарқ гуманизмининг жони ва қони. Халқпарвар шоирлар мамлакат ободонлиги, эл-улус тўқлиги, осойишта — тинч ҳаётини, маданий-маърифий тараққиётни кўп ҳолларда адолатли шоҳ фаолиятига боғлаб тушунтирганлар. «Авесто» қўшиқларидан бошлаб Фирдавсий «Шоҳнома»сию Юсуф Хос Ҳожибининг «Қудатғу билик» асаригача ва ундан кейин ҳам адолат ғояси ва адолатли подшо образини намуна қилиб кўрсатиш адабиётда узлуксиз давом этиб келган. Жамшид, Искандар, Нӯширавон, Баҳром Гўр каби одил шоҳлар, Бузрукмеҳр, Осаф каби доно, тадбиркор вазирлар халқнинг орзу-

армонлари тажассуми сифатидаги тип — тимсоллар бўлиб, оғиздан-оғизга, асардан-асарга ўтиб, турли ривоятҳикоятларнинг яратилишига асос бўлганлар. Аммо, шуниси ҳам аниқки, ҳар бир шоир ўз даврининг талабидан келиб чиқиб масалага ёндашади, ўз кузатишлари, эътиқоди, ижтимоий қарашлари тақозосига кўра фикрмулоҳаза баён этади, адолат ва одил ҳукмдор масаласини ҳал қилмоқчи бўлади. Шу сабаб, гарчи Низомий, Амир Хусрав ва Навоий қарашларида ўхшаш жиҳатлар бор бўлса-да, лекин уларнинг позициялари орасида фарқ ҳам мавжуд.

Масалан, агар «Маҳзанул-асрор», «Матлаъул-анвор» ва «Ҳайратул-аброр» достонларини олиб кўрадиган бўлсак, шунга амин бўламизки, ҳар учала асарнинг муаллифи ҳам («Маҳзанул-асрор» билан «Ҳайратул-аброр»-нинг ёзилиш даври орасида тўрт аср вақт ётади), золим подшоларни мазаммат этиб, яъни золимликни қоралаб, адолатли шоҳларни улуғлаганлар, учаласида ҳам золим шоҳларни худо қаҳри ва дўзах азобидан қўрқитиши бор. Бошқача айтганда, адолатли шоҳ — жаннатий, золим, ситамкор шоҳ эса — дўзахий, ёмон одам. Бироқ бу мазмун ҳар бир шоирда ҳар хил талқин билан, турли усул ва оҳангда тасвирланган.

Низомий Ганжавийнинг «Маҳзанул-асрор» («Сирлар хазинаси») достонида шоҳга насиҳат қилиш икки боб — иккинчи ва тўртинчи мақолотни қамраб олган. Боблар бир-бирининг давоми, лекин бир-бирини такрорламайди. Иккинчи мақолотда шоҳларни огоҳлантириш, шоҳликнинг вазифаларини тушунтириш, одил подшонинг вазифаси, бурчи нимадан иборат эканлиги баён этиши бор. Низомий фикрича, подшо — худонинг севган бандаси, унга кўп нарса, жумладан мамлакат ва унинг бойлиги, мамлакатдаги одамлар тақдири ишониб топширилган. Шу сабаб шоҳ, гарчи баҳтидан комрон, улуғворлиги, аълолигини билса-да, лекин:

Бо ҳама чун хоки замин паст бош,
В-аз ҳама чун бод тиҳидаст бош!

(Шунча билан ер тупроғидай ўзингни паст бил, ҳам шунчаликка қарамай, шамол каби қўлинг бўш бўлсин).

Низомий гапни ана шу бош масаладан бошлаб, подшо жаҳон мулки устидаги аждаҳо эмас, посбон эканини қайд этади. Давлат шоҳга омонатга берилган, омонатга хиёнат қилиш эса — гуноҳи азим.

Кори ту парвардани дин кардаанд,
Додгарон кор чунин кардаанд.

(Сенинг ишинг — вазифанг дину диёнатни мустаҳкам этиш, ривожлантириш, чунки одил шоҳлар шундай йўл тутганлар).

Ҳар бир ишнинг оқибати бор — зулм қилсанг, бир кун жазо тортасан, инсоф этсанг — раҳмат, мукофот оласан, эл сени олқишилайди. Шунинг учун беандиша, калтабин бўлма, халқнинг роҳатини тила, озорни қўй!— деб хитоб қиласди Низомий подшога қараб. Шоҳлик шавқатидан маст бўлиш, ўзни унутиш — тадбир кемасини фарқ этишга олиб келади. Етимларнинг молини тортиб олсанг, заифлар уйини хароб этсанг — қиёмат куни нима деб жавоб берасан? Жаҳонбонлик ситам билан амалга ошмайди, инсофигина шоҳлик пойдеворидир. Низомий бу фикрларини боб охирида шундай байт билан якунлаган:

Мамлакат аз адл шавад пойдор,
Кори ту аз адли тугирад қарор.

(Мамлакатнинг пойдорлиги, мустаҳкамлиги — адлдан, сенинг ишинг адлингдан барқарорлик топади).

Тўртингчи мақолотда бўлса, Низомий шоҳ ва фуқаро орасидаги масалага қайтиб, чуқурроқ фикрларни баён

этади. Бунда насиҳат бир қадар танқидий оҳангга эга, золим, хотинмижоз, номард ҳукмдорларга нисбатан қаттиқ танбеҳлар айтилган. Шамшир ва мардоналиқ камарини май шишаси ва чиройли кийимларга алмаштирган, соч-соқолига зеб берган подшоларга қаратада Низомий дейди:

Оннау шона гирифта ба даст,
Чун зани раъно шуда гесӯраст...
Эй, ҳунар аз мардии ту шармсор,
Аз ҳунари бевазане шарм дор!
Чанд куни даъвии мардафканий,
Камзану кам зан, ки кам аз як занӣ.

(Қўлга кўзгу билан тароқ олиб, ясан-тусанга берилган аёлларга ўхшаб, сочингта маҳлиёсан; Эй сенинг эркаклигиндан ҳунар шарманда, ахир бева хотиннинг мардлигидан, ҳунаридан уялгин. Қачонгача мардлик даъвосини қиласан, лофни кам қил, камтар бўл, чунки битта хотиндан ҳам камсан).

Шоҳнинг энг яхши сифати, ҳунари, Низомий фикрича, адолат ўрнатишдир, чунки зулмкорлик, бировлар қонини ноҳақ тўкиш шоҳнинг обрўйини ҳам тўқади. Адолат — шоҳликнинг биринчи шарти, ожизларга зулм қилган одам уларнинг оҳининг тифига дучор бўлиши муқаррар. Бундай дадил сўзлар, золим шоҳларни халқ қаҳру ғазаби билан қўрқитиш ўша давр учун ғоят буюк прогрессив аҳамият кассб этган. Улуғ шоирнинг фуқаро томонида туриб фикр юритаётгани аниқ сезилиб турибди. Халиқларварлик, феодализм замонида яшаб, халқ манбаатларини ҳимоя қилиш мана шундай фикрларни келтириб чиқаарарди, албатта. Шундай қилиб, Низомий шоҳнинг алоҳида тоифадан эканлигини тан олади, аммо шоҳ фуқаро ғамини ейиши керак, фуқаро билан бирга бўлиб, ожиз, муҳтоjlарга озор бермаслиги лозим, деб насиҳатлар қиласади. Баъзан бу насиҳат кескинроқ оҳанг-

да ифодаланиб, золимларни мутлақ илоҳий жазога мустаҳиқ бўлишларини эсларига солиш билан уларни огоҳлантириш кўзга ташланади.

Хусрав Деҳлавий шоҳ ва салтанат ҳақидаги фикрларини ўн учинчи мақолотда баён этган. «Матлаъул-анвор» («Нурларнинг чиқиш жойи»)нинг бу мақолоти «Шоҳларни паноҳсиз кишиларга раият қилиш ва адолат истовчиларга ёрдам қўлини чўзишга насиҳат этиш...» деб номланади. Муаллиф салтанат таҳтига ўтирган ҳукмдорларни қарамали, сахий бўлиш, фуқарони ранжитмасликка чақиради. X. Деҳлавийнинг кўп фикрлари Низомий қаравшлари билан ҳамоҳанг.

Лекин Низомийдаги ичхамлик Хусравда йўқ, у ҳар галгидай қиёс-мисолларни қаторлаширишни яхши кўради. Ҳиндистонлик шоир сиёсатни, адолат ва ситамкорликни бошданоқ дин ва диёнат масалалари билан боғлаб шарҳлайди: унингча, ситамкорлик — дин йўлидан чекинишидир. Шоҳ ўз ишлари учун охиратда ҳисоб бериши керак, ҳаммавақт буни эсга олиб тожу таҳт ҳукмини яхшиликка йўналтириши даркор. Ожизлар, заифларга жафо қилинса, улар охининг ўқи албатта золим киши кўксини топиб, пора қилгуси:

Тири заифон, ки кушод аз камон,
Бигзарад аз нўҳ спехри осмон.

(Заиф кишиларнинг камондан отган ўқи, яъни оҳи осмоннинг тўққиз қабатини ҳам тешиб ўтади). Бу фикрларни Низомийда ҳам кўрган эдик. X. Деҳлавий шоҳларни ўйин-кулги, сайру томошалар билан банд бўлиб, раият аҳволини унутиши, фақат амиру вазирларга ишониб қўйишини ҳам маъқулламаган. «Агар ҳамма сultonлар томошага кетса, камбағалнинг моли, хирмонини қароқчи, ўғрилар талаб кетади», дейди шоир ва шоҳлик масъулиятини алоҳида таъкидлайди. Шоҳ худди оила-нинг доно, тадбиркор отаси ёки болаларига меҳрибон

онадай бўлиши керак. Онанинг боласига меҳри унинг кўкракларига сут йиққанидай шоҳнинг адолати юрт фаровонлигига сабаб бўлади. Яъни шоҳ — ўз халқига меҳрибон, халқнинг душманларига қаҳрли душман, раиятнинг ҳамиятли ҳимоячисидир. Шоҳ шунаقا сифатларга эга бўлса, раият уни қўллайди, бирлашиб душманларни яксон этади. Хусрав Деҳлавийнинг идеал подшоси шунаقا ватанпарвар, халқпарвар ва гражданин одам. Албатта, бу шоир орзуси, шу билан бирга халқ орзуси. Лекин бу орқали биз улуғ шоирлар гуманизмининг ҳаётийлиги ўлмас, агадийлигини билиб оламиз.

Шоҳларнинг золимлиги, зулми нимада кўринади. X. Деҳлавий фикрича, ҳаммага бирдай сиёsat қилиш, яъни гуноҳкор ва бегуноҳни фарқига бормай, суриштирмай, аниқламасдан жазолайвериш: ғофиллик, баднафс амирлар — вазирларни, вилоят ҳокимларини койимаслик, айёр, қаллоб одамлар, манфаатпараст амалдорларни, кажннат кишиларни тийиб турмасдан, жазоламасдан қўйиш, талончилик, зўравонликка йўл очиш зулму ситамнинг авж олганидан нишонадир. Шоҳнинг ўзи аввало ахлоқан намуна бўлмоғи лозим. Агар шомдан тонгача май исча, машшатга берилса, мулк ўзгаларнинг нодуруст фармонидан «раҳна бўлади», мазлумларнинг уйи харобазорга айланади. Хуллас, X. Деҳлавий шоҳларга ғофил, беларво бўлмасдан, ўзлари раият бошида туриб, халқ дарди, аҳволидан ҳар доим хабардор бўлиш, қўл остидаги аъёнлар, хизматкор-амалдорларнинг ишини тафтиш этиб туришни маслаҳат беради. Тахтда ўтирган шоҳдан атрофидаги аъёнлари ҳайиқиши даркор, шоҳ шер терисидаги тулкига ўҳшамаслиги лозим. Шоҳ одил бўлса, батамкин, зукко бўлса вазирлар ҳам билиб ишини қиласди. Агар вазир халқ молига кўз олайтиrsa, унинг итоатидагилар буткул қароқчига айланаб қоладилар, деб огоҳлантиради кўпни кўрган халқсевар шоир.

Хожа ки доман ба кифоят кашад,
Пироҳан аз пири вилоят кашад.

(Вазир агар тамаъ — порага этагини очса, вилоят кексалари эгнидаги кўйлакни ечиб оладиган бўлади).

Х. Деҳлавий халқ манфаатига зид фармонларни тузадиган девонхона ходимлари — котиблар, муншиларни ҳам нафрат билан қоралаган. Улар золим шоҳларнинг дастёри, зулмга шерик кимсалардирлар.

Яна бир характерли жойи шундаки, Ҳиндистонлик шоир золим кишиларни тарбият билан адолатпарвар қилишга ишонмайди. «Насиҳат билан ёмонларнинг зулми тугатилганми, ахир ханжар воситасида сояни ердан йўқ қилиб бўлмайди-ку», деб афсус чекади у. Золимлик хилқага қўшилган хислат — мушукнинг чумчуққа ўчлиги, бўрининг даррандалиги, итнинг ювиндихўрлиги кабидир. Эшак ўлса — итга байрам, чўлоқнинг рақсга тушиши шолнинг рашкини келтиради. Қисқаси, тузалмас, зиддиятли, турфа ҳодисаларга тўла дунё. Аммо шоҳ ўзгача бўлгани маъқул. У мана шу зиддиятларни ўрганиб, шунга мувофиқ иш юритса, иши авжли бўлади. Х. Деҳлавий шоҳ бошлиқ давлатдорларни карамли, саҳий бўлишга чорлаган:

Эй ки ниҳи ганж ба ҳар гўшае,
Ёд кун аз фоқаи бетушае.
Нонхуриши бедармон чист — об,
Машъалаи бевазанон моҳтоб.
Мир ҳама гандуми дехқон ҳўрад,
Барзгар аз қурси жавин нон ҳўрад
Меҳри замин ту зи даври сипеҳр,
Дар ҳама яксон нигарад чашми меҳр.
Гар падарат гашт жаҳоний азиз,
Кўш, к-аз он беш ба ганжи ту низ...
Тожваронро карами хосу ом,
Аз пайи некист, на аз баҳри ном.

(Эй, ҳар бурчакда хазина йифиб, яширган шоҳ, егулиги йўқ муҳтожларни ҳам эсга ол. Бечора камбағалнинг нонни ивитиб ейдигани — сув, бева хотинларнинг чироги осмондаги ой. Амирлар ҳамма вақт деҳқоннинг буғдоини ейдилар, деҳқоннинг ўзи эса қотган арпа нонини ейди. Чархнинг гардишидан ернинг қуёши сенсан, шундай бўлгач, қуёшга ўхшаб ҳаммага бир кўз билан қарагин. Агар отанг саховатда дунёда ном қозониб, азиз бўлган бўлса, сен ҳам ҳаракат қил, чунки сенинг бойлигинг ундан кўпроқ. Тош кийганларнинг хосу ом — ҳамма ҳалққа қарам-саховати ном чиқариш учун эмас, балки яхшилик қилиш учундир).

Х. Деҳлавий феодал ҳаётнинг, ундаги синфий тафовут даҳшатини қанчалик аниқ ва тўғри чизганини қаранг: амирлар, бойлар деҳқоннинг бор-йўқ ҳосилини тортиб оладилар, йил бўйи оғир меҳнат қилиб, буғдои етиштирган деҳқон эса арпа нони парчасига зор. Образларга эътибор беринг: беванинг машъали — осмондаги ой. Чунки унинг наинки қорнини тўйғазишга нони, балки уйини ёритишга чироги ҳам йўқ. Қоронғи турмушнинг қоронғи манзараси! Бунда шоирнинг бенаволарга раҳм-шафқат билдиргани, ачиниши яққол сезилади, лекин, шунга қарамай, Амир Хусрав золим шоҳларни кескин танқид остига олган эмас, у насиҳат — ўғит бериш билан чегараланган, адолатнинг заруратини исботлашга уринган. Шоҳга қараб: «Бирорвга жабр қилсанг, ўзингга ҳам жабр қиласан, ўйлаб кўр, мазлумлар ҳам сенга ўхшаган одам, уларнинг жароҳати сенинг жароҳатинг каби оғрийди, қийнайди. Яъни: «Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса кейин бирорвга ур».

Гар ту шави ранжа зи осеби хор,
Чашму дили ғайр ба чунин маҳор.
Ҳар чи ту бар хеш надори раво,
Бар дигаре дард набошад даво.

Дар гунаҳи ғайр карам пешгир,
Дар маҳали тег сар аз хеш гир.

(Агар сен тикан азобидан озор чексанг, бегонанинг кўнгли ва кўзини найза билан тимдалама. Сен ўзингга раво кўрмаган нарса бошқаларнинг дардига даво бўлмайди. Ўзгалар гуноҳини кечишда карамли бўл, тиф билан кесиладиган бошни қутқаришга урин). Мана шундай умумий панд билан X. Деклавий гапни якунлаган.

Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» достонида Низомий ва Хусрав Деклавий баён этган фикрлар бор, яъни шоҳни охират азоби билан қўрқитиш, шоҳнинг чўпон, раиятнинг гала эканлигини айтиш, шоҳни адолатли, раҳмдил бўлишга даъват этиш, Навоий томонидан давом эттирилган. Аммо ўзбек шоирида зулмни қоралаш кескин ва ғазабли, золимликнинг сабабларини очиб кўрсатиш, унинг оқибатини санаш ҳам хийла батафсил, изчилроқ. Алишер Навоий фақат шоҳларга насиҳат этишни мақсад қилмаган афтидан, чунки «Ҳайратул-аброр»нинг мазкур масалага бағишлиланган учинчи мақолоти умумий шоҳ ва шоҳлик, адолат ва зулм муаммолари устида танқидий мулоҳаза юритиш тарзида ёзилган бўлиб, бобнинг атамаси ҳам шунга мувофиқdir: «Салотин бобида-ким, «Инналлоҳа яъмуру бил адли вал эҳсон» амри била ҳақ субҳонаҳу ва таоло хусравлик худни аларнинг ҳалофати бошиға қўйдиким, адолатлари «айн» нинг ҷашмаи зулоли мулк бўстонин сероб қилғай, то бу бўстондин амният ва фароғат гуллари очилғай ва алар зулм боғида май ичиб, гул сочарлар, балки майдин ҳар дам ўзгача гул очарлар». Бу жумланинг ҳозирги тилга «таржимаси» қўйидагича: «Султонлар ҳақида-ким, «чиндан ҳам маъмурлик адлу эҳсон биладур» амри билан олло таоло подшолик тожин уларнинг ҳалифлик (меросий ҳукмфармолик) бошига шунинг учун қўйдики, уларнинг адолати булоғи мамлакат боғини яшнатсин,

токи бу чаманда омонлик ва хотиржамлик гуллари очилса, лекин улар зулм боғида май ичиб, ҳар томонга гул сочадилар, балки мастиликдан ҳар дам нохуш қилиқлар қиласидилар».

Келтирилган байтлар ана шу маънонинг шеърий тафсиридир. Шоҳнинг рутбаси баланд, тохининг шавкати фалак авжига етади, ҳамма унга ҳавас билан қарайди, даврон унинг қадрини шундай баланд этған экан, лекин у бу олий маснаднинг талаблари ҳам борлигини эсда тутиши лозим. Одамлар тақдири, юрт тақдири шоҳга қарам қилиб қўйилган:

Халқни олингда қилиб нотавон,
Барчасиға этиб ҳукминг равон.
Хизматингға элни забун айлади,
Қадларин олингда нигун айлади.

Бу фикрни Низомийда кўрган эдик. Аммо Низомий мана шундай кўтаринки таърифдан кейин, эй шоҳ, лекин сен ҳам тупроқдансан ва ҳақ олдида жавобгарсан, буни унутма деган бўлса, Навоий бу фикрни мана бу гарзда ривожлантиради:

Бил буниким, сен дағи бир бандасен.
Кўпрагидин ожизу афгандасен.
Эрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилкат аларғау сенга тийрахок,
Барча жавоҳир била аъзода teng,
Сурати наъвию ҳаюлода teng.

Ўзларини худонинг сояси, пайғамбарлар меросхўри, ёддий, «қора» ҳалқдан устун деб ҳисоблаб, қолган одамларни оёқ учи билан кўрсатган шоҳу шаҳзодалар ҳукми ҳонун бўлган бир замонда улуг Навоий шундай фикрни баён этади. Бу фақат шоҳларга эмас, барча «аслзодалар»га тегишли гап эди. Гуманист шоир бу тоифа-

ни нафақат, «оддий одамлар» билан тенг деб ҳисоблайди, балки улардан кўп жиҳатдан паст, ожиз деб ҳисоблайди. Зотан, бу ҳақиқат: ахир бирор подшо, бирор «аслзода» дон сепиб, омбор тўлдирадими ёки кетмон ясад дехқон ишини енгиллаштирадиган ҳунарни эгалладими? Йўқ. Улар жамият бойлигини кўпайтиришга заррача ҳисса қўшмайдилар, қўшишга интилмайдилар ҳам. Лекин шоҳ керак эди. Буни Навоий биларди, шу билан бирга шоҳга унинг «ожизлиги», қолган халқ билан баробар бир оддий инсон эканини эслатиб туриш зарурлигини ҳам биларди. Оддий фуқарони Навоий ҳунар ва камолда, меҳнатсеварлик, адлу инсоф, одоб, хушхулқлик, тақво, ибодатда ҳам шоҳлардан баланд қўяди. Такрорлаймиз: бу ўша замон учун ва ҳатто бизнинг замона учун ҳам фавқулодда куч билан янграйдиган, зўр аҳамиятли сатрлардир.

Шоҳлик — вазифа, сен уни ҳалол бажаришинг, ҳақни ноҳақдан ажратиб, адолат қилишинг шарт — Навоийнинг талаби шу подшолардан. Подшо учун адолатли бўлишдан, раиятпарварликдан кўра ортиқроқ фазилат йўқ. Ўзбек шоири ўз салафларига қўшилиб, агар шоҳ фуқаро ғамини еса, фуқаро ҳам подшо атрофида жипслашади, оғир дамда ёрдам беради, деган идеяни баён этади.

Боқмаса дехқон чаманин туну кун,
Нахли тарин англа қуругон ўтун,
Қўйни шўбон асрарамаса ою йил,
Оч бўрилар тўъмасидур бори бил.
Бўрини дағи галадин дур қил,
Сув берибон боғни маъмур қил.

Подшонинг вазифаси ана шундай белгиланган, бу ўз ичига ўша замоннинг адолат ҳақидаги тушунчани ҳам олади. Аммо, афсуски, деб давом эттиради мушоҳадасини Навоий, ҳамма шоҳлар бу қоидага риоя қилмай-

дилар, бунинг ўрнига зулму бедодни жорий этадилар, элни хонавайрон, кўнгилларни эса озурда, зада қиласидилар.

Учинчи «мақолот»нинг ярмидан кўпроғи ана шу «қавидаст золим»ларни қаҳру ғазаб билан маззамат этишга бағишиланган. Навоий сатирасини ўрганган А. Абдуфафуров буни қаҳрли, ғазабкор сатира деб атайди. Чунки сатира, ҳажвиётга хос кулки, масхаралаш бўлмаса-да, бироқ муаллифнинг эҳтиросли муносабати, объектни яксон этишга мўлжалланган ўткир сўzlари ўзига хос фош этувчилик қудратини касб этолган. Навоий маззамат этган шоҳнинг асосий камчилиги — бодахўрлик, майшатпарастлик. Бу касофат кишини мазаллат чоҳига тортади, шоҳ бутунлай ўзидан ва мамлакат аҳволидан хабарсиз қолади, хазина совирилиб, элнинг молини талаш, яғмо этиш бошланади:

Чунки фараҳ базмиға азм айладинг,
Айшу тараб азмиға жазм айладинг.
Қасрки базм анда муҳайё бўлуб,
Зийнати фирмавси муалло бўлуб.
Пардалари риштаси эл жонидин,
Лаълию шингарди улус қонидин
Шамсаси эл моли била зарнигор,
Эл дуру лаъли била гавҳарнигор
Хиштини масжид бузубон келтириб,
Тошини эл марқадидин еткуруб.

Бу машҳур мисраларни дарсликларда ва бошқа бир қанча тадқиқотларда ўқиганмиз. Улуғ Алишернинг салафларидан ўзиб кетиши, шоҳларга «қаттиқ гап» айтишда беҳамтолигини ҳам шу мисол тасдиқлайди. На Низомийда, на Амир Ҳусравда шоҳларнинг бойлиги, шавкати бунчалик ошкора ва дадил очиб ташланган эмас. Ахир шоҳлар бутун қўли остидаги ер-сув, от-улов, хазина-дафиналарни ўзлариники, ўз мулклари ҳисобла-

ганлар, халқ ҳам улар назарида шоҳларнинг қули, бандаси бўлиб келган. Лекин Навоий шоҳларнинг ўзини «банда» дейди ва карру фикринг, шон-шавкатинг тиланчилик, ўғриликдан иборат деган ҳукм чиқаради. Шоҳ — ўғри! Шоҳ — бузғунчи, талончи, сарой талаш ва эзиш, қон ва кўз ёшидан тикланган, шунинг учун у жаннатдай кўринса-да, лекин ғамхона, аждарҳо уясидир, бузуқлик, фаҳш маконидир.

Алишер Навоий золимшоҳнинг базми жамшидини батифсил тасвирлайди. Бу ажабланарли эмас. Зеро, унинг ўзи бундай туну кун чўзилган базму майшатларни, сурункали майхўрликлар, беҳуда сарфланган маблағларни кўп кўрган эди. Мастларнинг тўполони, арбодаси шаҳар аҳлига тинчлик бермаган. Улар кечаси билан ичиб, итдай чўзилиб ётадилар, тонгда ҳушлари жойига тушгач, яна бош оғрифига ича бошлайдилар ва яна кун бўйи ичкиликбозликни давом эттирадилар. «Нафс итнинг илгида забун» кўриниши қоплону ўзлари кўча итидан баттар тўда диёнатни ҳам, одамийликни ҳам унтиб, шарманда-шармисор бўлганлар. Албатта, бу ерда, қайд этганимиздай Ҳусайн Байқоро саройи, сultonнинг ўзи ва атрофидаги кишилари зимдан назарда тутилган. Гарчи сulton номи тилга олинмаса-да, «умумий гап» қилинган бўлса-да, бироқ гапнинг адреси аниқ эди. Шоир қўллаган ташбиҳлар, ўхшатишлар унинг нафрати, ғазабини аниқ ифодалаб, бўрттириб кўрсатади. Мастлар ҳар томонга «оромжўй» бўлиб, ўзларига жуфт излаб, алаҳсаган ит каби ғингишадилар. «Ул хайли шум»нинг қилиқлари ҳаддан ташқари бачкана, ҳайвонийдир.

Навоий шоҳ кўзи олдида мана шу жирканч манзарани чизиб, огоҳ бўлишга, ҳушёр тортишга даъват этади, чунки:

Ҳақ сени адл этгали сulton этиб,
Зулм ила сен халқни вайрон этиб

юрсанг, умринг зоеъ, мамлакатинг хароб бўлади, деб куюниб ёзади улуғ шоир.

Зулмни тарк айлау дод айлагил,
Марг кунидин даги ёд айлагил,
Зулмунг эрур кундузу фисқинг кеча,
Зулм ила фисқинг неча, бўлгай неча?!

Навоий золимнинг тавба қилиб, одил бўлишига ишонади: «Рой ила зулматни мунир айламак (равшан қилиш) шоҳнинг қўлидан келади, дейди у. Бунинг учун ёмон одатларни тарк этиш, ёмон одамларни сухбатдан узоқлаштириш лозим. Шоҳга унинг атрофидагилар таъсири катта, буни Навоий яхши тушунарди. Ҳусайн Бойқаронинг майпарастлигига фақат унинг ўзининг майшатга ўчлиги эмас, балки сарой аҳлининг нопоклиги, сultonнинг шу одатидан фойдаланишга ният қилишлари ҳам сабабчи эди.

Шу тариқа, Алишер Навоийнинг одил шоҳ ва адолат ҳақидаги қарашлари Низомий ва X. Деҳлавий қарашларининг бевосита ривожи ўткирлашуви: замонага қараб актуаллашувини кўрсатади. Иккинчидан, бу қарашларнинг умумий мазмуни бизни шоҳ ва адолат ҳақидаги фикрлар ҳам келиб-келиб одамийлик, инсон сийратига тақалмоқда, деган хулосага олиб келади. Салтанат проблемаси умумгуманистик фикрлар, гояларнинг ичига олиб ҳал қилинган.

САОДАТМАНД ИНСОН ҚИМ?

Бахт ва бахтиёрлик Амир Хусрав ижодида ҳам, Алишер Навоийда ҳам маҳсус масала қилиб қўйилган эмас. Аммо, шунга қарамай уларнинг асаларида «саодат», «саодатманд», «ком», «комронлиғ» каби тушунчаларни учратиш мумкин. Буюк шоирлар инсон бахтини унинг

молу дунёси, бойлиги, майшати билан ўлчамаганлар. Бу аниқ. Ҳеч қаерда, масалан, шоҳ ёки вазирни бахтиёр киши деб таърифлаш йўқ. Аксинча, уларнинг назарида қаноатли гадо шоҳдан бахтиёрроқ. Бироқ бахт ва бахтиёрлик бир неча белги хислатларни жамловчи тушунча сифатида таърифланади. Қаноат, карам, саховат, вафо,adolat каби сифатлар ана шундай белгилардир. Қисқаси, хушхулқ, хуштавозеъ, бошқаларга озор бермайдиган, қўлидан келганча ўзгалар ҳожатини чиқарадиган, дўстга, ёрга содик одам — комрон одам. Биз бу хислатлар ҳақида аввалги бобларда гапирдик. Бироқ X. Деҳлавий ва Навоийда саодатманд бўлишнинг яна бир шарти ҳақида гап боради. Бу — одоб. «Одоб» тушунчасининг доираси кенг. Амир Хусрав дўстлик, ёрга вафо, садоқатни ҳам одоб шартларидан ҳисоблаган.

З-он ҳама к-одоби накӯкорист,
Пояи аввал адаби ёрист.

(Яхшилик одоби ичида ҳаммадан ҳам ёрлик, дўстлик одоби биринчи ўринда туради.) Бу ўринда бизнинг диққатимизни тортадиган нарса шуки, яхшилик, эзгу ишларга камарбасталик одоб дейилган. Бунга эса кўп нарса киради. Амир Хусрав суҳбат одобига ҳам кўп эътибор берган. Ким билан яқинлашиш керак, кўнгил сирини кимга айтиш керак? Шоир бу масалада тўғри йўл кўрсатувчи тажрибали донишманд ҳаким ўрнида иш кўриб, ёмон нияти одамлардан узоқ юришни маслаҳат беради. Одам ўз сирини ҳар учраганга айтмаслиги лозим, деб таъкидлайди у.

Суҳбати он кас, ки ба сидқу сафост,
Домани ў гар к-аз аҳли вафост.

(Садоқатли, сафоли одам билан суҳбат қур, вафо аҳлидан бўлган кишининг этагини ушла). Амир Хусрав

манманлик, такаббурни қоралайди, буни инсондаги но-мақбул одат деб ҳисоблайди. Бирога салом берсангу, аммо у алик олмасдан ўтиб кетса, ундаи одамдан одамгарчилик чиқиши гумон: «Саломингга жавоб бермаган одамдан тош яхши, чунки тошни савоб йўлида ишлатиш мумкин», деб ёзади у. Қўпол, маданиятсиз одамни шоир девга ўхшатади. Ўз бойлиги, шавкати билан керилиб юрганлар эса ўткинчи шамол мисол — «шамол мияни тўлдирган бўлса, ундан умид йўқ», — уни ҳамсухбат қилиб бўлмайди — Амир Хусравнинг панди шунаقا. Яна ажойиби шуки, улуғ шоир «Матлаъул-анвор» достонининг тўққизинчи мақолотида «боди такаббур» бошини тўлдирган кимсаларнинг кўпини кўрдим, улар, вайсаб-вайсаб ўтиб кетдилар, дея конкрет ҳаётий фактни мисол тариқасида келтиради:

Кўрии ман к-аз фалак омад ба пеш,
Чанд касон дидам дар чашми хеш.
К-он ҳама буданд ба паҳлўйи ман,
Резахўри ман, чу саги кўйи ман.
Ман ҳам азон жо, ки иёри манаст,
Майл ба ҳар сифла на кори ман аст.
Он, ки алейкум нагўяд тамом,
Беҳ, ки саломаш накунам, вассалом
Кўҳ, ки сангасту сухан кам кунад,
Гар ту саломаш куни, ў ҳам кунад.

(Кўплари бир вақтлар ёнимда юрган, хонадонимда пойлоқчи ит каби неъматимдан баҳраманд бўлган кишилар эдилар. Ман ҳам ўз даражамга кўра ҳар бир паст одамга эътибор қилишни ўзимга эп кўрмайман. Саломимга алик олмайдиган одамга салом бермайман, вассалом. Тоғ ҳам, гарчи гапирмаса-да, унга салом берсангиз жавоб қайтаради — акс-садо беради).

Бу байтлардан шу нарса маълум бўладики, Амир Хусрав кейинчалик амалга кўтарилиб сийрати ўзгарган

хизматкорлари ҳақида сўзламоқда. Улар обрў-эътибор қозонгач, шоир саломига алик олишни лозим билмай, унга беписанд қарайдиган бўлганлар. Буларнинг ҳаммаси аслида насаби паст одамлар, дейди шоир фикрини якунлаб. Умуман, Амир Хусрав қарашларида тарбия масаласида зиддият бор, бир томондан, у яхши хулқодобни, яхшиликни тарғиб этади, яхши хислатларни эгаллашга даъват қиласи: иккинчи тарафдан, агар зоти, сийрати асил бўлмаса, одам тарбия билан яхши одам бўлиши қийин, деган фикрни баён этади. Бу эса тарбиянинг ролини камайтирас, ҳамма нарса наслу насабга боғлиқ, деган ақиданинг асосини мустаҳкамларди.

Хар ки насаб шуд зи халаф равшанаш,
Давлату бахтест, ки зод аз танаш.
Як халаф ардар насабе сар кашад,
Бар сари сад ҳеч кас афсар кашад...
Зода, ки ў соҳиби пешони аст,
Дар ҳама жо иззаташ арзони аст.

(Кимники насаби мерос қолган бўлса, бу унинг ўз вужудидан туғилган давлат ва бахтдир. Насаби асил одам меросхўр бўлса, юзта нокасга ҳам тож кийгиши мумкин. Дунёга келган одам пешонали бўлса, ҳамма ерда иззат қилишади).

Шунга қарамай, ҳиндистонлик шоирнинг ўгит-ҳикматлари қимматли ва ибратли эканини қайд этмоқчимиз. Жумладан, Амир Хусрав сергаклик, эзма бўлишини ёқтиргмаган. Ҳар ерда лақиллаб юрган одамдан эъти-мод кутиб бўлмайди, деб ёзади у. Тил — бехуда сўзларни айтиб юриш учун берилмаган, одамнинг батамкини, вазмин — салобатлиси яхши. Мулоҳаза-андешали қишилар ҳурматли одамлардирлар. Ундан кейин, бирорга қилган яхшилигинг, тухфангни овоза қилиб юрма, деб насиҳат қиласи тағин Амир Хусрав. Кўча-кўйда овозни баланд қўйиб қичқириб юриш, жанжал-арбада

күтариш, ёмон сўзлар билан бегуноҳ кишиларнинг дилини оғритиш одобсизлик, қўполликдир. Қўпол киши эса дилозор бўлиб, жамиятнинг нафратини қўзғаб юради.

Сифлаки донге ба фақир оварад,
Шаш жиҳат аз вай ба нафир оворад.
Эй-ки ба сад арбада бонге зани,
Шаш натавон бахт чу донге зани.

(Паст одам камбағалга бир танга берса, уни миннат қилиб, ҳаммаёққа — фарёд кўтаради. Эй ҳаммаёққа қичқириб, бонг ураётган, бир танга сарфлаб, олти танга ютмоқчимисан?)

Яхши одам, Амир Хусравнинг фикрича, ўз қариндош-уругларини ҳам хафа қилмайди. Ота-она, қариндошлар рози бўлса, киши ўз ҳаётидан рози бўлиши мумкин. Давлат орттириб, ҳаром пулни келтириб отана юзига отадиганлар мардлик эмас, мардлик отанани эъзозлаш, сингиллар ҳолидан хабар олиш уларга ҳимоя-ҳамият кўрсатишdir.

Гар ту шуди аз ҳама хешон бузург,
Дар рамай хеш шўбон шав, не гўрг.
Пояи ҳар хеш зи ҳад беш неҳ,
Миннат бар хеш на, бар хеш неҳ.
Сими падар бар руҳи модар мазан,
Бўса бар нояш зану бар сар мазан...

(Агар сан қариндошларинг орасида улуғ мартабага эришган бўлсанг, ўз қавминг, уруғингнинг чўпони — посбони бўл, бўриси бўлма. Ҳар бир қариндошнинг иззатини жойига қўй, қариндошга миннат қилма, ўзингга миннатли бўл. Отадан қолган пулни онанинг юзига отма, онанинг оёғини ўп, лекин бошига урмади).

Дунёнинг бутун ширинликларини йигиб олиб келсангу, лекин уни тилга олиб юзига солсанг — ширинликларинг заҳарга айланади. Бундан кўра ҳеч нарса олиб келмаганинг маъқул. Ота-онага қаттиқ гапириш, сану манга бориш ғоят беадабликдир, деб огоҳлантиради X. Деҳлавий. («Ўз отанг билан ману санга бориш қачонгача, бу фикрни хом каллангдан чиқариб ташла. Сенинг вужудинг отангнинг жонидан бир парча, унинг чашмасидан қатрасан»). Одам фарзанди ота-онасига жонини фидо этмоғи даркор, агар сен нонни қизғансанг — юз афсус! Шоирнинг бу насиҳатлари жамиятда бир-бирини ҳурматлаш, бурчдорликни эсга солиб туриш учун зарур эди. Хусрав Деҳлавий айниқса оналарни катта ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади, онанинг фарзандга меҳри, фарзандни вояга етказишида чеккан беҳад зиёд уқубатлари ва фарзандларнинг оналар ҳаққини адо этиши хусусида куйиниб, зўр эҳтирос билан қалам сурган.

Якшаба ранжи туро, ки модар кашид,
Бо ду жаҳонаш натавон баркашид,
Якшабаеро, ки ду олам баҳост,
Қам занад он, к-ў гуҳараш кам баҳост.

(Онанинг сен учун бир кеча тортган азобини икки жаҳон қиммати билан ўлчай олмайсан, икки олам баҳоси бўлган бир кечани, гавҳари паст, камбаҳо бўлган одамгина ерга уриши мумкин.) Мана шунча ранж чеккан онанинг хор бўлиши, кексайганда қаровсиз қолиши ноқобил фарзанднинг лаънатга қолишидир. Она санга биҳишт ато этган бўлса, аммо сен унга дўзах яратсанг, оқибат сенинг ҳам насибанг дўзах бўлади, дейди Хусрав Деҳлавий хулосада. Умуман, бу ерда кези келганда шуни қайд этмоқчимизки, Хусравнинг аёлларга муносабатида айрича илиқлик, туганмас бир муҳаббат бор. Буни шундан ҳам билса бўладики, «Дувалроний ва

Хизрхон» номли ишқий-романтик достонига ўз онаси-нинг вафоти муносабати билан катта бир ҳаяжонли марсия ёзид илова қилган. «Матлаъул-анвор»нинг охирги мақолатларидан бирини эса севикли қизи Мастура насиҳатига бағищлаган. У аёлларни хонадоннинг чироги, наслу наасаб пойдевори, қалб рӯшнолиги деб таъриф этади. Онасиға бағищланган марсияда шоирнинг меҳр-муҳаббати нечоғлик чексиз эканини кўрамиз.

Қуйидаги факт ҳам шоирнинг онаизорини бир умр эъзозлаб, севиб юрганидан дарак беради: 1285 йили Хусрав ўттиз икки яшарлигига Султон Муҳаммад Қоон қўшинлари билан мўғулларга қарши жангда иштирок этади. Муҳаммад Қоон жангда ҳалок бўлади ва Хусравни мўғуллар асир олиб, Балхга олиб кетадилар. Бироқ, қандайдир сабаб билан у мўғуллар чангалидан озод бўлиб, Ҳиндистонга қайтади. Шу муносабат билан у ёzáди: «У бало қонуни амал қилган кунлари кофирларнинг (мўғуллар ҳали исломни қабул этмаган эдилар. *M. M.*) арқони менинг ҳам бўйнимни қиса бошлади, умрим ипини тангри узун қилгани учун қутулдим... ва қуббатул ислом (Патёли) томошасига бордим ва жаннатий онамнинг қадамларига хокисор бўлиб йиқилдим. Унинг ҳам кўзлари манга тушган заҳоти бир ҳолат юз берди ва шафқатдан сут ариқларини оқизди (яъни оналиқ меҳри тошиб кетди.— *M. M.*)

Биҳишт зери қадамҳои модар аст мудом,
Ду жўй шир аз ў бин равон нишони биҳишт.

(Мазмуни: Жаннат оналар қадамининг остидадир доим, унинг икки сут арифини кўр — жаннат нишонаси). Патёлидаги Мўминнур қалъасида Ганг суви канорида азиз онам дийдорини ва бошқа азизларнинг дийдорини кўриш билан хушнуд бўлиб, ширин дамларни ўтказдим).

Хусрав Деҳлавий онасини ана шундай қадрлаган ва севган.

Мастурага бағишлиңган бобларда ҳам шу меҳр бал-қиб күзга ташланади. «Эй сенинг вужудинг күнглиминг күзи ва чироги, күнглим бөфининг энг лазиз меваси» деб мурожаат қиласы қызыга шоир. Езилишича, Хусрав Дәхлавийнинг ўғиллари ҳам бұлған, уларнинг ҳам юлдузи порлоқ, дейди шоир, аммо «менинг күзимда сен каби яхши әмаслар». Ота учун ўғил ҳам, қызы ҳам шириң. Шундай экан, нега ўғилни қыздан баланд тутиш керак. Қызы бұлмаса, она бұлмайди, она бұлмаса — ҳаёт бұлмайди. «Ұғилни ҳам қызы яратған-ку», дейди у. Улуғ шоир шириң қызыға баҳт тилайди. «Сенинг келажагинг номингдай гүзәл бұлар, буни күнглим сезиб турибди». Бирок, шу баҳтни құлға киритиш учун пок ва покиза одам бүлиб етишишга даъват этади ҳамда ўша даврнинг хотин-қызылар ахлоқи олдига қүйған талабларини санаб чиқади. Дуру садафнинг талабгори күп. Сен оқила, ҳаёли, хушсухан бўлишинг лозим. Оиланинг тинч бўлиши күп ҳолларда хотин фаросати, зукколигига боғлиқ. Агар хотин сайру томоша билан кун ўтказишни одат этса, уйидан файз кетади. Хотин ўз иффатини, номусини сақлаши лозим. Шу каби эрининг топганига қаноат қилиши, озни күп ўрнида тутиши даркор. Амир Хусрав яна орасталик, камтаринлик хусусида қызыға насиҳатлар қылған.

Яқин кишиларга муносабат масаласига «Матлаъул-анвор» достонининг ўн биринчи мақолотида ҳам фикр баён этилған. Бунда оила аъзолари, хотинга, болаларга меҳрибон бўлиш, лутф қилишга даъват бор.

Лутф ба жоест, ки дўре бувад,
Бар зану фарзанд зарурий бувад.

(Бошқаларга луфт кўргизиш, яхши, аммо ўз хотинига ва фарзандига бу зарурийдир). Эр киши ўз болаларига намуна бўлсагина, болалари ҳам яхшилик йўлида тарбияланадилар. Ёмон бўлсанг — фарзандларинг ҳам ёмонликни ўрганади.

Чун ту бади, гар зи ту зояд батўр,
Хуни жигаргўша ба туҳмат махўр.
Гар бачаи худ бихўрад гарзамор
Бачаи ў низ шавад баччаҳор...
Хун, ки ба тан чашмаи ҳайвони мост,
Гашт чу фосид ҳалали жони мост.

(Агар сен ёмон бўлсанг — сендан ёмон бола туғилади. Жигаргўшангнинг қони айниганини бошқалардан кўрма. Заҳарли илон ўз боласини ер экан, унинг боласи ҳам боласини ейдиган бўлади, танамиздаги қон — оби ҳайвон — тириклик сувидир, лекин у фосид бўлса — айниқса жонимизга ҳалал беради).

Болани ёшлигидан тарбиялаш, одоб ўргатишни маслаҳат беради Амир Хусрав. «Қатта бўлгандан кейин койиш ортиқча», дейди у. Отасининг сўзига қулоқ солмаган ўғил бошқа улуғлар сўзига ҳам эътибор қилмайди. Фарзанд азиз. Айиқлар, илонлар, қарғалар ҳам насл учун курашади, боласини яхши кўради: «Фарзанд кул каби кўримсиз бўлса-да, лекин ота-онасининг кўзига тўтиёдир». Фарзанднинг азизлиги шу даражадаки, мабодо у ота-онасини қийнаб «икки кўзини қонга тўлдирса» ҳам, бироқ уни уйдан ҳайдаб чиқариб бўладими? Лекин, шунга қарамай болага ёшлигидан одоб ўргатиш, таълим бериб, тарбиялаш зарур. Амир Хусрав Деҳлавийнинг бу ўғитлари «Бола азиз, аммо одоби ундан ҳам азиз» деган ўзбек ҳалқ мақоли маъносига ҳамоҳангидир. Шу ерда шоир яна оналарнинг бола туғиш ва парваришлишдаги чекадиган азобу уқубатлари ҳақида тўхталади, буни фарзанд умр бўйи эслashi керак, деб таъкид этади. Туғиш, туғилиш билан олам обод, дунё шундай қурилган, шундай бўлмаганда, ҳаёт тугаган бўларди, деб теран фикрларга берилади Ҳ. Деҳлавий. Шундай экан, одамдан одам пайдо бўлса яхши, одамдан ҳайвон, дарранда, инсоният душмани бўладиган ёвуз кимсалар пайдо бўлса — бу даҳшат. Фарзанд

тарбиясида ота-она ибрати, муҳитнинг таъсирига ҳам шоир катта эътибор берган. Шуниси диққатни жалб этадики, тарбияда наслу насабга алоҳида ургу берган Амир Хусрав, жамият, муҳит ролини ва меҳнатга меҳр қўйишнинг аҳамиятини ҳам назардан соқит қилмаган. («Иш» меҳнатнинг қудратини кўрсатиб, юз, юз минг кишини тўйдирадиган киши одамийдир. Бошқалар ғамини камайтиришга сабаб бўладиган кишини мард дея оламиз»).

Шу каби шоир кексайган ота-оналар, уларнинг фарзандларга қарам бўлиб қолиши, баҳтсиз кексалик сабаблари тўғрисида фикр суради. Дарбадар ота-оналарни кўрган шоир ачиниб ёзади:

Даҳ писар аз як падар осуда гашт,
Як падар аз даҳ писар афтад ба дашт.

(Ўнта ўғил бир отанинг ҳимояси, қарамоғида осуда яшайди, лекин битта ота ўнта ўғил даргоҳига сифмай, чўлга чиқиб кетади). Нақадар замонавий фикрлар. Ахир ҳозир ҳам қариган ота-онасини йўқламайдиган, унтиб юборган одамлар кам дейсизми? Бундай кишиларни Амир Хусрав баднафс итлар, фақат ўз ғамини ейдиган шум, нохилоф кимсалар сифатида нафрат билан «таърифлаган»:

Ноҳалафера, ки бувад шум чеҳр,
Бар падару модару хешон чи меҳр.
Саг, чу гаҳ ҳашми фифон баркашад,
Луқма зи дандони бародар кашад.

(Шум башарали нокас одам ўз ота-онаси ва қариндошлирига меҳр кўргазадими? Ҳар замонда ғазабли увлайдиган ит ўз оғайнисининг оғзидағи луқмани тортиб олади). Шундай экан, ана шунаقا бадкирдор, ноҳалаф одамларни саодатли деб бўладими? Йўқ, албатта. Бун-

дай одамларнинг ўзлари баҳтсиз бўлганидай, яқинла-
рига ҳам ситам етказиб, уларни баҳтсиз бўлишига са-
бабчи бўладилар. Амир Хусравнинг ўнинчи мақолот
охирида келтирган ҳикояси ҳам ибратлидир. Ҳикоя «ўз
биродарини ўлдиришга қасд этган биродаркуш киши
ҳақида ва унинг жазоланиши» деб номланади. Тасвир-
ланишича, бир киши мерос талашиб чўлда ўз укасини
жаҳл устида сўйиб ташлайди. Қонли тифини филофга
солиб, вилоят амири саройи ёнидан ўтаётганда, ўлимга
ҳукм этилган икки гуноҳкорнинг жазоланаётгани усти-
дан чиқиб қолади. Жаллод уларнинг бошини кесиш
учун тиф яланғочлаётганда, уларнинг бири жаллодга
зорланиб: мени олдин қатл эт, токи биродарим бир
лаҳза бўлса ҳам кўпроқ яшасин, деса, бошқаси: йўқ-
йўқ, олдин менинг бошимни кес, токи дўстимнинг ўлаёт-
ганини кўрмайин, деб фифон чекарди. Бу икки асирнинг
тиф талашиши, фидойилиги ҳалиги мерос учун укасини
ўлдирган одамга таъсир этади ва у жаллоднинг олдига
бориб, асирлардан: бир-бирларингга мунча куюнасиз-
лар, қариндошмисизлар, деб сўрайди. Улар: йўқ, биз
дўстмиз, қон-қариндош эмас, деб жавоб берадилар.
Шунда биродаркуш шахс: бир-бирига бегона одамлар
дўстлашиб, бир-бирига шунча садоқат кўрсатса мен ўз
укамни ўз қўлим билан қатл этдим, дея минг афсусла-
нади ва жаллодга қараб: буларни қўй, мени жазола, деб
илтимос қиласди. Бу воқеани эшитган ҳоким, вафодор
дўстлар гуноҳидан ўтади, аммо укасини мерос тала-
шиб ўлдирган кишини қатл этади.

Ҳикоя бизга таниш, уни Навоийнинг «Ҳайратул-
абор» достонида ўқиганмиз. Навоий уни дўстликка
садоқат кучини кўрсатиш учун келтирган. X. Дехлавий
эса меҳр-шафқат, инсоний раҳм ҳақида гапириб, мазкур
ҳикояни мисолга олган.

Амир Хусравнинг «Матлаъул-анвор» асарида жа-
вонмардлик қоидалари, меҳмондорлик, ҳиммат, мардлик
каби юксак инсоний хислатлар ҳақида сўз боради. Бе-

ғараз ёрдам, ожизларга ҳамдард бўлиш, моддий мадад етказиши шоир биринчи даражали инсоний бурч ҳисоблаган.

Дасти жавонмард бувад ганжбор,
Дасти нигун ҳеч нагирад қарор.

(Жавонмард — сахий одамнинг қўлидан ганж ёғилиб туради, очиқ, пастга қараб турган қўл ҳеч тўхтамайди.) Меҳмонни очиқ чехра, иссиқ нигоҳ билан қарши олиб, иззат-икром кўрсатмоқ лозим. Бахил, хасис одамлар эшигини бирор қоқмайди, бахил якка дараҳтдай саҳрода кўкариб, якка ҳолда сувсизликдан қуриб кетади, сахий эса мевали дараҳтдай ҳаммавақт ҳосилидан эл баҳра олади. Сахийлик — бу фақат пул сочиш эмас. Саховат — аввало қалб ҳарорати, бошқаларни баҳтиёр кўриш истаги. Сахий қалбли одам боғ кўқартиради, ер ҳайдаб, омборларни ғаллага тўлдиради, эл-юртни обод, фаровон қилиш, одамларнинг ҳожатини чиқариш учун интилади.

Вой бар он мардию комоварий,
К-аз ту ба ғайре нарасад доварий.

(Агар бирор бошқа одамга ёрдаминг тегмаса, ундаи мардликка юз ҳайф).

Амир Ҳусрав ғафлат — кўп ухлаш, дили кўрликни ҳам ёқтиргмаган. Бу ҳақда «Матлаъул-анвор»да мисол кўп. Шунингдек бу достонда музийлар, яъни одамларга озор берувчиларнинг ёмон одатларини танқидига ҳам алоҳида бир боб ажратилган («ўн биринчи мақолот»).

Эй зи жафо карда дили халқ реш,
Пешай озор гирифта ба пеш.
Не ба жафо бори беҳий бастаанд,
Муштзанон мушти тиҳи бастаанд.

Хар ки ба раҳ баҳри касе чоҳ кард,
Аз пайи худ замин роҳ кард.

(Эй жафо билан одамлар кўнглини яра қилган одам, озор беришни ўзингга одат қилиб олибсан. Яхшиликни фақат жафо билан амалга ошириш мумкин эмас — мушт билан олишувчилар яланғоч муштларни боғлайдилар. Кимки йўл устида (бировга чоҳ қазиса, ўзи учун ер остига йўл қазииди). «Мақолот» мана шунаقا байтлар билан бошланган. Муаллифнинг эътиқодига кўра, золим, жафокор одамларнинг умри узоқ бўлмайди. Одамзот учун ҳаё, илм каби шафқат, меҳр ва пушаймонлик ҳам фазилат. Пушаймонлик ўз айини англашва уни такрорламасликка ҳаракат қилишдир. Жафокорлик фазаб, гина, ҳasad каби номақбул ахлоқий белгилардан туғилади. Диққат қиласидиган жойи шундаки, ҳинд шоири соддалик, ҳалим, раҳмдил бўлишни инсоннинг яхши хислати деб қайд этар экан, бундай кишиларда жафо, жабр қилиш одат бўлмайди, деб қатъий ишонади.

Бо дили некои на бувад ҳашм ёр,
Ҳеч гаҳе гарм набошад хиёр.
Соддадил ар гарм барорад нафас,
Дар таҳи он нармию лутф асту бас.

(Яхши ниятли қалбларга фазаб ёр бўлмайди — бодрингнинг мизожи ҳеч қачон иссиқ бўлмаган. Соддадилнинг иссиқ нафаси ичиди мулојимлик ва лутф бор, холос).

Шоир беҳуда ғазабкорлик, аччиқланиб қичқириш—бақаришни одамзот боласига ярашмайдиган нарса ҳисоблаган. Ёмон хулқ — одатлардан яна бири, Амир Хусрав фикрича, маломатдир. Одамларнинг номини булғаш, маломатга қолдириш гуноҳ. «Маломат ахири надомат (пушаймонлик) келтиради», деб огоҳлантиради у.

Аммо, шуниси ҳам борки, яхши-ёмонни фарқлашни ўргатаётган донишманд адаб одамларнинг ишларига аралашмасликка, яхшини — яхши, ёмонни — ёмон деб аташдан ўзини сақлашга маслаҳат беради. Бу албатта, дуруст маслаҳат эмас, бу — бетарафлик, аралашмаслик фикри ўқувчини бефарқ бўлишга, оқибатда эса ўзининг тинчини ўйлаб, ижтимоий ҳаётга аралашмасликка олиб келади.

Беҳ ки бади ҳалқ нагӯйи басе,
То бади ту низ нагӯяд касе.

Бин баду неки ҳамову дам мазан,
Ҳеч касеро ба жаҳон кам мазан.

(Яхшиси, одамларнинг ёмонлигини айтма кўп, токим сенинг ёмон қилингни ҳам бирор айтмасинг. Ҳамманинг ёмон-яхшисини кўргину, аммо индама, жаҳонда ҳеч кимни камситма).

Сен менга тегма, мен сенга тегмайин. Бу таълим, албатта, бизга керак эмас. Аммо улуғ гуманист шоирнинг ҳозирги одамларга маълум тушадиган ҳикматли байлари анча. Айниқса, камтаринлик, хоккорлик юзасидан айтилган пурмазмун байлари ёқимли жаранглайди. Ҳаётда одам ўзини шундай тутиши керакки, барча ундан рози бўлсин, бирорни қийнаш эвазига иш битириш, атайлаб жабр қилиш хато. Ҳатто, қулларни ҳам деб таъкидлайди Амир Хусрав «андоза билан», инсоф доирасида ишлатиш керак. Хуллас, феодал замонасининг шоири ва мутафаккири изҳор этган қарашлар билан танишамиз, шу зиддиятли қарашлар ичida ёрқин инсонпарварлик ғоялари ҳам қўл остидаги чўф каби яширин турибди. Биз ана шу чўғнинг устини очиб, бугунги ўқувчиларимизга тақдим этишга интилдик.

Хусрав Деҳлавийнинг XIII аср охирида Ҳиндистонда баён этган ахлоқий-таълимий қарашлари XV аср Ҳирот муҳитида ҳам эскирмаган эди. Алишер Навоий ўз устизининг адаб ҳақидаги кўп фикрларини ўзлаштириб олган

ва ўзининг янги, ўз замонасига зарур бўлган қарашлари билан қўшган. «Ҳайратул-аброр»да олтинчи мақолат адаб мавзуига бағишлигандир. Сарлавҳадаёқ Навоий нима хусусида гап боришини қайд этиб ўтган, чунончи: «Адаб дабъидаким, кичикларға мўжиби саодатмандлиғ ва улуғларга боиси сарбаландлиғдурур ва тавозуъ васфидаким «дол»дек қаддини ҳам қилғон қадамин давлат фарқиға қўяр ва ҳаё зиёсидаким, ҳар киши кирса раҳмат ёғинлари бирла сероб бўлур».

Мазмуни: «Адаб расми ҳақидаки, кичикларнинг бахтиёрлиги сабаб ва катталарнинг бошининг баланд бўлишига боисдир. Тавозеъ таърифдаким, қаддини «дол» ҳарфидаи эгиб юрган одамнинг қадамини давлат бошига чиқаради ва ҳаё нури ҳақидаки, ҳар ким бу нурга чўмилса, раҳмат ёмғири билан сероб бўлади». Демак, Навоий адабни саодатмандлик — бахтиёрлик калити, энг кўп қадрланадиган инсоний фазилат деб ҳисоблаган ва ҳаё билан хуштавозеъликни одобнинг асосий шартларидан деб билган. Шуниси ҳам борки, Навоий бу хислатларни «талаб уйида кишаст айлаган», яъни маърифатга талабгор одамлар учун зарур, деб ҳисоблайди. Бу хил одамлар ўзини гард-ғубордай арзимас деб, кибр-манманликнинг «кўзини кўр этиб» юрган, риёзатлар чеккан, нафсу ҳаво, ҳирсу тамаъ ўтини ўчирган, «реву риё хирманини куйдирган», яъни кўнглида қинғир фикрлар, алдамчилик, ёлғон-фириб ўйи бўлмаган сидқу садоқатда собит кишилардилар. Шоирнинг ёзишича, ана шу фазилатни ўзида шакллантирган одамнинг одоби ҳам гўзал бўлиши керак. Одоб эса тавозедан бошланади. Ҳуш тавозе одам камол топади, қадрланади.

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёю адаб,—

деб ёзади Навоий. Бунинг маъноси шуки, одамни мансаб ва наслу насаб эмас, балки ҳаё ва адаб улуғлайди, эл кўзига шарафли қилиб кўрсатади.

Бўлмас адабсиз кишилар аржманд,
Паст этар ул хайлни чархи баланд.

Яъни: беадаб кишилар азиз, баҳтиёр бўлмайди, адабсизларни баланд осмон ахир пастга уради. Қизиқки, адабсизликнинг биринчи белгиси сифатида ўзбек шоири кулги, ҳазил-мазахни кўрсатган. Кишининг устидан кулиш энг катта беҳаёлик, дейди Навоий. Унинг наздига кулги аралашган танқид — ҳажвиёт, кулгили томошалар, тақлидчиларнинг ишлари, ҳайвонларни ўйнатиб, одамларга дилхушлик келтирувчиларнинг иши ҳам мақбул эмас. Масхара—инсон шаънини ерга уради, деб ўйлаган шоир. Албатта, бу Навоийнинг эстетик қарашларидаги чекланганлик, унинг феодал синфга мансублиги оқибати эди. Халқ масхарабозлари кўрсатган томошалар: «Соқол боғлаб, эл кулдириш», «бошига бурк қўйган маймунларни майдонларда ўйнатиб, юқори синф вакилларини масхара этиши феодал ҳукмдорларга ёқмас эди. Халқ санъати ва адабиёти Навоий учун батамом бегона бўлмаган, аммо у буларни «жиддий санъат» деб қарамайди. Навоийнинг қиссанхонларга салбий муносабати ҳам балки шундандир («Маҳбубул-қулуб»да). Кулги беҳаёлик, уятсизлик белгиси деб қаралган:

Қаҳқаҳаким, ҳазл анинг ёридури,
Қурбақа савти била рафторидур.

Кулгининг тарбиявий аҳамиятига этарли баҳо берилмаганидан шоир халқ театри вакилларига нисбатан салбий муносабатни сездириб қўйган. Аммо, Навоий ўзган сатрлардан шу нарса аниқ бўладики, ўша замонда кўча-майдонларда томоша кўрсатувчи талантли масхарабозлар, ҳажвчилар кўп бўлган ва уларни халқ севиб томоша қилган.

Навоийнинг феодал тартиботларига тарафдорлиги, «низомпараст»лигини яна шу ҳам тасдиқлайдики, у

одамлардан адаб талаб қилганда, ўзи яшаб турган жамиятнинг иреархияси — мартаба — жоҳга тақсимланишига қатъий ривоя этади. Масалан, унинг ёзишича бек қулга тавозе кўрсатиши, гадога эгилиб салом бериш ножоиз. «Ҳар кишининг тавриға лойик» ва «сурати ҳолиға мувофиқ» муомала — одоб қоидаси бўлиши лозим. Хизматкор ўз хўжасига, аъёнлар султонга, фуқаро аъёнлар, боёнларга тавозеда бўлсин, кексалар ёшларга эмас, ёшлар кексаларга одоб сақлаб туриши талаб қилинган. Ёш бола учун жойдан туриб, салом бериш адабдан эмас. Шундай қилинса, бола бора-бора керилиб, такаббур бўлиб етишади. Ҳар бир одам мартабаси, даражасига қараб иш кўрсин. Мана шу тартибларни ота болаларига ҳам ўргатиши даркор, дейди Навоий насиҳат қилиб.

Боланинг тарбиясига унинг гўдаклигидан эътибор берилса дуруст. Аввал шуки, фарзандига ҳар ким яхши бир исм топиб қўйсин, кейин яхши муаллим — ўқитувчи танлансан. Ўқитувчи қаттиқ қўл бўлса яна яхши — калтак зарбидан ит, айик ҳам доно бўлади. Оила бошлигининг муҳим вазифаларидан бири — болалари билан бирга хотинига ҳам меҳрибон бўлиш, уни азиз, муҳтарам тутиши лозим:

Завжаким ул бўлса аниси ҳарам
Шаръ тариқи била тут муҳтарам.
Наф била нафсни тутма даре,
Жонингға ифрат ила ҳам урма тег.
Айламагил хулласини ранг-баранг,
Кийса дағи ҳужрада тутсун доранг.

Лекин хотиннинг ҳар ерга бориши, бозор-куйга ўрганиши, ясан-туссанга берилиши, Навоий фикрича, яхшилик аломати эмас. Эрнинг ҳамиятли, файратли бўлиши хотинга ҳам маъқул, хотинлар ижобий маънода рашк қиладиган эрларни яхши кўрадилар деб уқтиради шоир.

Инсон олдида турган фарзи айн вазифалардан яна бири ота-она ҳақини адo этиш — уларнинг хизматини қилиб, розилигини олишдир. Бу ҳақда Навоий қўйидаги оташин сатрларни битган:

Бири эрур макрумати волидайн,
Билки, мунинг қўлмоғидур фарзи айн.
Бу икининг хизматини бир бил,
Хар неча ифрат эса, тақсир бил.
Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Икки жаҳонингга тиларсен фазо,
Хосил эт ушбу икисидин ризо.
Тун кунунгга айлагил нурфош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Азиз ўқувчиларга етарли даражада тушунарли бўлсин учун мазкур байтларнинг насрый мазмунини ҳам келтирамиз: «Бириши шуки, ота-онанинг ҳурматини жойига қўйиш керак, шуни билки, буни қилишни фарз айн — зарурий вазифа деб ҳисобла. Иккаласининг хизматини бирдай бажар, ҳар қанча азоби ошиб кетса, ҳам бош устига деб қабул эт. Ота қошида бошингни фидо қил, онанинг бошига жисму жонни фидо қил. Икки дунёнг обод бўлишини хоҳласанг — бу иковини рози қил. Уларнинг бирини ой, иккинчисини қуёш англаб, туну кунингни ёрит».

Шундан кейин ота-онанинг насиҳати фарзанд учун қонун экани, фарзанд ота-она олдида бурчдорлиги хусусида яна бир қанча байтлар келтирилади. Бу фикрлар Амир Хусрав фикрларига ҳамоҳанг, аммо Навоий байтларида эҳтирос баландроқ. Навоий ота-онадан кейин қариндош-уруғ, ака-ука ва «сила раҳм» — опа-сингилларга яхши муносабат борасида ҳам тўхтаб ўтган. Умуман, инсон ўз яқинларига раҳмдил бўлиши лозим. Ўз яқинларига раҳмдил бўлмаган одам бошқа бегоналарга

ҳам раҳм-шафқатли бўлмайди.— Навоийнинг тушунчаси шунаقا. Улуғларга хизмат, кичикларга шафқат. Шарқ кишилари учун асосий ахлоқ низомига айланган мазкур қоидани Алишер Навоий ҳам такрорлаб, унинг аҳамиятини яхшилаб тушунтирган: бирорни таҳқирилаш, беҳурмат қилиш ёмон, лекин номуносиб ҳурмат билдириш, ортиқча тавозе кўрсатиш ҳам керак эмас. Ўртача расмий муомала одоби, маҳалла-кўйда ўзни суҳбат, гап-гаштакларда ўтириш одоби ҳам Навоий эсидан чиқмаган. Ҳаммага яхшилик тилаб, яхши хулқ билан яшаш файзли ҳаётга замин, деб хуласалайди шоир.

Навоий сарой одоби, шоҳлар, сultonлар хизматидаги расм-руsum ва қоида-қонунлар ҳақида ҳам фикр билдириган. Бу ерда муҳим ижтимоий қарашлар ҳам қистириб келтирилган. Мабодо тақдир сени шоҳ хизматига мушариф этса, деб давом эттирган донишманд адимиз, у ердаги бойлик — безакларнинг кўплиги, ноз-неъматнинг бисёrlигига маҳлиё бўлма, чунки ҳузури азобга, нўши пешга айланиши мумкин:

Марҳами зимида эрур решлар,
Нўши ичинда тикилур пешлар,
Гул кўринур ёнида юз кори бор,
Бор эса бир айш, минг озори бор.
Телбага ўт шакли гулистон эрур,
Тушса халоси қачон осон эрур.

Шунинг учун шоҳ ҳузурида киши ўзини ҳаммавақт нотинч, безовта ҳис этади. Шоҳ ҳузурида киши эркин, яйраб яшashi мумкин эмас. Кўринган дабдаба, нақшу ниғор тагида зулм ва ситам, қатлу қамоқ азоби ётади. Бу ғоят катта журъат билан баён этилган фикрdir. Шоҳ хизматининг «айшидан меҳнати ортиқ», шунинг учун шоҳ саройига яхшиси яқинлашмасдан ундан узоқроқ турган маъқул дейиш амалда шоҳ ва саройга, тахту тожга очиқчасига нафрат изҳор этиш эди. Лекин, агар

шоҳ хизматини қилиш бўйнингга тушса, деб насиҳат қиласи мутафаккир адаб, тўрт нарсага қараб иш туттил: биринчидан ниятни рост қилиб, топшириқни бажар, шоҳ душманини душманинг деб бил, иккинчиси — хизмат мавридини билиб, ишни бажариб, яна ҳеч нарса қилмагандай тур, учинчиси — «яхши-ёмон дема сўз, эл яхшию ёмонига солма кўз», тўртинчиси — агар ранжу алам кўрсанг ҳам, «шарти адаб сақлаб», ёмон-яхшига кўнгин.

Навоий кузатишига кўра, мана шу шартларни бажариб юрган хизматкорлар шоҳлар саройида узоқ яшай олган «давлат ахтари ёруқлиқ» сочиб, хурсанд бўлган. Яъни ўз мартабасини билиб, шоҳнинг индамас содиқ қулига айлана билган. Хизматкор қулликни унута бошласа — хиёнат қилган деб топилиб, боши кесиларди. Навоий бунақаларни кўп кўрган. Умуман, бу «насиҳатлар» фақат феодал шоҳлар, сultonлар хизматида эмас, балки ҳар қандай «юқори лавозим»даги шахс хизматидаги одамнинг ёзилмаган қонунидир. Бундай одамларнинг табиати, хулқи ва рафтори ҳам шу хизматларига яраша бўлиб, улар умрларининг охиригача одамлардай очилиб-ёзилиб яшолмайдилар, элга қўшилолмайдилар ҳам.

Алишер Навоий боб охирида пирга қўл берган дарвишлар ахлоқ-одобини ҳам баён этиб ўтади. «Фақр уйига» қадам қўйган одамнинг бутун илон-ихтиёри пир қўлига топширилган, шунинг учун у пир нима деса шунга кўниб, азобларга индамай, тавозе билан итоат қилиши шарт.

Етса ғаму ғусса юки тоғдек,
Бўлмоқ анинг остида туфроқдек.

Ҳаёй, хоксорлик, итоаткорлик — дарвиш одобини белгилайдиган хислатлар, дейди Навоий.

Алишер Навоийнинг адаб хусусидаги фикрлари «Маҳбубул-қулуб»да яна ҳам соддароқ ифодаланган.

«Маҳбубул-қулуб»нинг иккинчи қисмига кирадиган олтиинчи боби «Тавозуъ ва адаб зикрида» деб номланган. Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» достонида ифодалаган фикрлари бу ерда ривожлантирилган. Агар «Ҳайратул-аброр»да шеър тили билан, ҳикматнамо байтлар қанотида адаб қоидалари баён этилган бўлса, «Маҳбубул-қулуб»да афористик насрый жумлалар орқали ўз насиҳатларини тақдим этган. Навоийнинг ўзаро қофияли насрый гаплари халқ мақолидай маъноли ва эсда қоладиган. Масалан, у баодоб одамнинг эъзозланиши, элга манзурлигини тъерифлаб, дейди: «Тавозуъ халқни киши муҳаббатиға шефта қилур ва улусни фоил маваддатиға фирефта қилур, Дўстлуғ гулшанида назорат гуллари очар ва ул гулшандин унсу улфат базмida турлук гуллар сочар». (Таржимаси: Тавозе, мулоийимлик одамларни муҳаббатга сазовор этади ва халқни фаолият эгаси — ўша тавозекор киши муҳаббатига гирифтор этади. Тавозе дўстлик гулшанида назарларни хушнуд этувчи гулларни ва ҳам шу гулшан яқинлик, улфат гулларини бошга сочади»).

Шундай қилиб, одобли, хуштавозе одамлар кўпчиликнинг ҳурматига сазовордирлар, улардан яхши дўст, бамаъни улфатлар чиқади, деб ишонтиради Навоий. Одобли одамлар душманларни ҳам ром қила олиши мумкин, душман кўнглига ҳам йўл топа олади. Тавозели кишининг такрор муомалалари уятсиз, ҳаёсиз мутакаб-бирларни ҳам инсофга келиб, яхши йўлга қайтариши мумкин. Хуштавозе кишилар бирорга бир дирам бермай, хурсанд қила оладилар, уларнинг ширин тили дилга қувват, нозик ҳаракати руҳга мадад. «Адаб кичик ёшлиқларни улуғлар дуосига сазовор этар ва ул дуо баракати била умрдин бархурдор (баҳраманд)». Одобли бола киши кўзига улуғсифат кўринади, меҳру муҳаббатингиз ортади. Бундай ёшларга бехуда, ёмон кўз билан қарашдан одамлар ўзларини сақлайдилар. Одоб муҳаббатнинг пайдо бўлиши ва тараққий топишида аҳа-

мияти катта,— дейди шоир. Чунки муҳаббат — ўзаро ҳурмат асосида вужудга келади. Барча ошиқ-маъшуқларнинг қиссаси бунга мисол. Лайли ва Мажнун орасидаги, Вомиқ билан Узро орасидаги, Фарҳод ва Ширин орасидаги муҳаббатни олиб кўринг, уларнинг назокатли муомаласи, мулоқотлардаги хуштавозелик юз чандон ишқни кучайтирмадими? Шоирнинг бу мисолларидан шуни англаб оламизки,— одобни, тавозени кенг маънода тушунган, уни инсон зотининг ҳаёт тарзи, хулқ-рафторига асос қилиб кўрсатган. Навоий хуштавозеликка қарама-қарши қилиб, манманлик, қўрслик ва такаббурликни тилга олади. Унинг назарида бундай одатлари бор кишилар яхши одамлар эмас. Шоир шуни ҳам зукколик билан қайд этадики, одобу тавозе — кишининг ўзини ерга уриши эмас, балки ўзгаларни ҳурмат қилиши, одамийлик равишини пухта эгаллаганини билдиради. Камтаринлик, хоксорликни мутеълик, лаганбардорлик деб юрганлар адашади. Аксинча хоксор одамларда ички инсоний ғурур, ўз қадрига ва ўзгалар қадрига етиш устун ривожлангандир. Хоксорлик кўп ўқиш, кўп билиш ва ҳикмат — донишга эҳтиром белгиси:

Ақлу ҳикмат ишидир бўйла маошу ойин,
Қайда топқай муни ҳар нафспарасту худбин.

Манманлик эса — нодонлик ва худпарастликдан келиб чиқади («худписанд — нохирадманд... Мутакаббир — малъун, худпараст — бутпараст»).

Хўш, Навоий айтган «худписанди нохирадманд»лар ҳозир, бизнинг давримизда камми? Турли мансабларни эгаллаб олган, чаласавод, калтабинлар турғунлик даврида мамлакатимиз ривожига қанчалик зиён етказди. Улар қофозбозлик, ёлғончилик, бюрократизмни, буйруқбозликни авж олдирдилар. Илм аҳли ҳалол, мулоҳазакор, хоксор одамларни оёқ ости қилдилар. X. Дехлавий ва Алишер Навоий назарида хунук кўринган, улар-

нинг лаънатига сазовор бўлган паст хислатларга қарши кураш ҳозир ҳам давом этиши керак. Одобилик — бу келишувчилик, лаганбардорлик эмас. Бу — ҳаммага яратадиган яхши хулқ бўлиши керак. Лаганбардор ўзидан катта амалдаги одамга тавозеда бўлса, ўзидан кичикка такаббур, зуғум қиласидиган, беписанд қарайдиган бўлади. Ҳоксор одам эса шоҳу гадо, амалдору беамалга бирдай муносабатда бўлади, одамларни одамлигига қараб қадрлайди.

Алишер Навоий «Маҳбубул-қулуб»да худпараст мутакаббирларга танбеҳ берар экан, уларнинг тоифалари, қилиқлари ва психологиясини ҳам очиб кўрсатишга ҳракат қиласиди. Хупписандларни Навоий умумлаштириб, икки группага бўлган. Биринчи группага у ўзининг но мақбул аҳволига кўнган, аммо ундан қутуолмаган кишиларни киритган. Бундай кишилар «ўзининг аҳволи ва афъоли» элга ёқмаса ҳам ўзлариға «маҳбубул марғуб кўрингай» ва улар шу билан қаноатланадилар. Аммо шундайлар ҳам борки, бу одамлар «жамии ҳолоти ва нохуш хаёлоти»ни писанда ва шоиста ҳисоблаб, ўзларини энг азиз ва муҳтарам кишилар қаторида кўрсатиш ва bemaza қилиқларини манзур, маъқул фазилат ва жар солишини канда қилмайдилар, бошқаларни шунга кўндиromoқчи бўладилар. Навоий буларни иккинчи группага киритиб, энг хавфли ва жамиятни бузувчи нохуш кишилар деб баҳо беради. Улар, дейди адаб ғазабланиб, бири ўзини ҳуснда Юсуфи Қанъакий, иккинчиси мусиқа ҳунарида Юсуфи Намангоний қилиб кўрсатишга интилади: лақма сұхбатларини жон озиғи, bemaza ашъорини Салмоннинг қасидасидан баланд деб мақтаниб юрадилар. Жаҳолат шунча, фаросат шу қадар! «Ҳақнинг ҳеч амриға бўюн қўймағай ва шаётининг барча буйруғин бажо келтиурдин тўймағай». Худпараст, беҳаё одамдан ҳар нарсани кутиш мумкин, чунки уларнинг кўпи ношаръий, ифлос ишлар билан шуғулланиб, бадном бўлдилар. Бироқ, афсуски, шунда ҳам ақлу ҳуши жойига

түшмайды, такаббур, кибр отидан ерга құнмайды, булар. Алишер Навоий бундайларнинг күпини ўз күзи билан күрганини, аскар қисмiga насиҳатлар қилгани, аммо фойда бермагани, охир-оқибатда улар насиҳат қилувчи азизларни ҳам ҳақорат этиб, дилини раңжитганини ёзған. Бу мурдорлар кирган уй ҳаром, бу «нохуш меҳмонлар» ҳозир бўлган базмхона азахонага айланади, дейди шоир. Уларга гапирган одам балога қолади. Мана улуғ инсонпарвар, инсонсевар адаб инсон шаънига номуносиб қилиқли кишилар ҳақида алам билан нималар ёзганини эшитинг: «Бу худписанди бадкирдор ва бу лаванди мурдор бу палид мажлисидаким, зиндан андин яхшироқ ва бу нажс маҳаллидаким, муствароқ (ҳожатхона — М. М.) андин арироқдур (тозароқдир. М. М.) агар илайидин кекирса ва кейинидин ўзга ел секрса, ўз қошида маҳбублиги ул мартабада ва ўз афъолининг ҳублуғи ўз олида ул масобадаким (марtaba, даражадаким — М. М.) тамай буким базмдағи ҳозирлар ва бу аҳволу афъолига воқиғу нозирлар бу воқеъ бўлғон ҳаракатнинг ҳам унинг диллисанд деғайлар, ҳам ройиҳасин димоқға судманд. Бу қабойиҳни (қабоҳатни) киши анга айта олмағай ва айта олғоннинг сўзига қулоқ солмағай ва эшитса ҳам мусаллам тутмағай (иқрор бўлмайди.—М. М.) ва номулоим ишини ўз «шариф зотига» ёвутмағай. Носиқға (насиҳатчига — М. М.) изо ва қасд этгай ва бу насиҳатдин анга кўп мазаллат етгай. Бу навъ кишики, анча мундоқ бўлғай кирдор ҳоло бу даврда мавжуд ва ҳозир бор».

Ғазаб ва нафратнинг шиддатини қаранг! Одам ҳайвоний белгилар, ношоиста, номаъкул қилиқлари билан мақтанса, буни фазилат деб керилса, яна бошқалар уни мақтаб турса. Ахир, бу нозиктаб, қалби рубоб торидай нозик шоирнинг ғазабини келтирмайдими? Алишер Навоий ифлос табиатли, ҳайвонсифат кишининг нафратли портретини памфлет қилиб чизиб беришдан ташқари, шундай мансабдорларга ҳайбаракаллачилик қиладиган

ялоқхўрларнинг устидан ҳам ғазаб ўтини сочган. Энг муҳими шуки, шоир бундай кишилар «бу даврда мавжуд ва ҳозир бор» деб таъкидлайди ва ўз сўзларининг беҳуда эмаслигини уларнинг аниқ «прототип»лари борлигини баён этган. Бу одамлар ичида амалдорлар, номи чиққан кишилар, «баъзи азизлар» ҳам бор, деб маҳсус таъкидлайди улуғ адиб. Хуллас, инсон нафосати, баланд табиати билан ҳам инсон. Қоринни ҳар хил таомлар билан тўйдириб, ҳайвондай кекириб юриш, ағнаш, ювинмасдан, сассиқ ҳид босиш, кишининг таъбини хира қиласиган қилиқлар кўрсатиш — булар одам боласига муносиб эмас, бундан ҳазар қилиш керак. Одамсевар, нозикмижоз Навоийнинг талаби шунаقا. Биз Хондамир, Восифий ва бошқа замондошларининг асарларидан биламизки, Навоий ғоят табиати нозик, поклик, хушхулқлик ва ўта назокатли кишиларни яхши кўрган, лутфкарам, сўз маънолари билан завқланишга мойил бўлган, ўзи ҳам жуда нозикмижоз одам сифатида ном қозонган. Шу сабабли у «Маҳбубул-қулуб»даги «танбек»ларида ҳаё, ҳилм, карам каби сифатларга алоҳида урғу бериб таърифлади. «Қарам ва муруват ота ва онадурлар, вафо ва ҳаё — икки ҳамзод фарзанд», деб ёзади у. Вафо ва ҳаёни эгизак деган шоир буни асослаб «вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ» деб яна ўтиклирлаштирган. Демак, бу тушунчалар бир-бирига жуда вобаста. Чунки маърифатли, комил инсонлар ҳаёли ва вафодор кишилардирлар. Вафосизнинг жабри қанча бўлса, ҳаёсизнинг шаллақилиги, бетга чопарлиги, беандешалиги ҳам шунча озор келтиради: шоир буни ўзи бошидан ўтказган: «Замон аҳли бевафолигидин кўксумга туганлар ва даврои ҳайли беҳаёлигидин бағримда тиканлар... ҳар қайсиға рақам урай десам Айоб сабри анча вафо этмас ва қалам сурай десам, Нуҳ умрида тамомга етмас».

Шоир алам билан ёзади:

Ё марҳамат ул хайли ситамкорага бергил,
Ё сабру таҳаммул мени бечорага бергил.

Шу каби ҳилм, яъни ҳалимлик ҳам Навоий назарида кишининг мақбул сифатидир. «Ҳилмни ҳаводис дарёсида кишилик кемасининг лангари деса бўлур ва инсоният мезони тошифа нисбат қиласа бўлур». Демак, ахлоқий камолот учун мулоим, ҳалим бўлиш ҳам зарур. Аммо, афсуски, дейди Навоий, замон бундай одамларга муносиб эмас. Ҳалим одамлар хору саргардон: «Елдек ҳар эшикдин кирагра орлари йўқ, ўтдек оташ доилиғдин ўзга шиорлари йўқ». Ҳалимларнинг «камчилиги» шуки, улар ростгўй, ҳақталаб бўладилар, қасрга борсалар ҳақиқатни айтадилар, бу эса аксар одамларга ёқмайди: «Ҳақгўй қушнинг тамкин билан зикр айтири қошида қарлуғочнинг бомалол янгшамоги малолат келтирур». «Аммо ел агар кўкка етсун — сабукбордур ва бемиқдор (беқадр — M. M.) ва тоғ агар туфроқقا ботсунки, соҳиб виқордур, ҳилм шиор». Шундай бўлгач, бари бир ҳақгўй, батамкин одамнинг қадри баланддир.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, Амир Хусрав ҳам, Алишер Навоий ҳам одоб-хулқ масаласига, кишининг ахлоқий сифатларига катта эътибор берганлар. Ҳар икки шоир ҳам яхши хислатлар, одамийлик сифатларини улуғлаганлар. Аммо, бу нарса, бизнинг назаримизда, Алишер Навоийда Хусрав Деҳлавийга қарандан ҳаётийроқ, реалроқ асосга қурилган ҳолда намоён бўлган. Навоий конкрет мисол келтиришни, кўрган-кечиргандарига қараб гапиришни хуш кўради. Қискаси, яхши одоб, яхши хулқ-саодат калити. Шоирларнинг фикри шу.

ҚАНОАТ БОБИДАКИМ...

Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий қаноатни инсоннинг муҳим ижобий хислати ҳисоблаб, бу ҳақда кўп қимматли фикрларни айтиб ўт-

ганлар. Инсон ўзини тийиши, тақводор, ҳалол бўлиши керак. Қаноатга чақиришнинг социал сабаблари бор эди. Султон ва унинг атрофидаги аъёнлари, амирлар, бойлар, руҳонийлар бойлик, мол-мулк учун талашиб-тортишиб, қабиҳ ишларга қўл урадилар, талончилик, зулму ситам, ҳаромхўрлик ҳам ўз нафсини тия билмаслик оқибати деб қаралган. Агар ҳамма одам фақат ўз яшашига лозим бўладиган нарса билан қаноатланса, қолганини бошقا муҳтожларга бўлиб берса, тенглик, биродарлик қарор топади, деб ўйлаган гуманист шоирлар. Қаноат зарурий ахлоқий категория сифатида тарғиб этилиб, у ҳалоллик, тақво, карам, саховат тушунчалари билан бирга олиб қаралган.

Амир Хусрав «Матлаъул-анвор» асарида қаноатни сабр, тақво, ҳиммат тушунчалари билан биргаликда талқин этади.

Сабр чу ганжаст ба кунжи хароб
Рав, ки туйи мунъими комил нисоб.
Мард тавонгар ба сабурий бувад,
Лек иа сабре, ки зарурий бувад.

(Сабр харобадаги ганж-бойлиkdir, Сен шу неъматнинг ҳақиқий эгасисан. Инсон сабр билан кучлиdir, аммо бу сабр зарурий, сохта бўлмаслиги керак).

Сохта сабр-қаноатли кўринишга интилган одам ташқаридан қараганда осойишта кўринса-да, аммо ич-ичидан олтинга ўчлиги билиниб туради — илоннинг, ахир, оёғи кўринмайди-ку, у терисининг ичидаги. Зар-олтин одамга бахт келтирмайди, аслида у бир безак, холос. Нафс ўйлига тушган одам шамолдек беқарор ва беҳаловат бўлади, ҳар қандай ифлос кўчага ҳам кириб кетаверади. Қишини ҳаромдан сақлайдиган сабру қаноат:

Баҳри ҳароме чи дави ҳийлапок,
Баре агар так зани аз баҳри пок.

Пок наёбад тани осудаҳол,
Ранжкаш онрост муссалам ҳалол,
Тийратар он хона, ки ганжаш фузун,
Поктар он луқма, ки ранжаш фузун.

(Хийла, қўрқув билан ҳаром учун бунча югурасан, ҳалол учун ҳам бир марта югурсанг-чи! Аммо осуда, хотиржам яшайман деган одам пок бўлолмайди, ҳалоллик ранги — азоб чекканлар насибасидир. Уйда ганж қанча кўп бўлса, у шунча қоронғи — дилгир бўлади, луқма — нон қанча кўп ранж билан қўлга киритилган бўлса — у шунча ҳалолдир).

Бу мардона, жасоратли фикрлар ўша замон учун бағоят аҳамиятли эди, балки бизнинг замона учун ҳам бу аҳамиятини, актуаллигини сақлаб келмоқда. Икки жиҳатга диққатни қаратиш ўринли: биринчиси шуки, шоир «зар толиблари»нинг мол-мулкини ҳаром деб эълон қилиш билан шоҳлар, султон — амирлар хулласи калом ҳамма аслзода синфнинг ҳаётини ҳаромхўрликдан иборат деб эълон қилган. Зеро уларнинг барчаси ҳам олтинга сажда қиласидиган, олтин қудратига таяниб, ҳалқни талайдиган кишилар эдилар. Олтинсиз на шоҳнинг тахти, на вазирнинг кўшки барқарор. Бутун жангу жадаллар, юриш — жаҳонгирликлар олтин учун, ганж — хазина йиғиш учун эди. Амир Ҳусрав буни нозик бир тарзда олтин-ганжнинг касофатини айтиш билан зукко ўқувчилар фаҳмига етказа олган.

Иккинчиси шуки, шоир ганж — бойлик эгаларини баҳтсиз кишилар деб атайди, бойлик қанча кўп йиғилса, у шунча зулмат — бадбаҳтлик келтиради. Демак, шоҳлар ҳам, унинг гумашта ҳамтовоқлари ҳам туну кун маишат билан кун кўрсалар-да, бироқ баҳтли одамлар эмаслар. Ва учинчиси — ганж топишдан кўра сабр-қаноат қилиб ҳалол яшаш мушкул, деган фикр олдинга сурлади. Ҳалол яшаш, ҳалол, пок бўлиб юриш қийин. Бу — энг катта қаҳрамонлик, мардлик. Осуда, виждон-

сиз, имонсиз одам ҳеч бир қийинчиликсиз яшайверади, лекин пок яшайман, деган одамнинг йўлида минг хил ғовлар пайдо бўлади. Чунки пок яшашга ният этиш, аввало, ўзини дунё неъматларидан чегаралаш, оз нарсага кўниши демак.

Зар тўплайман, бойлик йигаман, деган одам ё зулм-ёвузлик билан, қатл-ситам билан бошқалар мулкини горат қиласди, ё зўравонларга сифиниб, тубанлашиб, ялиниб-ёлвориб, тама-тиlamчилик билан қулдай хўрланиб яшайди:

Хожа, ки донад равиши зиндаги,
Бар дари дукон накунад бандаги.
Дорад аз он сои чу худро азиз,
К-аш набувад гандуми султон бачиз..
Ноне агар ҳаст мұяссар зи жав,
Аз пайи лавзинаи дунон мадав.

(Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган киши, пастрларнинг эшигида қуллик қилмайди. Ўзининг қадрини билган одам султон буғдойи бежиз эмаслигини англайди. Арпа нонинг бор бўлса, пастрларнинг ҳалвоси орқасидан югуриб юрма).

Яъни инсоннинг қадр-қиммати, шарафи мол билан, қанча кўп олтин-зар тўплагани билан белгиланмайди, балки ҳалоллиги, одамшавандалиги билан ўлчанади, дейди X. Деҳлавий. Тама одамни пастга уради, қадрини кеткизади. Бутун олам, унинг неъматлари, гўзаллиги, еру осмон, дов-дараҳт, ою қуёш инсон хизматида, инсон учун муҳайё этилган бўлса-ю, инсон яна нафси бадлик қилиб, ўзининг қадрини кеткизса, бу ахир бемаънилигку, дея ачинади улуғ шоир. Дунё, унинг бойликлари ўткинчи, инсон бу бойликларни бир восита, яшаш воситаси деб билмоғи, инсоний шаъну шарафни оширишга хизмат қилдирмоғи даркор, наинки ўзи шу мол-мулкнинг, арзимас ашёларнинг қулига айланса!

Албатта, қаноатга даъват этиш кишиларни курашдан четлатиш; мулкдорларнинг молига тажовуз қилмаслик, «бергани билан шукр қилиш», тақдирга тан беришга ундаш ҳам эди. Яъни бир томондан, бойлик, олтин-кумушга нафрат, иккинчи томондан, эзувчи синфлар, сарватдорлар «насибаси»га шерик бўлишдан тийиниш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш... Ўтмиш мутафаккирлари ижодидаги зиддиятли моментлардан бири бу, албатта. Шундай бўлишига қарамай, Хусрав Деҳлавийнинг қаноат ҳақидаги қарашлари замирида одамийликни ҳимоя этиш сезилади. Бу эса биз учун муҳим. У Саъдийга ҳамовоз бўлиб, баднафс кишини ҳайвон билан тенглаштиради. «Меъданинг тўлиши билан ғамдан фориғ бўладиган киши одам эмас, жонвор — ҳайвондир», дейди у тўғридан-тўғри. Одам маънавий эҳтиёжлари, дард-ғами билан одам. Нафс ҳирси — бир оташ, у оламни ёндириши мумкин.

Мард, ки ҳирсаш бувад аз ҳад бурун,
Зинда равад зеризамин сарнигун...
Он, ки дилаш кўр шуд аз ҳирси мол,
Фарқ надонад зи ҳарому ҳалол.
Гоҳ ҳуриш дар даҳани мокиён —
Дона ҳамон асту палиди ҳамон.

(Ҳирси ҳаддан ошган одам тириклигида ер остига кириб кетган бўлади... Мол ҳирсида кўнгли кўр бўлиб қолган одам ҳарому ҳалолнинг фарқига бормайди, зеро товуқ оч қолганда буғдой донаси билан ахлатдаги ифлосликларни ҳам қўшиб еяверади).

Амир Хусрав баднафслик, ҳирсни ана шундай ғазабкор оҳангда қоралаган. Бундай ҳирс одамни истаган кўчага етаклаши, истаган номақбул ишни қилишга, ҳар қандай тубан одам қошида сажда қилишга мажбур этиши мумкин.

Қаноат қилган одам эса бировга қарам бўлмасдан, ўз эркини, кадр-қимматини нафс тузофига туширмай

яшай олади. Султон бойлигига хавас — султонга банда бўлиш, султон шавкатини писанд қилмаслик, ақл-хушни ишлатиб, ҳалол меҳнат билан пок яшаш, ўзига ўзи султон бўлиш. Мана шу ғоя X. Деҳлавий томонидан турли тарафдан талқин ва тарғиб этилади.

Шоир шоҳ шаробидан осойишталик сувини афзал билади, ҳалол камбағални ҳаромхўр мулқдордан устун қўяди ва камбағаллик билан поклик ҳамиша опа-сингил деган фикрни олға суради. Шу асосда X. Деҳлавий тақводорлик, зоҳидликни ҳам оқлаб чиқади. Тақводор кишилар — диёнатли, вуждонли одамлар, уларнинг узлатга чекиниши ана шу ҳаромхўр сарватдорлар, ҳалқ молига кўз олайтирган кимсаларга исёни, норозилиги, дейди у.

Қаноат ҳақидаги еттинчи мақолатдан сўнг келтирилган ҳикоятда ҳам шоир ўз қараашларини қувватлантирувчи далиллар топади, қаноат тақвода ҳам сидқу ростлик бўлиши, риё аралашмаслигини талаб этади.

Амир Хусрав хасислик, очкўзликни ҳам ёмон хислатлар қаторига қўшиб, бунга қарама-карши сахий одамлар одатини шарафлаган. Мол-мулкни тўплаб, бировга бермасанг, ўлганингдан кейин душманингга қолади, чунки уни гўрга олиб кетолмайсан. Дунё ҳаммадан қолган. Бу ерда у Низомийнинг «Сулаймон мулкини истама, қани у, мулк турибди, лекин Сулаймон йўқ», деган фикрларини давом эттиради.

Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» достонида ҳам қаноат фазилатига бир боб бағишлиланган (еттинчи мақолат). Ўзбек шоирининг назарида қаноатли кишининг мартабаси шунчалик баландки, у тангри олдидаги энг азиз ва мўътабардир. Қаноат — жаннат сари элтувчи қанот, дея сўз бошлайди, Навоий. Қаноат кишини қудратли ва бардам қилиб тарбиялайди, руҳингиз тетик, қалбингиз бутун бўлади. Қаноат қилган гадо — подшо, тамаъгир шоҳ эса — гадо.

Шоҳ ул эмаским бошиға қўйди тож,
Шоҳ ани билким, йўқ анга эҳтиёж...
Шоҳ бошининг шарафи тож эмас,
Англа ани шоҳки муҳтоҷ эмас...
Кимки қаноатдан эрур ҳужжати,
Яхши-ёмонға йўқ аниңг ҳожати...

Нега Навоий қаноат ҳақидаги бобда гапни шоҳдан бошлаган? Чунки қаноат шоҳдан бошланса бошқаларга ибрат бўлади, шоҳнинг баднафслиги, молпарастлиги салтанатни тиканзорга айлантириб, фуқарони оғир аҳволга солади. Шу боис мутафаккир шоир шоҳларни ҳам қаноатга чорлаб, саховат, карамни уларнинг асосий фазилати сифатида кўрсатган. Қаноатли шоҳ — тақвадор дарвешдай ўз нафсиning ҳокими бўлиши мумкин. Шоҳ шоҳ эмас, балки, қаноат мулкини эгаллаган одам — ҳақиқий шоҳdir:

Топса қаноат сори ҳар кимса йўл,
Шоҳ бу тақдир ила ул бўлғай ул.

Бу фикр Шарқ адабиётида узоқ асрлардан бери давом этиб келади. Навоийнинг қаноатли одамни подшолардан юқори қўйиши ҳам шоҳдай покдин дарвешнинг рутбаси баланд, деган илғор гуманистик ақидага бориб тақалади. Бу ҳақда Н. Комиловнинг «Шоҳу дарвеш — ҳикмати» мақолосида чуқур мулоҳазалар билдирилган. («Ёшлик» журнали, 1988 йил, 2-сон). Навоий «Ҳайратул-аброр»да қаноатли дарвешнинг шоҳдан устунлигини яна шу далил билан исботлайдики, шоҳлар тама, зебу зийнат, олтин-кумушга ўч, шу учун улар безовта ҳаёт кечирадилар, қаноат аҳли эса кўнгли тинч, осойишта. Шоир олтин-кумушнинг инсон ҳаёти учун бевосита ҳеч бир аҳамияти йўқлигини таъкидлайди. «Гашнаки, ул сув била истар фараҳ, қайда кирап кўнглига олтун қадаҳ», яъни сув ичиб чанқофини бостиришни хоҳлаган одамга

олтиндан ясалган қадаҳнинг нима ҳожати бор, дейди Навоий. Ошга сабзи-шолғом ўрнига безак учун олтин-кумуш солиб бўлмайди, дастурхонни нон ўрнига зумур-рад, ноҳӯт ўрнига зиру гавҳар қўйиб кишилар қорнини тўйдириш мумкин эрмас. Хуллас, Навоий фикрича, қимматбаҳо жавоҳиротлар ортиқча безак, холос. Бу фикр Шайх Саъдий ва X. Деҳлавийда мавжудлигини кўрдик. Навоийнинг улардан фарқи шундаки, у олтин-кумушни батамом инкор этмайди. Олтин-кумуш тўплаш одат экан, уни эзгу-хайр ишларга сарфлаш, саховат билан муҳтоҷларга тарқатиш лозим, дейди ўзбек шоири масалага конкрет ёндашиб. Масалан, у шу муносабат билан ёзади:

Кимки эрур маҳзани Қорун анинг,
Мулки Жаму тожи Фаредун анинг
Базл дебон ганж эшигин очмаса,
Фойдасиз дурру гуҳар сочмаса.
Фойдасиз қилмаса зоҳир карам,
Бермаса бир базлиға юз минг дирам
Очға емак берса, ялангочға тўн,
Юз тилаганларга мингу бирга ўн.

Демак, шоҳнинг қаноати саховатига эш бўлмоғи даркор. Аммо, ҳар ким ҳам бундай саховатга бардош беролмайди ва бундай саховатга умид боғлаб кун ўтказишнинг ўзи нодуруст. Навоий ушбу мақолатда сарф қаноати — сахийлик меъёри ҳақида ҳам тўхтаб ўтади. Чунки саховат чин кўнгилдан, табиатан келиб чиқадиган иш бўлиши лозим. Дабдаба, кўз-кўз, манманлик учун сахий бўлиш саховатга кирмайди. Дабдаба учун мол сарф этувчилар беҳуда талофотга йўл қўядилар, подшоларга тақлид қилиб, сахий бўлишни орзу этиб, қарзга ботадилар. Кейин қарзни ҳам тўлай олмасдан шарманда бўладилар.

Мунчау юз мунча етибон алам,
Лек анга бүлуб яна юз мунча ҳам,
Тарки қаноат ани айлаб жало,
Келтуруборон бошиға юз минг бало.

Қаноатдан юз ўғирган, «тарки қаноатни тарк этган» («жало» — тарк этиш демак) одам ҳаётда күп қийинчиликларни бошидан ўтказишини Навоий кузатиб-кўриб, шундай хулосалар чиқарган эди. Унинг фикрича, фақат ўз нафсини тийиш, тамагир бўлмаслик қаноат эмас, балки бор нарсани ҳуда-беҳудага сарфламасдан юриш ҳам қаноатга киради. Қаноат, шундай қилиб, меъёрда яшаш, ҳалоллик ва тўғриликдир.

Қаноатли одам ўз меҳнати орқасида топган бир бурда нонини шоҳ инъомидан устун қўяди. Демак, қаноат — энг олий ҳиммат. Буни Алишер Навоий «Ҳайратул-аброр» достонида келтирган Ҳотам ва ўтинчи чол ҳикоясида тасвирлаб кўрсатади. Ҳотам — афсонавий саҳий, унинг қўли очиқлиги турли асарларда муболага билан ҳикоя қилинади. Лекин Навоий сахрордан ўтин йиғиб келиб, уни сотиб, пулига тирикчилик қиласиган чолни Ҳотамдан устун қўяди, чунки чол Ҳотам эшигига бориб, унинг тухфаларига, садақа ош-нонига боқмайди, аксинча ўз меҳнати билан яшашни афзал билади. Маълум бўладики, Хусрав Деҳлавий байтларида ифодаланган фикр Навоийда «саховат боби»даги ҳикояда ифодаланган.

Қаноатнинг фазилати, инсон номини шарафлаши хусусида Навоий бошқа асарларида ҳам фикр билдириган. Жумладан, насрый йўсинда ёзилган ахлоқий асари «Маҳбубул-қулуб»да қаноатни тарғиб этувчи ўткир сўзлар анча «Ҳамида афъол ва замима ҳисол хосиятида» деб номланадиган иккинчи қисм «Қаноат зикрида» деган боб билан очилади. Қаноатни шоир инсоннинг энг ҳимматли, қадрланадиган хосиятли хислатлардан ҳисоблаган. «Қаноат чашмаедурким, суви олмоқ

билан қурумас ва маҳзанедурким, нақди сепмоқ била ўксурмас ва мазраъедурким, тухми иззату шавкат бор берур ва шажаредурким, шоҳи истиғноу ҳурмат самар келтуур» деб ёзади Навоий. Қаноатнинг акси — тама, тиланчилик. Тиланчи одам — баднафс, паст одам, ўз қадрини билмаган одам. Киши қорин учун бирорларнинг олдида ўзини ерга урса, ялтоғланса — бундан ёмони борми. Навоий замонида ҳам бундай одамлар кўп бўлгани аниқ. Тама деганда шоир гадойлик, очофатлик, очкўзлик, жаҳондан тўймаслик каби хусусиятларни назарда тутади. Шунинг учун фақат эшикма-эшик нон тилаган гадо эмас, бирорларнинг молига кўз олайтирган, босқинчлилек қилган шоҳ ҳам тубан одам.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Навоийнинг насиҳатлари қанчалик кучли ижтимоий мазмунга эга экани маълум бўлади. Қаноатга даъват этиш — ҳалолликка даъват этиш, меҳнатга даъват этиш, инсонлар жамиятида инсон бўлиб яшашни талаб этиш эди. Шу сабабли бу сўзларнинг ҳозир ҳам аҳамияти катта. Зоро, бизнинг замонда ҳам, афсуски нафси бузуқ кимсалар кўп. Улар ҳалол, тўғри яшашни касб этган одамлар ҳаётини ҳам заҳарламоқдалар — бадном этмоқдалар.

Навоийнинг фикрича, қаноат эркни, инсоний ҳуқуқни, иззат-икромни сақлашнинг тўғри йўлидир, шоҳ ҳам, гадо ҳам қаноатни тарқ этган одамлар, аксинча, қонеъ одам — шоҳлик ташвишидан ҳам, гадолик азобидан ҳам қутулади: «Улким, қаноатфа муътод бўлди (ўрганди) — шоҳу гадо тараддуидин озод бўлди». Фоят улуғ фикр, шоҳ ҳам — тиланчи, гадо, деган маъно бор бу фикр тагида! Чунки шоҳ ҳам баднафс одам, баднафс бўлганда ҳам баднафсларнинг энг каттаси. Навоий ана шунақа умумлашма хulosалар билан Хусрав Деҳлавийдан хийла олдинга ўзиб кетган. Қаноатнинг иккита душмани бор: бири — тама, иккинчиси — ҳирс. Ҳар иккаласи ҳам инсон руҳининг ашаддий емирувчилари, золим жаллодлар. Иккаласи бирлашиб одамни разолат ва лалму

лаинлик ботқоғига тортади. Ҳирсли одамда ор-номус ҳисси ҳам сўнган бўлади.

Ҳар кимки қаноат тарафи нисбати бор,
Барча эл аро тавозуу иззати бор.
Улким тамаъю ҳирс ила улфати бор —
Яхши-ямон ичра заллату накбати бор.

Хусрав Деҳлавий қаноатнинг биринчи шарти сифатида сабрни кўрсатган эди. «Ҳайратул-аброр» достонида сабр хусусида гапирилмайди, аммо «Маҳбубул-қулуб»да алоҳида боб ажратилиб, сабрнинг қаноат билан боғлиқлиги, қаноатли одам сабрли бўлиши зикр этилади. «Сабр — аччиғдур» деб сўз бошлайди Навоий. Бу халқ ибораси. Дарҳақиқат, сабру чидам оғирликларни енгиш, қийинчиликларга дош бериш демак. Навоий «сабр ко-сасининг таги олтин» деган ибора мазмунидан келиб чиқиб, сабрли инсонларнинг мақсадга муяссар бўлганлари, сабрсизларнинг орада — йўлда ҳалок бўлишлари мумкинлигини айтади. Боб охирида Навоий бир қизиқ ҳикоятни келтиради: бир нотавон кишининг кўнглига бир соҳибжамолнинг ишқи тушиб, уни изтиробга сола бошлайди. Бечора ошиқни туҳмат билан зиндонга ташлайдилар. Айбингга иқрор бўл, деб не-не азобларни унинг бошига солмадилар. Оқибат, бир куни миршаблар бечорани зиндандан қўл-оёғини боғлаб олиб чиқадилар ва ерга ётқизиб, «Бир қучоқ йиғоч анинг аъзосига ушоттилар». Аъзойи бадани шилинди, атрофга лахта-лахта қон сачраб, «Лолазор» пайдо бўлгандай бўлди. Аммо «мазлум мутлақо дим урмайди», иқрор бўлмади. Таёқ билан саваловчилар чарчаб колиб, чалажон ошиқни бир ёққа чиқариб ташлаб кетадилар. Калтакловчи «жафопешалар» кетгандан кейин «жафокаш» ошиқ оғзидан бир парчаланиб кетган дирам (чақа пул) чиқаради. Атрофдагилар бу аҳволни кўриб ҳайрон бўлдилар ва сабабини сўрадилар. Мазлумнинг жавобидан маълум

бүләдикى, уни калтаклаб жазо берәётганлари у күнгил берган одам бир гүшада бу воқеага гувоҳ бўлиб қараб турган ва буни бечора ошиқ сезган экан. Жабрловчилар уни азоблаётганда у дирамни оғзига солиб, ҳар бир калтак зарбидан жони оғриганда ўша тангага тишини босиб оларкан, тишни-тишга қаттиқ босишидан танга парча-парча бўлар экан. Буни маҳбуб кўриб турар экан. Шу боис у душманлар ёрини чалажон қилиб ташлаб кетгандан кейин унинг қошига келиб меҳрибонлик кўргузади, яроларига малҳам қўйиб тузатади.

Бу азоблар эвазига сабру чидами туфайли ул одам муродига эришди.

Кимки бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,
Бахт анинг кешини нўшу хорини гул айлади,—

дейди ҳикоят сўнгида Навоий. Шу тариқа, қаноат, сабр инсон иродасини чиниқтириб, бардошли, сабот-матонат эгаси қилиши мумкин. Қаноатнинг қудрати, шарофатини «Ҳайратул-аброр» достонидаги «Қонеъ жувонмард ила томеъ жаҳонгард» ҳикояси тасвирида ҳам яхши ифодалаб берилган.

Ривоят қилинишича, Форс вилоятидан икки ўртоқ Чин мулки сари йўлга чиқадилар. Уларнинг бири тангри қисматига қаноат қиласидиган, иккинчиси эса қисматига норози тамагир одам эди. Йўлда кетаётиб улар бир тошни кўрдиларки, унинг устига «кимки заҳмат чекиб, бу тошни ағдарса, унинг нариги бетида шу водийда хазина сақланадиган вайронанинг жойини билдирувчи битикка дуч келади» деган ёзувни ўқийдилар. Тошда яна «Ҳар киши бу ранждин ўлса йироқ, сабру қаноат баридан яхшироқ», деган сўзлар ҳам ёзилган экан. Қаноатли одам «қаноатим менинг ганжим» деб йўлида давом этади. Тамагир киши бўлса, ҳирсу ҳаваси қўзғаб, тошнинг тагини кавлашга тушиб кетади. Қаноатли одам йўл танобини тортиб, тонг-саҳарда биринчи бўлиб ша-

ҳар дарвозасидан кириб борса, уни тутиб олиб, шоҳ қилиб кўтарадилар. Чунки шоҳ ўлиб меросхўри йўқ эди ва ўша мамлакат удумига кўра, бундай ҳолда мархумнинг вафотидан кейин биринчи саҳарда шаҳарга биринчи бўлиб кирган одамни шоҳ бўлиши муқаррар эди.

Тамагир одам эрса, не мاشаққатлар билан тошнинг тагини ковлаб, уни бу ёнига ағдарганда, қуйидаги ёзувни ўқиди: «Хомтама даҳрда ранжур эрур», яъни тамагир одам бу дунёда фақат ранжу азоб билан яшайди.

Алишер Навоийнинг Амир Хусравдан фарқланадиган яна бир жиҳати шундаки, у қаноатни фонийлик, таркидунё қилиш билан ҳам боғлайди. Чунки унинг назаридаги ҳимматли, қаноатли одам «ойини фано кўзлаган» одам:

Эй хуш ул ойини фано кўзлаган,
Мулки қаноатда саро кўзлаган.

Бундай одам агар кўнглида боғ томошаси бўлса осмон-фалак гулшанига боқади, бу кўхна дунёниг бебаҳо ишларини мушоҳада этади, дунё ҳаммадан ҳам қолишини англаб етади.

Кўрса жаҳонни бир овуч хокча,
Туби ила сидрани хошокча.
Бермаса кўк қасриға вайронини,
Тоқи фалакка йиқуқ айвонини.
Пора юрак қони бўлуб қут анга,
Балки фараҳ қасбиға ёқут анга...

Яъни: «Дунёни бир ҳовуч тупроқ деб билса, жаннатнинг афсонавий дарахтлари — туби ва сидрасини хас деб ҳисобласа, қадрсиз билса, ўз вайрона кулбасини кўк қасридан йиқилаётган айвонини фалак тоқу равоқидан афзал ҳисобласа, унинг емиши бир парча юраги-

нинг қони бўлса, балки бу юрак парчасини шодлик боиси — ёқут ўрнида кўрса».

Шундай қилиб, ўзбек шоири бу ўринда Низомий Ганжавий қарашларини ривожлантириб, Низомий билан Хусрав Деҳлавий ғояларини қўшади. Чунки Низомийда қаноат ана шундай кенг фалсафий аспектда олиб қаралди. Қаноат, фақр, дарвеш тушунчалари, шу сабабли, Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» асарида бир-бининг ўрнини босадиган тушунчаларга айланиб қолган. Қаноатли одам бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам азиз, томе — тамагир эса хору залил — Навоийнинг асосий хуносаси шу. Мутафаккир адабининг ахлоқий қарашларидаги ижобий жиҳат, инсонпарварлик ғоялари ҳар бир бобда шу тариқа янги мантиқий далил, асос билан баён этилади.

ХУСРАВ АШЬОРИ УЗБЕК ХОНАДОНИДА

Хусрав Деҳлавий жуда катта адабий мерос қолдирган. У Шарқ адабиётида бешта шеърий девон тузган ягона шоирдир. Низомий «Хамса»сига жавобан бешта достон ёзишдан ташқари, ўз даврининг реал воқеаларига асосланиб, «Тўққиз осмон», «Хизирхон ва Дувалрони», «Қиронус саъдайн» («Бахтли юлдузлар учрашуви»), «Туғлуқнома» деган тўртта тарихий достон ва яна бир қанча насрый ҳамда шеърий асарлар муаллифидир. Бу улкан меросдан баҳраманд бўлиш, шоир куйлаган гуманистик ғояларни ўзбек ҳалқи орасида ёйиш учун албатта биринчи галда уни тилимизга таржима қилиш зарурати туғилади. Октябрь инқилобигача, Хусрав Деҳлавийнинг фақат битта асари — «Ҳашт биҳишт» ўзбек тилига таржима қилинган, аммо Оғаҳий қаламига мансуб бу таржима, афсуски йўқолиб кетган. Инқилобдан кейин бошқа шарқ шоирлари қатори Хусрав Деҳлавий асарларини таржима ва нашр қилишга эътибор қилин-

ди. Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1972 йилда шоирнинг асарларидан намуналарни Чустий, Васфий, Ш. Шомуҳамедов, Муродий ва Назармат таржимасида босиб чиқарди. 1973 йилда Ш. Шомуҳамедов унинг асарларидан ҳикматли байтларни териб, тартиб бериб «Ёш гвардия» нашриётида чол эттириди. Ш. Шомуҳамедов «Оинаи Искандарий»нинг ҳам бир қисмини таржима этди. У Амир Хусравдан қилинган олдинги таржималар билан бирга 1979 йилда Ўзбекистон КП МҚ нашриётида босиб чиқарилган. Бу таржималарнинг Амир Хусрав асарларини ҳозирги китобхонларга етказишида ўйнаган роли шубҳасизdir. Фазаллар таржимасида Чустий ва Васфийларнинг ижодий меҳнатини алоҳида қайд этмоқ лозим, ўзбекчада хийла чирайли чиққан хусравона ғазаллар бор. Масалан, мана бу байтларни олайлик:

Жонимда йўқ ором, менинг ороми жоним қайдадур?
Ҳажри нишондур фитнадин, фитнанишоним қайдадур?
Атрин сочиб келди баҳор, сунбул униб юз минг қатор,
Дашт ила саҳро майсазор, сарвиравоним қайдадур?
Кўп йиғламоқдин лойда тан, дўстлар аро шармандаман,
Жондин ҳалос бўлди бадан, жони жаҳоним қайдадур?..

Қандай равон, ҳузурбахш байтлар, «Ҳинд сеҳргари»-нинг дардли овози жаранглаб турибди. Оригинали билан солиштирсан, фикримизга ўқувчилар қўшилади, деган умиддамиз. Мана ўша ўзбекча жарангдор байтларнинг форсий асл нусхаси:

Жони ман аз ором рафт, ороми жони ман кужо?
Ҳажрам нишони фитна шуд, фитна нишони ман кужо?
Омад баҳори мушкдам, сунбул дамиду лола ҳам,
Сабза ба саҳро зад қадам, сарви равони ман кужо?
Аз гирья мондам по ба гил, дар дўстон гаштам хижил,
Жон аз жаҳон бигсист дил, жони жаҳони ман кужо?..

Диққат қиласа, «айнан», аниқ ўгирилган байт ҳам, ибораларига ўзгариш киритилган, яъни «эркин» ўгирилган байт ҳам мазкур таржимада бор. Лекин бу мутлақо билинмайди.

Ражаз баҳри кучли ҳаяжон, алам-ҳасратни бўрттириб ифодалайдиган баҳр. Мазкур ғазал ҳам шу баҳрда ёзилган. Ҳусрав Деҳлавийда бу баҳрда яратилган ғазаллар кўп. Васфий ва Чустий аксар ўринларда ғазалларнинг ўзига хос вазн-оҳангни, ритм-интонацияни айнан сақлаб қолганлар. Бу ўринда шуни таъкидламоқчимиизки, ғазал шеърий жанрлар ичида шаклий белгилари қатъий белгиланган мумтоз тури бўлгани каби унинг таржимаси ҳам шеърий таржиманинг энг қийинидир. Таржимашунос олимлар Файбулла Саломов ва Нажмиддин Комилов «Дўстлик кўприклари» номли китобларида (Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.) ғазал таржимасининг ўзига хос талаблари, мушкилликлари ҳақида кенг тўхталганлар. Уларнинг фикрича, ғазални ғазал қилиб таржима этиш учун таржимон — шоирнинг ўзи ғазалнавис киши бўлмоғи, Шарқ классик адабиётининг анъаналари, нозик санъатларини пухта эгаллаган бўлиши лозим. Дарҳақиқат, Васфий ва Чустий ўзбек шеърияти тарихида ғазал ёзиш билан ном чиқарган эдилар, уларнинг девонлари ҳам чоп этилган. Васфий домла бўлса тоҷик тилида ҳам кўп йиллар баракали ижод қилиб келганлар. Бу эса, шубҳасиз, уларнинг таржимасига таъсир этган. «Дўстлик кўприклари» китобида яна бир муҳим фикр бор: тоҷик ва ўзбек адабиёти бир-бирига жуда яқин, уларнинг анъаналари, ўхшаш поэтикаси бор. Жанрлар ҳам бир хил. Шундай бўлгач, ғазални тоҷик тилидан, масалан, рус тилига ёки қирғиз тилига таржима қилишдан кўра, ўзбек тилига таржима этишнинг қуладай имкониятлари бор. Шунга қарамай, бунда диққат қилинадиган жойлар, алоҳида маҳорат талаб қиладиган масалалар анча бор. Ҳуллас, масала яна келиб шоир

маҳоратига тақалади. Юқорида келтирган мисолимизда ана шундай маҳоратга мисол бўладиган яхши байтлар бор. Чунончи, охирги байтнинг иккинчи мисрасини олиб кўринг. Оригиналда: «Жон жаҳондан умиди узди, жоним жаҳондан дил узди, менинг жаҳонга татигулик жоним қани?» дейилган бўлса, таржимон уни «Жондан халос бўлди, жони жаҳоним қайдадир?» деб ўзбекчалаштиради. Бу чекинишми? Йўқ, бу чекиниш эмас, деб ўйлаймиз. Чунки ҳар икки ҳолда ҳам бир мазмун — ошиқнинг сабри тугагани, бетоқат бўлиши акс этган. «Баданнинг жондан халос бўлиши» — жоннинг чиқишини, фидо бўлишни англатгани сингари; жоннинг жаҳондан умидини узиши ҳам шу маънони англатади.

Хусрав Деҳлавий девонидан яна бир мисол:

Баҳри ту халқе мекашад ҳар сў мани бадномро,
Бас менаёбам, чун кунам, ваҳ ин дили худкомро.

Хусравнинг мазкур байт билан бошланадиган ғазали аввалги келтирилган мисолимиздай ражаз баҳрида ёзилган:

— Ражази мусаммани солим (саккиз марта «мустафъилун»). Лекин таржимада вазн ўзгарган. Масалан:

Сен учун эл ҳар томон судрар мени бадномни,
Қайдин излай ўз бошимча қалби беоромни.

Вазни: фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун — рамали мусаддаси мақсур. Бу ғазалнинг руҳига таъсир этганми? Бизнингча, у қадар эмас. Тўғри, интонация ўзгарган, аммо умумий мазмун ва пафос шоирнинг айтмоқчи бўлган фикри сақланган. Бу ҳам аниқ таржима.

Айниқса, Амир Хусрав «Мухтасар»идаги мана бу ғазал ўқувчи қалбига ғулғула солмай иложи йўқ.

Қўлдан кетиб қолди дилим, эй дилрабо додимга ет!
Тунларда ҳижрон жабридин бўлдим адо, додимга ет!
Токайгача жон олғувчи ҳижрон қилур менга ситам,
Гар боқмасанг менга агар, айлаб имо, додимга ет!
Тун кечалар тонг отқуча, ҳажринг ўтида ёнаман,
Доду фифоним ойгача чиқди расо, додимга ет!
Сенсиз, азизим, дилда ғам, ҳеч қолмади сабру қарор,
Бўлди жигар ҳам чок-чок, қылғил даво, додимга ет!
Жон олғувчи ул икки кўз олди жаҳон жоним бутун,
Хусрав жонига етмайин икки бало додимга ет!

Шоирнинг ғазалларида акс этган лирик туйғулар ундаги умумий гуманистик ғояларнинг бир парчаси: фикрларнинг лирик оҳангда кўринишидир. Ғазалларда ҳаётсевар, ҳаёт гўзаллигига маҳлиё, ёр ишқида куйган ошиқнинг дил сўзлари мужассам. Лирик қаҳрамон ёрга садоқати, муҳаббат йўлида қийинчиликлардан қўрқ-масдан, керак бўлса, жонидан ҳам воз кечиб, висолга эришиш учун курашадиган одам. Инсон ишқ билан, садоқат билан улуғ, деган қараш ғазалларнинг асосий хуносавий мазмунидир. Мана, охирги мисолимизни кўринг. Қанчалик дард, қанчалик инсоний туйғу бор унда! Бундай юракнинг тубидан чиққан сатрларни ўқигандан ҳар қандай тош юрак ҳам эриб кетса ажабмас. Хусрав Деҳлавийнинг юксак маҳорати унинг юксак гуманизми, қайноқ ҳаётсевар нафаси билан қўшилиб кетган, унинг ғазалларининг умри боқийлиги шундан.

Шу каби тўпламдаги: «Керак йўқдир», «Бўлмади хуррам», «Бўлғуси», «Офати ақлу жон эрур», «Агар бўлмас эди зулфинг парешон», «Фифонни», «Фифону зор», «Қонлар равон бўлди» сарлавҳалари остида берилиган ғазаллар ҳам таржима санъатига намуна бўла олади. Тўпламда шоирнинг қитъя, рубойй, маснавий каби жанрларда ижод этган асарларидан ҳам намуналар бор.

Эй-ки, сен Хусравни дебсанки арузни билмагай
Мен арузга бўлмадим муҳтож ёзур пайти асар —

деб бошланади шоир қитъаларидан бири.

Унда шоир учун вазн қоидаларини билиш шарт эмаслиги, шеърни у «табъ ўлчовида ўлчаб» яратиши баён этилади. Қитъаларда Хусрав Деҳлавийнинг муҳим ахлоқий-ижтимоий ғоялари ифодалангандир.

Мана бу ақлсиз жоҳиллар, ё раб,
Бойлигу дунёдан этадилар ноз,

деб—бошланувчи қитъада «бошдан то аёғи бир қоп сомон» бўлган жоҳиллар, кеккайган амалдорлар ҳажв этилган. Қитъаларда олимлик фазилати, хушсуханлик, одоб, тавозе, ростқавллик хислатлари улуғланади. Порахўр қозилар, золим амирлар, дилозор шахсларнинг ишидан ўқиниш, надомат оҳанги ифодалангандир. Инсонларнинг гули, инсониятнинг шарафига кафолат берувчилар покдил «оқилу донолар»дир.

Оқилу донодан изланг яхши ахлоқу ҳусн,
Ким эшакдан одоб излар, ўзи ундан хору паст;
Ақлсизлар тарки одоб айласа, айб айламанг —
Гар Сулаймон таҳтига чиқса чумоли айб эмас.

Достонлардан олинган парчалар таржимаси ҳам ёмон чиқмаган. Шоирнинг ташбеҳ-истиоралари, ўзига хос нафис санъати, асарларининг теран маънолари ёрқин чиққан жойлар кўп. «Хизирхон ва Дувалрони» достонидан Дуволронининг Хизирхонга мактубидан (Васфий ва Ш. Шомуҳамедов таржимаси):

Ҳаловат сендаю менда малолинг
Фароғат сендаю менда хаёлинг.
Қилурсан тун бўйи сен айшу роҳат

Тонг откунча чекарман ранжу кулфат
Сену гулчехралар кайфу сафоси,
Бу ердаман, фироқинг мубталоси?

Ошиқ-маъшуқларнинг бир-бирига муҳаббати, Дуворони хитобномасининг тазод санъатида битилган ҳаяжонли-эҳтиросли мазмуни ўзбек тилида мавжуд. 1972 йилги нашрда «Мажнун ва Лайли»дан келтирилган парчани истисно этганимизда (Назармат таржимаси), қолган барча асарлардан намуналар аruz вазнида ҳар бирга хос оҳанг билан таржима қилинган. Албатта, бу таржималар Амир Хусрав шеърлари ўрнини бутунлай босиши даргумон. Хусравнинг асарлари оҳангга бой, фикрий парвозга баланд, байтлар содда, аммо санъаткорлик юксак. Фазаллар таржимасида ҳам, эпик асарлар ва қитъалар таржимасида ҳам камчилик — нуқсонлар бор.

Аммо, шунга қарамай, биринчи ўзбекча нашр сифат ва савия жиҳатидан кейинги нашрлардан устун туради. «Ёш гвардия» нашриёти чиқарган «Ҳикматлар»да, ЎзКПМк нашриёти чиқарган «Амир Хусрав Деҳлавий шеъриятидан» китобида ғализ байтлар, маъноси нотўғри ўғирилган мисралар жуда кўп. «Ҳикматлар» китобида шоирнинг асарларидан 571 байт танлаб олинган. Бу деярли битта достон ҳажмига teng. Улар орасида маъноси бирмунча дуруст чиққанлари бор. Чунончи, форсийда:

Дили осуда нашносад, ки ғам чист,
Ситам надида кай донад, ситам чист.

Таржимада:

Дили осуда не билсин аламни,
Ситам ҳеч кўрмаган билмас ситамни.

Ёки форсийда:

Як сафқа пур аз хулосаи шавқ,
Бехтар зи дусад китоби безавқ.

Таржима қилинган:

Завқу шавқу тұла ярим бет қоғоз,
Шавқсиз ёзилған юз китобдан соз.

Бирок, афсуски, бундай байтлар нисбатан озчиликни ташкил этади. Шоирнинг жарангдор, ярқ этиб хотирга ўтирадиган байтлари күпинча нұноқ, ғализ ва бетаъсир жуфт мисраларга айланиб қолған. Бу үринде шуни қайд этмоқчимизки, ҳикмат деганда фикр қаймоги, одамлар турмуши, ҳаёт чигалликларини обдон кузатиб ёзилған, бир фалсафий теран хулоса сифатида янграйдиган, бир ўқиганда хотирда нақшланиб, мазмун — маъноси кишиға сабоқ — ибрат бұладиган шоқ байтларни англаймиз. Улар мақолдай тил учиды юриши, суҳбатларнинг безаги бўлиши, ахлоқий-ижтимоий қараашларни тарғиб этиш, исботлашда ўткир, шаксиз далил бўлиб жаранглаши керак. Амир Хусравнинг аксар байтлари таржимада ҳақиқатан ҳам шундай қийматта эга. Улуг шоир инсон-севарлик ғояларини оригинал, эсда қоладиган ёрқин образларда чиройли қилиб ифодалай олган.

Масалан:

Сармоян марди макун гум,
К-аз мардй аст нури мардум.

Сўзма-сўз таржимаси: «Мардлик моҳияти — бисотини йўқотма, чунки одамийлик нури, халқ ичидаги зиё мардликдандир».

Ш. Шомуҳамедов таржимаси:

Одамлик моясини айлама ҳеч гум,
Фақат одамликдан нуроний мардум.

Биринчидан, моя, гум сүзлари кенг оммага тушунарли эмас, ҳолбуки ҳикмат оммага мұлжалланади. Иккинчидан «нуроний мардум» иборасида маъно йўқ. Натижада ҳикматга хос ёрқинлик, бевосита таъсир этиш хусусияти барҳам топган, зўрма-зўраки қофия, «бир амаллаб» гапни келиштириб, мисралар тузиш ҳоллари кўп учрайди.

Қисқа сўзлик, қара, не яхши ҳолдир,
Сергаклик эса дилга малолдир.

Қисқа сўзлик фазилат, хислат бўлиш, яхши хусусият, сифат бўлиши мумкин, лек ҳол бўлолмайди. Бу ерда оддий таржимага ҳам риоя қилинмаган.

Кўриб гардун ишидан айлагил фан,
Азим дарё қилур у қатра сувдан.

Гардун, яъни фалак сув қатраларидан қандай қилиб катта дарё ҳосил қила олади, деб ўйласиз? Балки, Хусрав Деҳлавий ёмғирни назарда тутаётгандир? Асло ундей эмас, мана асли:

Бубин то чанд гардуд чархи дўлоб,
Ки дарёе кунад аз қатраи об.

Яъни: Дулоб — чархифалакни қара, айланавериб қатралардан дарё ҳосил қиласи. Демак, шоир осмон (гардун)ни эмас, ўтган замонларда ариқ — дарёлардан сув чиқаришга мұлжалланган иншоот — сув чиқаргич, чархни назарда тутган экан.

Бундай маъноси нотўғри чиққан, бўш, заиф таржималар ҳикмат бўлиб жаранглаши амримаҳол, албатта. 1979 йилда «Шарқ классиклари меросидан» сериясидан чоп этилган «Хусрав Деҳлавий шеъриятидан» китобида ҳам яхши, маъноси ва бадиий ҳусни бир қадар сақлан-

ган таржималар билан ёнма-ён табни хира қиласынан мавхум ёки бадий ишланмаган хом таржималар бор.

Мен бир мискинману заифу бежон,
Күйибон қайнарман мисоли қозон,
Шомдан то тонггача, эртадан то шом,
Қайғу бурчагида тополмам ором.
Бу үжар таъбим деб үзим каби күп
Инсонлар қошида тек турибман хўб,
Ўз қонимни үзим ютмайнин, ҳечам
Бирорлар сувидан қўлим бўлмас нам.

Бу қитъада шоирнинг изтироби, руҳий ҳолати яхши ҳис этган. Ички дард, ижодкор шахснинг иродаси, эътиқоди китобхон қалбига сингиб боради.

Аммо фақат қуруқ мазмунгина берилиб, кишини жазб этувчи шеърий оҳанг ва латифликдан маҳрум таржималар мазкур китобда кўпроқ. «Искандар ойнаси» достонидан олинган қисм ҳам таржимада равон ва шавқ билан ўқилмайди. Шираси сўриб олинган, оддий воқеалар нақлига айланган. Қасида таржимасида эса қуйидагича ноўхшов, классик шеър талабига ҳечам яқин келмайдиган сатрлар учрайди:

Сеҳр сочгувчи қаламни ниқтабон (?) офтоб томон...
Қалби пастларга (?) бориб етмайди назмим гавҳари...
Осмонга гар оёқ қўйсам куярман меҳридан,
Тепкини нечук кўтарсин, бўлса гар қадди дуто...
Хусравийдурман сухан подшосига фармон берар...

Қасида шунаقا тумтароқли сатрлардан иборат қилиб берилган, бошдан охир ўқиб, бирон нарса англамайсиз.

Классик адабиёт намуналарини таржима қилишдан мақсад фақат уларнинг мазмунини бир илож қилиб баён қилиш, сўзма-сўз ўгирмалар билан саҳифаларни тўлди-

риш эмас. Бошқа тилда яратилган асарларнинг мазмуни билан танишириш, ўқувчини ўша асарда тасвирланган воқеалардан воқиф этиш учун таржимага мурожаат этишнинг ҳожати йўқ. Адабий-танқидий ишлар ёки насрый баёнлар ҳам бу вазифани уddaлаши мумкин. Муаллифнинг ўзига хос шоирона маҳорати ва бадиий санъаткорлиги, индивидуал услубини қайта яратиш, асл нусхада акс этган миллий, тарихий ва замон талабини, колоритини акс эттириш талаби таржиманинг асосий, энг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Булар эса мавхум тушунчалар эмас, балки оригиналда акс этган конкрет тарихий воқелик, айни асарни келтириб чиқарган, уни жаҳон адабиёти хазинасига узатган муҳит ва шу муҳит адабий-эстетик анъаналар билан боғлиқ фалсафий-эстетик концепциялар инъикосида ўз ифодасини топадики, таржимон бу омилларни четлаб ўта олмайди. Айниқса, шеър нафосати, форс классик шеъриятининг арузий таровати, оҳанги ўзбекча таржималарда янграши керак шекилли. Бўлмаса, биз Хусрав Дeҳлавийдай забардаст шоирнинг нафасини ҳис қилолмаймиз, унинг ўлмас ғояларини чуқур идрок этиб, баҳра ололмаймиз. Таржимашунос олим Файбулла Саломов ёзади: ...«таржимадан мақсад ўзгалар яратган санъат асарларини ўз андозамиз ва услубимизга солишигина эмас, балки улар яратган янги адабий шакллар, янги жанрлар, янги восита ва услубларни ўз адабий заминимизга соҳибкорларга хос дид ва тажриба билан авайлаб ўтиказиш, пайвандлаш билан бирга, азалдан маданий меросимизда мавжуд, аммо ҳозирда маълум сабаблар оқибатида узоқлашаётган, унутилаётган, лекин ҳаётбахш анъаналар, удумлар, воситалар, адабий жанр ва турлар, луғатларга ҳам янги ҳаёт нафасини пуркашдан иборат». (F. Саломов. Таржима ташвишлари. Faфур Гуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983, 64—65-бетлар).

Бу ҳаққоний талаб тұла-тұқис Хусрав Деклавий асарлари таржималарига ҳам тааллуқли. Улуғ шоир меросини яхшироқ үзлаштиришимиз учун, назаримда, янги, бадий жиҳатдан етук таржималарга әхтиёж бор. Бундан ташқари, асарларни парчалаб, айрим намуналаринигина тақдим этиш ҳам мақбул әмас. Амир Хусравнинг «Хамса»сига кирган достонлар, хусусан тарихий материалга асосланған соф муҳаббатни күйловчи асарлари тұлық таржима этишга арзиди, Шунда гуманист адебнинг үлмас ғоялари, қалб ҳарорати асрлар оша бизга етиб келиши, турмушимизни безаши мүмкін.

ҲАМОҚАНГ ҚАРАШЛАР ҚИММАТИ

Алишер Навоий ва Хусрав Деклавийларнинг бадий асарлари мазмун, маңнолар силсиласи ва умумий руҳи билан үзаро ҳамоқандык, уларнинг адабиёт, санъат, ижод ва ижодкорлар ҳақида билдириганның қарашларыда ҳам муайян яқинлик бор. Бу икки буюк зоттардың эстетик фикрлари ҳар бир үз даврининг адабий-танқидий қиёфасини ифодалайды ва шу билан биргә үзаро фикрий боғланиш жараёни, эстетик қарашлар ривожи давомийлигини ҳам акс эттиради.

Шуни алоқида қайд этмоқ керакки, Хусрав Деклавий ва Алишер Навоий Шарқ адабиети тарихида сермаңсул, күп қырралы ижодкорлардан саналадилар ва бинобарин, уларнинг шеър ва шоир, мусиқий, наққош, котиб меңнати ҳақида билдириганның фикрлари мұл-күл ва бу фикрлар ҳанузгача үз қиymатини сақладаб қолмоқда.

Алишер Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари адабиётшунослардан В. Абдуллаев, И. Султон, А. Ҳайитметов, Б. Валихұжаев, Ҳ. Қудратуллаев, Хусрав Деклавийнинг эстетик баённомалари М. Бақоев ва бошқа олимлар томонидан үрганилған. Аммо бу икки ижодкор

қарашлари қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинган эмас, ҳолбуки адабий қарашларни қиёсан тадқиқ этиш ижоддаги таъсирланиш, татаббуъ сабаблари, руҳий-ғоявий муштараклик манбалари — илдизларини чуқурроқ идрок этишга кўмаклашиши аниқ.

Амир Ҳусрав Деҳлавий форс классик шеъриятининг ҳамма жанр ва кўринишларида, шунингдек насрый жанрларда ҳам қалам суриб, бемисл маҳорат кўрсатган ижодкор. Шу билан бирга у адабиёт назариётчиси ва фаол адабий танқидчи сифатида ҳам кўзга ташланади. У ўзининг достонлари муқаддимаси, қитъалари, девонлари дебочаси, тарихий асарларида адабиёт ва санъат ҳақида, шоирлар, олимлар, санъат аҳли хусусида қимматли фикрлар ёзил қолдирган. Адабий жанрлар хусусияти, бадиий санъатларнинг аҳамияти (хусусан, шоирнинг ўзи кашф этган янги санъатлар қиймати), шеърий услублар, қофия, радиф, вазн, мусиқа ҳақида билдирилган фикрлари киши диққатини тортади. Ҳусрав, шу каби адабий тил, форс тили билан ҳинд ва араб тиллари орасидаги тафовутлар, имкониятлар ҳақида ҳам чуқур мулоҳазалар баён этган, қизиқарли баҳс бошлаб берган. Ҳ. Деҳлавий танқидий қарашларининг сатҳи кенг, ранг-бараанг, шоир ўз замонида долзарб ҳисобланган кўп масалалар устида фикр билдириган. Фақат учинчи шеърий девони «Фурратул камол» («Ётуклик авжи») дебочасида қаламга олинган масалаларнинг ўзи ўндан ошиб кетади. Бу ўринда муаллиф гапни назм билан насрни қиёслашдан бошлаб, шеър ва мусиқа, мусиқа турлари, мақомлар, машҳур мусиқачи ҳофизлар ижодигача, ундан кейин шоирлик истеъдоди, шеър талабларидан тортиб, анъана ва навбунёдкорлик, мухтасарлик ва эзмалик, шаклбозлик ва маънидонлик хислатларини изоҳлашга тұхтаб ўтади.

Ҳ. Деҳлавий, жумладан, насрый асар билан шеърий асар хусусиятларини чофишириб, бундай ёзади: «Наср (фирки) баён этувчи мўътабар (усул) бўлса-да ва сўз

латофати, қисмлар зарофати билан зийнат топса ҳам, аммо (унда) вазн жуссаси таркибидан бир нишона ёхуд неъмат шакаридай бир ҳаловат йўқ, шу сабабли бирор кўнгилнинг унга майли ва бирор тилнинг унга интилиши кўринмайди».¹

Шунинг учун, деб фикрини давом эттиради адиб, насрый асарга шеърий парчалар киритадилар, аммо шеърий асарга насрый парча киритмайдилар. Албатта, бу Х. Дехлавий яшаган даврнинг эстетик ҳукми. Балки ўша даврда наср ҳозиргидай ривожланмагани учун, энг яхши асарлар шеър билан ёзилгани ва китобхонларнинг назмга талаби катта бўлгани учун шундай фикрлар ҳукмрон мавқени эгаллагандир. Ҳарҳолда, шуниси аниқки, кишилар наздида шеърий асарнинг эътибори баланд бўлган, шеър — бадиий сўз ҳисобланган, санъат намунаси деб қаралган, наср эса оддий, сочма нутқ деб юритилган. Шуниси ҳам маълумки, наср билан ҳисҳаяжон, ички кечинмаларни ифодалаш одат тусига кирмагани учун насрый қиссалар, ҳикоятларда фикрни кучайтириш, қаҳрамонлар ҳолатини тўлароқ ифодалаш мақсадида назмдан фойдаланилган. Наср-назм усули шу тариқа ривож топгандир балки.

Алишер Навоийнинг наср ва назмга қарашлари ҳам Амир Хусрав фикрларига мувофиқ келади, яъни назм — бирламчи ва наср — иккиламчи. Бу ҳақда ишимизнинг тил хусусидаги бобида қисман тўхтаган эдик. Навоий «Хамса» достонларида ва бошқа лозим кўрилган жойларда бу масала устида тўхтаб ўтган, қизифи шундаки, шоирларнинг насрү назмни қиёслаб кўрсатган ташбеҳлари ҳам ўхшаш: Хусрав Дехлавийда ҳам, Навоийда ҳам назм ипга терилган гавҳар доналарига, наср — сочилган гавҳарларга ўхшатилган. Хусрав Дехлавий дейди: «Сўзнинг моҳиятини шундан ҳам англаса бўладики,

¹ Иқтибослар М. Бақоевнинг «Ҳаёт ва эжодиёти Хусрави Дехлавий» (Душанбе, «Дониш» нашриёти, 1975) китобидан олинди.

агар гавҳар ипга (қатор қилиб) терилса ҳам қулоқларни безайди ва ҳам бўйинларга осилади ва ҳам келинлар бошини зийнатлайди ва ҳам подшоҳлар тожига зеб беради. Ва агар гавҳар ипдан тўкилса, қора ерга сочилади ва шоҳу гадо оёғи остида қолади...»

Алишер Навоийда ўқиймиз:

Ҳар киши қилмоқ эса маълум,
Бири мансур эрур, бири манзум.
Насру назми ангаки мудракдур,
Назмининг пояси бийикракдур.

Худ жавоҳир нечаким дилкашроқ.
Назм силкига чексалар хушроқ.
Икки сори дури самин яхши,
Орада лаъли оташин яхши.
Жавҳарий бу сифат бериб тартиб,
Айласа риштани анга таркиб...
Ким жавоҳирни оллиға тўқса,
Талли фафлат киби ани ўқса,
Ҳам ёмон худ кўринмагай, лекин
Лутфи аввалғича эмас мумкин.
Бас мунунг онча зийнати йўқдур,
Бир-бirisига нисбати йўқдур.
Назму наср ичра ҳам бу нисбат бил,
Иккисин бу икига нисбат қил.

(«Сабъи сайёр»дан)

Хуллас, назм — тартибга киритилган, орасталанган сўз. Симметрия қонунига бўйсндирилган, «мураттиб» бўлган ҳар қандай предмет гўзаллик касб этганидай назмга тизилган, вазн қоида-қонунига бўйсндирилган бадиий сўз ҳам «дилкаш»дир. Навоий назарида бадиий тўқима, киноя, мажоз каби приёмлар ва ёлғон қўллаб, яъни бўрттириш, безаш усулларидан фойдаланиш ҳам назмда, шеърда қўл келиши мумкин ва «донога писанд»

кела олади. Назмнинг гўзаллиги, дилкашлиги, унинг инсоний эҳтирос, кучли, дардли ҳисларни ифодалай олиши маъни аҳли, ақлий-ҳиссий қобилияти ривожланган, маънавий олами бой, кўнгли нозик соҳибдил одамларга айниқса маъқулдир. Назм, шеър, шу сабабли алоҳида кайфиятдаги, алоҳида завқи бор одамлар тоифасига хуш ёқади. Амир Хусрав шу муносабат билан дейди: «Назм соҳибдилларнинг муникси дили; завқли қалбларнинг маҳрами рози, ҳақиқатшунослар сийнасининг гавҳари, диққатназар олимлар қўлидаги тамал жавоҳир, андўҳзада одамларнинг ботиний оромбахши, чарх оламидан ноласи кўкка ўрлаганлар жонини ҳасратномаси... хуллас:

Хар кўғам қулф ниҳад ба дили беҳосили ў,
Жуз забони шуаро нест калиди дили ў.

(Кимниким бечора дилига ғам қулф урган бўлса, бундай кўнгилнинг калиди фақат шоирлар тилидир). Бу фикрда энди фақат назм-наср баҳсигина эмас, балки умуман адабиёт, шеъриятнинг оламшумул қурдати, инсон ҳаёти учун беҳад зарурлиги ўз ифодасини топган. Мана шу сабабга кўра ҳам шеър ўз хусусиятлари билан мусиқийга яқиндир. Мусиқани Амир Хусрав жуда юқори баҳолайди, уни инсон руҳий оламининг ажиб мўъжизаси, сеҳркор куч сифатида таърифлайди, лекин бари бир, шоир шеърни мусиқадан ҳам устун қўяди. Чунки, деб таъкидлайди у, шеърда ҳам мусиқа бор, ҳам маънозамзун бор, мусиқа эса фақат оҳанг орқали одамга таъсир этади. Буни қуидаги қитъадан билса бўлади:

Деҳлавийга мутриб айтурки, «Эй сўз кони, айт,
Илми мусиқий эмасму шеъриятдан яхшироқ.
Чунки у диққат ила келмас қаламга ҳеч маҳал,
Бу эса қофоз билан дафтарга тушгандир бироқ».
Мен жавоб бердим: ҳар икки илмда мен баркамол,
Иккисин тадқиқ этолдим, ажратолдим қора-оқ.

Назмим уч дафтар қилибмен, бошла сен таҳририни,
Мусиқий илмин ҳам уч дафтар қилибмен, яхши боқ.
Назм бир фандурки, қондиргай у ўз завқингни бас,
Үнга на ҳофиз керакдур, на эшиитмоққа қулоқ.
Гар киши шеъримни лабда паст пичирлар хуб раво,
Бундан ўзгармас шакл, маъноси ҳам бўлмас ямоқ.
Лек агар хонанда «ҳо-ху» деб қуруқ савт айласа,
Унда сўз бўлмас экан, у мағзи йўқ енгил қовоқ.
Шундай эркан мутрибу хонанда муҳтоҷ шеърга,
Шеър дер эркан суханнарворга муҳтоҷ бесаноқ.
Назмини сен бир келин бил, нағма унга зеб, безак,
Бўлса хушрӯй зебу зийнатсиз ҳам у айбдин йироқ.

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси)

Қитъа мазмунидан Хусрав Дехлавийнинг мусиқа илмига оид уч дафтар ҳажмида рисола ёзгани ҳам маълум бўлади. Албатта, бу ерда насру назм баҳсида бўлганида шеър ва мусиқа орасидаги фарқни белгилашда ўрта асрнинг схоластик муҳокама усули ўз салбий таъсирини қолдирган. Бўлмасам, шеър ҳам, мусиқа ҳам санъатнинг алоҳида-алоҳида турлари сифатида инсон ҳаёти учун хизмат қилишини яхши биламиз. Шеърсиз ҳам мусиқа бўлиши мумкин. Бу ерда бошқа гап бор: шеър инсон нутқига асосланган санъат тури бўлгани сабабли маънолар шиддати билан қалбга ва шуурга айрича таъсир этади, руҳ бағишилаб, фикрни ҳам ўстиради. X. Дехлавий шуни уқтирмоқчи. Ахир, ўзи янги оҳанглар ижод этган ва мусиқа илми ҳақида китоб ёзган одам мусиқага қарши чиқиши ёхуд уни камситиши мумкин эмаслиги кундай равшан. Масалан, Хусрав Дехлавий Мовароуннаҳр, Хурросон ва Ҳиндистон халқлари мусиқа оҳангларидан фойдаланиб, созгорий, ғозон, ушшоқ, мувофиқ, фарғона, зилоф, саркарда, боҳарз, тарона, хаёл, нигор, басит, шоҳона каби куйларни яратган; чанг, танбур, сеторни жуда маҳорат билан чала олган, деб хабар беради тазкиранавислар. Шибли Нуъмоний ўзи-

нинг «Шеърул Ажам» китобида қўйидаги нақлни келтиради: «Алоуддин Хилжи замонида Нойк Гупол деган машҳур ҳинд хонандаси яшаган экан, икки юзта шогирди бор экан. Бир кун уни султон саройига даъват этадилар. У ажойиб қўшиқ ва куйлари билан бутун мажлис аҳлини лол қолдиради. Шунда Амир Хусрав пайдо бўлиб, у билан куч синайди. Мен ҳиндчани билмайман, сен бошла, мен давом эттираман, дейди у Гуполга қараб. Гупол ашулани бошлагач, Амир Хусрав: «Бу куйни мен ихтиро этганман» дейди ва уни охиригача давом эттиради, Гупол яна бошқа ашулани бошлайди, яна Хусрав унга қараб: «Бу менинг куйим», дея қолганини ўзи охирига етказади. Шу тариқа у ҳинд ашулачисининг кўп қўшиқлари ўзиники эканини исботлаб: «Бу ижро этилган ашулалар — бозор халқи куйлари, ҳақиқий, мумтоз мақомлар мана булар», дея янги ихтиrolарини айтиб беради.

Х. Деклавийнинг фикрича, мусиқийнинг инсон завқини қондиришдаги аҳамияти катта, мусиқа ҳатто ҳайвонларга ҳам таъсир эта олади, уларни маст этади.

Алишер Навоий мусиқага катта эътибор берганини биламиз. У Ҳиротдаги хонанда ва созандаларга ҳомийлик қилган, мусиқани руҳ озиғи деб ҳисоблаган. «Ҳайратул-аброр» достонида у шеър мусиқа билан қўшилса, жаҳонга ғулғула солиши, қалбларда қўзғолон юз беришини кучли бир завқ билан изҳор этади, ўз шеърларининг куй солиниб, қўшиқ бўлиб куйланишидан шодланиб, ғуурланиб ёзади:

Базмда ҳар мутриби достонсаро
Чекса тараннум била дилкаш наво,
Нақшда ҳар неча талоло деса,
Е амал ичра танадирно деса...
Е бу наво зимнида асраб маҳал,
Чекса Навоий сўзидин бир ғазал,
Ким анга алфоз улуб оташфишон,

Берса улус күнглига мунгдин нишон.

Базмда ул лаҳза алолони кўр,

Қуий харобат аро ғавғони кўр!..

Навоий ҳам мусиқийни сўз таъсирини оширувчи, инсон ва бошқа маҳлуқот оламига беҳад кучли таъсир этувчи, сеҳргар куч деб қараган. «Сабъаи сайёра» дос-донида у Дилором чангчи образини яратар экан, мусиқа, куй, созанда хислатлари устида кўп тўхталган. Мусиқани шоир нодир санъат, бағоят катта истеъдод ва малака талаб қиласиган соҳа деб таъкид этади. Дилоромнинг нозик куйи оҳуларни ром этади, бутун борлиққа уйғунлик, ором бағишлайди. «Маҳбубул-қу-луб»да «Мутриб ва муғанийлар зикрида» деган йигирма иккинчи фасл бор. «Мутриби тарабафзо, муғанийи ғамзудо — иккаласига дарду ҳол аҳли жон қилурлар фидо» деб гап бошлайди шоир ва ёқимли, мулойим тароналар, «кўнгул қуввати» бўлган хушнаво, хушвожларнинг хизматини муносиб тақдирлайди. Навоий фикрича: мусиқада дард, ўртаниш қанча кучли бўлса, шунча яхши. «Ҳар муғаниеки дардмандроқ нағма чекар, анинг захмаси захмлиқ юракка коргорроқ тегар. Оташин юзлук муғанийким, халқидин мулойим суруд чиқорғой, ҳол аҳлиниң кийган бағридин дуд чиқорғой». Қўринадики, Навоий мусиқа, қўшиқни тасаввуф ва аҳли маъни завқи билан боғлаб тушунтиришга мойил. Бу ҳол Амир Ҳусравда ҳам бор. Навоий «Маҳбубул-қу-луб» асарида Шиблий, Нурий каби самоъ сулуки пешволари-ни тилга олиб, завқу ҳолга тушган сўфийлар аҳволини баён этган. Навоий яна бир масала — ашулачиларнинг талаффузи, шеърни тушуниши, шоир сўзларини тўғри айтишларига ҳам диққат қилиб, шеърни бузиб, маъноларни ўзгартириб айтuvчи хонандаларни танқид қилган. Чунончи, мана бу тожикча қитъасида у ёзади (таржимаси):

Бу қандай ҳолки, муғаний талаффузининг

Ёмонлигидан шеърни тушуниб бўлмайди,

У кучаниб чұзади, ғапни айлантиради.
Биттаси дейди: «Бу шеър ёдимда бор эди,
аммо тушунмадим».
Мен айтдим: «Бу менинг шеърим эди,
Ұзум ҳам тушунмадим».

Үлүг ўзбек шоири яна бадмастларга хизмат қилувчи, туналари уйқу бермай ҳалқни безовта этган чолғувчилар, ҳофизларни ёмон кўрган, уларни «бадхўй», «кажтабъ» кишилар деб мазаммат этган.

Амир Хусрав шеърни наср билан, мусиқа билан қиёслагандан кейин, уни яна илм билан ҳам қиёслайди, шеър, унинг наздида, наср ва мусиқадан баланд тургани каби илмдан ҳам афзалдир. Илм — ақл билан, тадқиқ — таҳқиқ билан қўлга киради, ўқиб-ўрганиб, илм касб қилиш мумкин, лекин ўқиб-ўрганиш билан шоир бўлиш мумкин эмас. Шоирлик — илоҳий лаёқат соҳиби бўлиш, шу сабабли шоир мартабаси олим мартабасидан юқори:

Он ки номи шеър голиб мешавад бар номи илм,
Ҳужжати ақлй дар ин манғўям ар фармон бувад.
Ҳарчи такрораш куни мардум бувад устоди он,
Вончи таснифист устод эзиди субҳон бувад.
Пас чаро бар донише, к-аз одамй омухтй,
Н-ояд ғолиб, ки таълими вай яздон бувад?

(Шеърни илмдан устун қўяр эканман, ақл юзасидан ҳужжат келтирмоқчиман. Ҳалқ такрор воситасида касб-хунар эгаллаб, усто бўладилар, аммо ижод этиладиган нарсанинг устози тангри таолодир, шундай экан,— яздан — тангри таълимини одам боласи таълимидан нега устун қўймайин?)

Шоирликнинг ўзида олимлик, ҳакимлик бор, деб уқтиради Амир Хусрав, зеро «Инна мин шеъри-ла ҳикмати (арабча) яъни: «шеърдан албатта ҳикмат чиқади»

деган ҳадис бунга гувоҳ. Ҳикмат шеърга муҳтоҷ ва у шеър замирида мавжуд. Шеър — сеҳр ва «шоир — соҳир, аммо соҳир шоир эмас», дейди у. Шу муносабат билан Амир Хусравнинг «шеърий таснифи»ни қараб чиқиши ўринли. Унинг таснифига кўра, шеър беш хил бўлади: 1) фозилона, 2) ҳакимона, 3) накӯтабъона, 4) ошиқона, 5) шоирона. Шунга мувофиқ китобхонлар табъи, диди, шеъриятни идрок этиш қобилиятини ҳам беш дарражага бўлиш мумкин. Чунки ҳамма ҳам шеърни тушунмайди ва тушунган кишилар (Хусрав ибораси билан айтганда «шеърий донолик») ҳам ҳамма ва ҳар хил асарларни ёқтирмайдилар. X. Деҳлавий ёзади: «Яна кўплар сухандонлик даъвосини қиласидилар, лекин билмайдилар. Аввал шуни эътиборга олиш керакки, кимдаким назм табъи бўлмаса, унда шеърий билим, шеърни англаш қобилияти бўлмайди, биз бундайларни айтмоқчи эмасмиз... Аммо биз шундай кишилар ҳақида гапирмоқчимизки, сўз (санъатини) англашда уларнинг дақиқ назари, тамизи ва (тарозуси) бор ва улар беш тоифадирлар ва ҳар бир тоифанинг ўз билим даражаси бор». Шундан кейин адид юқорида тилга олинган даражаларни бир-бир таърифлаб берган. Чунончи, «фозилона» табъи кишилар ташбех, тажнис, тасҳиф каби лафзий санъатлар, арабий сўзларга меҳрли бўлиб, шундай усуулда ёзилган шеърни хуш кўради. «Ҳакимона» табъли одамлар Носир Хусрав Санойи каби ҳикмат ва фалсафага бой шоирлар асарларини танлайдилар: «Накӯтабъона» кишилар бўлса, равон, енгил ғазалларни, янги оҳанглар, маромларни ёқтирадилар. Булар «оқар сув каби» табъи равон кишилардир. Тўртинчи — «ошиқона» табъли кишиларнинг ичи ҳароратли, ўтли бўлади, уларнинг табъида ишқ ҳокимлик қиласиди. Уларнинг ички дарди шеър маънолари билан авжланиб, руҳий ғулғула пайдо бўлади. Ва бешинчи — «шоирона» табъким, ҳамма равиш ва усуулларда ёзилган шеърни қабул қила олади, унинг билими — идрок, диди шу даражага бориб

етадики, «фозилона», «ҳакимона», «накутабъона» ва «ошиқона» асарлардан ҳам завқлана олади ва бундай кишининг баҳоси энг одил ва тӯғриди. Устод бўлиш учун шеърият илмидан таълим бериш ҳуқуқига эга бўлиш учун шундай дид-фаросати соҳиби бўлиш лозим, деб уқтиради охирида Амир Хусрав. Устод шоирнинг биринчи фазилати, Амир Хусравнинг фикрича, ўзи адабиёётда янги йўл, янги тарзу услугуб очган кишидир. Бошқаларга эргашган, умри татаббуъ билан ўтган шоир ўзини устози комил ҳисоблаши мумкин эмас.

Шу каби шеърият оламида устоз-шогирдликнинг ҳам шартлари бор. Амир Хусрав буни уч даражага бўлиб кўрсатади: биринчиси ишорат шогирди, яъни бошловчи шоир шеър таҳликаси (вазн, қофия) ва маънода гоҳ-гоҳ хато қилиши мумкин, устоз эса, бу нуқсонларни илғаб, уни тузатишга ишорат қиласи. Ёш шоир бу ишорани тез илғаб, нуқсонни бартараф этади.

Иккинчиси иборат шогирди бўлиб, у устод услугига, ибораларига эргашади (татаббуъ қиласи), устод шеърида кўринган ҳар бир сўз, иборани намуна сифатида қабул қилиб олади. Учинчиси форат (талаб кетиш) шогирдидир, бу шунда кўринадики, шогирд шеър ёзишга иштиёқи зўр бўлиб, лекин ўзи ихтиро қилолмайди ва устод шеърлари хазинасини форат қилиб, «ўз харобасига олиб келади, дона (устод) дилидан томган қонни ўз жигарига йўналтиради». Аламли жойи шундаки, бу тоифа «шогирдлар» устозлар каломини ўғирлаб, ўзлаштириб яна унинг ўзига ўқиб берадилар («Ҳам ўғирлаб, ҳам мол эгасига мақтанадилар»).

Амир Хусрав бундай «шогирдлар»ни кўп кўрган шекилли, уларни қаттиқ киноя билан масхаралаган. Шоирнинг «Қиронул саъдайн» (бахтли юлдузлар учрашуви) достонида ўқиймиз:

З-он, ки нигаҳ мекунам аз ҳар карон,
Эминиям нест зи форатгарон,

Қалбзане чанд ба ҳар гӯша ҳаст,
 К-аз зари ман пора диҳандам ба даст.
 Нақаб зада ганжи ниҳони маро,
 Мурғ шуда резам хони маро.
 Дузди матои ману бо ман ба жӯш,
 Шон ба забонвариву май ҳамӯш.
 Хонаи фикрам ҳама равзан кунанд,
 Жӯстани аҳсан ҳам аз ман кунанд.
 Нақди маро пеши ман оранд рост,
 Ман кунам аҳсант, к-азони шумост
 Шарм надоранду бихонанд гарм,
 Бо ману ман ҳеч нагӯям шарм.
 Турфа, ки шон дузди ман аз шарм пок,
 Соҳиби моло ману ман шармнок.

(Ҳар тарафдан эҳтиёт бўлиб, қарасам ҳам, шеър ўғриларидан омон қолмайман. Ҳар гӯшада бир нечта форатгар ўғри бор, улар ўз олтинимни олиб, яна ўзимга намуна қилиб кўрсатадилар. Яширин ганжимни лаҳм қазиб, ўғирлаб оладилар, дастурхоним ушоқларини товуқдай териб ейдилар. Матоимни ўғирлаб, яна мен билан тортишадилар, улар сайдаб шеър ўқийдилар, мен — жим. Фикримнинг уйини тўрт тарафдан тешадилар, яна таърифлашни мендан талаб қиласидилар. Ўз молимни ўзимга кўрсатиб, бу сизларники деб таърифлашимни кутадилар, мен эса лол қараб тураман, ажабки, улар зарра ҳаё қилмайдилар, аммо мол эгаси ман уятдаман).

Турфа буким, худди шундай оҳангда ва шу мазмунда битилган сатрларни Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аббор» достонида ҳам учратамиз:

Равзай назм ўлғали рангин мангага,
 Ҳар не йўлуқти санами Чин мангага,
 Бор эди машшотан табъим иши
 Бермак алар ҳуснининг оройиши.

Шона уруб сунбули гесүсиға,
Сурма чекиб наргиси жодусиға
Қон ёш ила оразини ол этуб,
Юзіда күз мардумини хол этуб,
Лафз либосин тикибон ранг-ранг,
Киймак учун ул санами шұху шанг.
Кийдирубон хуллан мавзун анга,
Зевар этуб юз дури макнун анга.
Қылсам этуб боштин-оёқ жон ани,
Ҳажлаи ноз ичра хирмон ани,
Чун анга бу хайли жағогар етиб,
Хұллаларни ғорату торож этиб,
Жисмида не ҳулла құйиб, не ҳарир,
Ұзини бедод ила айлаб асир.
Зоҳир этуб йиғлағудек ҳол анга,
Кийдирубон эски қаро шол анга.
Турфа буқим шеър құюб отини,
Еткурубон күкка мубоҳотини.
Турфароқ улким тонуримни билиб,
Ҳақдин уялмай, манга зоҳир қилиб.

Навоий истеъодни табиат неъмати, күнгил рози деб билган, зўр бериб ишлаш, мақтаниш, кучаниш билан шоирлик мартабасини эгаллаш мумкин әмас. Шеъру шоирлик даъво билан, қуруқ мақтаниш билан қўлга кирадиган ҳунар әмас. Мана у бу хусусда «Девони Фоний»да нима дейди:

Ҳар касе к-аз рўи истиғно ба мардум хонд шеър,
Нек ҳам гар ҳаст, созад зишт пеши ҳалқ беш,
Даъвийи мақбули шеър ар кунад сар то ба пой,
Хештанро ҳам кунад мардуд ҳамчун шеъри хеш.

(Кимки истиғно — кеккайиш билан шеър ұқиса, унинг шеъри яхши бўлса ҳам, одамларга ёмон туюлади; шеърим бошдан-оёқ одамларга мақбул деб даъво қиласа, ӯзини ҳам шеъридек ҳалқ назаридан қолдиради).

Пасттабиат, истеъодди ношуд кишиларнинг ёмон

хислати шундаки, улар инсоф-диёнатни оёқ ости қилиб, ўзларининг паст молларини зўр бериб мақтайдилар, яхши, нодир асарларни эса, аксинча атайлаб пастга урадилар, турли баҳоналар билан камситишга уринадилар. «Девони Фонийда шу муносабат билан яна бир қитъа келтирилади:

Эй ки назми суханварони жаҳон
Мекунй нафию, шеъри худ таҳсин,
Нестанд аҳли донишу инсоф,
Ки бувад инчунинашон ойин.
Хунари хешу айби кас дидӣ,
Нести кӯр, акси ин ҳам бин!

(Эй дунё санъаткор шоирларини пастга уриб, ўз шеърини таърифлайдиган одам, аҳли донишу инсофда бундай одат йўқ. Сенки ўз ҳунарингни ва бошқалар айбини кўрибсан, ахир бунинг акси, яъни бошқалар ҳунарию ўз айбингни ҳам кўргин, кўр эмассан!) Шеър «даъвогарлари» ҳар қанча чиранмасинлар, ҳар қанча йиғлаб, қичқириб, ўз назмларини мақтамасинлар, аммо ҳалқ улар устидан кулади, шарманда бўладилар, дейди Навоий бошқа бир тоҷикча қитъасида.

Алишер Навоийнинг шеърият таснифи, шунингдек, ўзини камтарликка олиб, устоз-салафларга эҳтиромда бўлиши ҳам Амир Хусрав қарашлари билан яқин турди. Навоий, биз яхши биламизки, достонларининг муқаддималарида, «Хамсатул-мутаҳайирин» ва «Муҳокаматул-луғатайн» номли асарларида улуг форс-тоҷик шоирлари Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Румий, Хусрав Деҳлавий, Камол Ҳўжандий, Жомий номларини бот-бот тилга олиб, улар меросидан баҳраманд бўлганини, ўзи буюк сўз санъаткорларининг шоғирди эканини қайд этади ва айни замонда ўз истеъдининг чексиз имкониятлари борлиги, табъи дарёлигини ҳам фаҳр билан баён этади. Масалан, у «Девони Фоний»да ёзади:

Татаббуъ кардани Фонй дар ашъор,
На аз даъвию не аз худнамоист,
Чу арбоби сухан соҳибдилонанд —
Муродаш аз дари дилҳо гадоист.

(Фоний — Навоийнинг ашъорда татаббуъ қилиши — бошқаларга эргашиши, (буюкликни) даъво қилиш ва ўзини кўрсатишга интилиш эмас. Сўз санъати арбоблари соҳибдил — кўнгил эгаларидирлар. Фонийнинг мақсади кўнгиллар эшигига гадоликдир). Диққат қильсангиз, шоир камтаринлик билан «эргашишим санъат ёки услуг эмас, балки маънилар хазинасини кашф этишдир», деган фикрни айтмоқчи.

Амир Хусрав ҳам шеъриятда устоз бўлиш даражаси ҳақида гапирап экан, ўзини устозлар қаторига қўшмайди, шеърида тақлид ҳам, нуқсон ҳам топилади дейди у. «Мавзу ва ҳикмат борасида айтганларим, Саноий ва Хоқоний табъларининг тобеидир ва олови шиддати баландлигидан олийликка майли бор ва кўп шеърларким, дил пардасидан чиқарганман Камол ва Розий асарлари йўлидадир... ва оқар сувдай маснавию ғазал оқизган ариқларим Низомий ва Саъдий ариқлари сувидан нишонали ҳам латофатда зилол сувдай тоза ва лазиз.

Чу пайрави тарзи ҳар саводам,
Пас шогирдам, на устодам».

(Ҳар бир шоирнинг кетидан эргашувчиман, демак шогирдман, устоз эмасман).

Ҳолбуки, Хусрав Деҳлавийни улуғ сўз усталари Жомий ва Навоий ва неча-неча ширин калом шоирлар устоз деб тан олганлар, унинг ижодига юксак баҳо бериб, ундан илҳомланганлар.

Хусрав Деҳлавий адабиётнинг инсоният умри каби боқийлигини, инсон зоти бор экан, бадиий калом, сўз абадий яшашини таъкидлаб, адабиёт қадрини юксак кўтариб таърифлаган. «Шеър — абадий умр ҳам тирик-

лик суви» дейди «Оинаи Искандарий» асарида. «Хусравнинг тани ўлиши мумкин, лекин Хусравнинг ўзи — сўзи ҳеч қачон ўлмайди». Назм мартабаси шунчалик юксак, у бойлик, ганж билан ўлчанмайди, шеър ҳар қандай хазинадан аълороқ:

Чанд зи поси дирам афтй ба ранж,
Поси сухан дор, ки он аст ганж...
Нархи сухан кард нашояд ба мол,
З-он ки сухан жон буваду зар-сафол.

(Пул учун азоб-уқубатга берилишинг нечун, Сўз кетидан қув — ганж шу: сўзни нархини мол билан баҳолама, чунки сўз — жон, олтин эса — сафол).

Адабиёт, бадиий сўзни юксак қадрлаш Навоий асарларида ҳам кўп учрайди. Навоий бадиий сўзни тенгсиз қудрат, улуғ ижтимоий-маънавий куч деб ҳисоблаган. Сўз қудрати, бадиий адабиёт одамларни яхшилик, эзгуликка, одамийликка даъват этиб, шу руҳда тарбиялаб абадий яшайди, деб уқтиради ўзбек шоири.

Амир Хусрав Деҳлавийнинг танқидчилар, шеърни баҳоловчилар ҳақида билдирган фикрлари ҳам муҳим ва актуал. У тирноқ орасидан кир қидирувчи, танқид вазифасини фақат айб қидириш деб билган мунаққидлардан шикоят қиласи ва қайд этиб айтадики, уларнинг ўзлари ўз айбларига иқрор эмаслар, бировлар нуқсонини кўз-кўз қилиб жар солишга усталар, бундайларни шоирлик истеъодидини тушунмаслик, кўролмасликда айблайди Амир Хусрав. Улуғ шоир бадиий сўзга нисбатан одил ва холисона фикр билдириш тарафдори эканини англашган ҳамда шоирларни аввало ўз камчилигини тан олиб, уни ислоҳ этиши лозимлигини талаб қилган. Амир Хусрав ёзади: «Кўп шоирларнинг хислати шуки, ҳар кимки дуруст, равон шеър ёза бошласа, сўз назокатидан бир қадар боҳабар бўлгач, ўзларини ҳамма нарсага қодир (пухтакор) ҳисоблайдилар ва бошқа шоирларни нописандлик ва эҳтиромсизлик билан тилга

оладилар, улуғларни ёмон отлиқ қилишдан бошқани билмайдилар. Ва нотүғри айтаётганини сезмасдан рост гапга албатта рози бўлмайдилар ва унинг худбин жони ва ғафлатда ётган кўнглида бу қадар тасаввур ётар, зероки, ҳар кимки ўзини атайлаб ғилай (аҳвол — каж-бин) қилиб кўрсатса, оқибатда ғилайнинг ғилайи бўлиб қолади». Бу кўрликлар, деб давом эттиради шоир, файирлик, кўролмасликдан келиб чиқади. «Одамийлик ва инсоғ орадан кўтарила, истеъодлар айбини излашга зарурат кўпроқ пайдо бўлади, ҳайронман, ўзгалир айбини кўрадилар, аммо ўзларида бор айбни ўзлари кўролмайдилар». Бунинг шарҳини ва Навоийда қандай талқин этилганини юқорида кўрдик. Хуллас, Амир Хусрав ва Алишер Навоий истеъоддни, истеъод билан ёзилган шеърни юксак қадрлаб, буни бошқалардан ҳам талаб этганлар, танқидда адолат, билимни биринчи ўринга қўйганлар.

Амир Хусрав, шунингдек, кўча-кўйда, бозор, чойхона ва карвон-саройларда «шеърхонлик» қилиб, мақтаниб юрувчи, сўзини бозорга солган шоирлардан ҳам хафа бўлиб гапиради, сўзни бозорга солган билан киши қадри ошмайди, дейди у куюниб.

Тарозурост ду палла-аз инсў оҳан, аз ин сў зар,
Гирифтам, ёфт оҳан вазни зар, қиммат кужо монад?

(Тарозининг бир палласига темир, яна бир палласига олтин қўйилган бўлсин, темир олтин оғирлигига тенг келди, дейлик, лекин олтин қимматига баробар бўлломайди-ку!)

Бошқалар шеърини камситиб, буюклар юзига оёқ қўйган ва ўзининг ёзганини мақташ билан обрў орттироқчи бўлган кишилар Хусрав Деҳлавий замонида кам бўлмаган афтидан. Чунки шоир бу масалага анча кенг тўхталиб, такроран нолиб, ҳасрат қилиб гапиради. Чунончи, мана бу қитъа ҳам шу мазмунда (сўзма-сўз таржимаси): «Қомил кишиларни сўз устодлари мақ-

таганда, ноқис ва номи ком чиққан рашк ва ҳасаддан девона бўлиб қоладилар: шунда бундай ноқислар ўз мадҳини ўзи бошлаб юборадилар ва менинг шеъримдан фалон йиғлади, фалон бехуш йиқилди, деб кеккаядилар. Ахир бу бечорани халқ мақтамагандан кейин ўзини-ўзи мақтамай қандай яшасин? Ўзига танқидни йўлиқтири-майди, аммо ўзгалар роҳатини бузишни касб қилиб олганлар».

Амир Хусрав шуни ҳам қайд этадики, истеъдодли шоирлар ҳасадчи рақибларнинг бадном қилиши, туҳмати билан ўз тириклигига шуҳрат қозонолмай қолсада, аммо келажакда улар албатта ўзларининг чин баҳосини оладилар — инсоф ва ҳақиқат ғалаба қилиши муқаррар: «Асрлар борки, ҳаёт авроқи саҳифаларида мунаққаш бўлиб, покиза сақланади, агар ёзувчи ҳаётийлигига кўнгли ўлган гуруҳлар (англамасдан) инсон қўлини енгдан чиқармасалар ҳам ва лекин биздан кейин келадиган авлодлар, бу сурма билан кўзларини равшан қилганда, албатта бу асарларга инсоф назари билан қараб, айтувчи парда орқасида (вафот этган) бўлгандан кейин дўстлик андешасини қилмасдан ёки душманлилик юзасидан инсофга орқа ўгирмасдан, ҳақиқат сўзини айтадилар ва кўпчиликнинг тўғри, рост сўзи нима бўлса — шу хулосага келинади...»

Амир Хусрав шеър техникаси, жанрлари, турли шакллар, мавзу, маъно ва шакл, санъатларнинг аҳамияти, услугуб ва приёмлар ҳақида ҳам бир қанча муҳим, чуқур фикрларни ёзиб қолдирган, бу фикрларнинг аксари ўз қийматини йўқотгани йўқ, шунинг учун улардан баъзилари устида тўхтаб ўтамиз.

Амир Хусравнинг фикрича, шундай шеърни пухта, етук дейиш мумкинки, у ўқувчиларда завқ-шавқ уйғотса, кўнгилларни фараҳ ва шодликка ёки нажиб ҳислар, ҳароратли туйфуларга тўлдиролса.

Сухан он аст, к-аз шарорай шавқ,
Хотиреро шавад дарунафрұз.
Шеъри бесүз пухта натвон гуфт,
З-он ки хомаст пухтам босүз.

(Сұз — шеър шундай бұлсинки, шавқ ҳароратидан шуур, хотиралар ёришса, ўти, алансаси бұлмаган шеърни пухта деб бұлмайды, зеро қовирилмаган, етилмаган, ҳароратсиз нарса ҳамдир). Бу фазилат, биринчи навбатда Амир Хусравнинг ўз шеърларига хос. Алишер Навоий бежиз уни «ишқ оташгохининг самандари», ёндирувчи шеърият ижодкори деб атамаған. Шу билан бирга «ҳинд сеҳргари» наздика бадиий сұзда жозиба, латофат, лутфу сухансозлик саңъати ҳам намоён бўлиши лозим: «Сўзда лутфдан нишона бўлмаса — жисмида жон сурати йўқдай гўё». Эзмалик, чўзиқлик, маънисиз гаплар билан асарни тўлдиришни ҳам X. Деҳлавий танқид остига олади. Бу жиҳатдан унинг «Мажнун ва Лайли» достонида келтирган мана бу сатрлари характерли:

Аз андаке хуб шавад фасона,
Не аз ҳашавоти бекарона.
Як донаи нори пухта дар ком,
Беҳтар зи ҳазор обии хом.
Як шоҳ, ки мевае диҳад тар,
Беҳтар зи ҳазор боги бебар.
Як булбули хушнавон дилкаш
Беҳтар зи дусад кулоҳи нохуш.
Як сафҳа пур аз хулосай шавқ
Беҳтар зи дусад китоби безавқ...

(Афсона — қисса оз сўз билан яхши чиқади, ҳисобсиз ҳас-хамакларни тиқиширишдан эмас. Оғизда эрийдиган битта пишган анор донаси мингта хом беҳидан яхши: Мева берадиган битта шоҳ мингта мевасиз боғдан яхши: хушнаво, дилкаш битта булбул икки юзта нохуш қарғадан афзал: шавқ хулосасига тўлиқ бир саҳифа (шеър) завқсиз икки юзта китобдан кўра яхшироқ...)

Амир Хусравнинг эътиқодича, бадий сўз қачонки халқнинг оғзига тушса, ҳар кишининг дилига жойланса, шунда абадий қолади, ўлмас асарга айланади, акс ҳолда асарнииг умри қисқа ва ўткинчи бўлади. Демак, бадий сўзниңг чинакам баҳоловчиси халқдир. Халқ яхшини ёмондан, мағзни пўчоқдан ажрата олади, халқ истеъдод қадрига етади. «Сўзда жонни яиратадиган завқбахш куч бор, ҳам уни жон деб атайдилар ва тириклик белгиси ҳисоблайдилар, шу учун жонга жойлашган сўз тиллардан тушмайди, ўладиган сўз жон мулкига айланмаган сўздир».

Хусрав Деҳлавий шеърда шакл ва мазмун ҳақида фикр юритиб, мазмун ва маънони биринчи ўринга қўяди. Унингча, шеърнинг янгилиги, жозибаси ҳам аввало маъно тозалиги билан ўлчанади:

Назм, к-аз маъний нишона набвадаш,
Сурате бошад, ки жоне навбадаш.
Маънни нав беҳ, ки бошад дар сухан,
Лафз худ нав нест касро бар сухан.
Аз навангези маро бархост ном,
В-арна бисъёранд арбоби калом.

Назмда агар маънодан нишона бўлмаса, у жонсиз суратдир. Сўзда янги маъно бўлгани яхши, сўзниңг ўзи биз учун янгилик эмас. Янги маънолар билан менинг номим чиққан, бўлмаса сўз арбоблари дунёда кўп).

Қизиги шундаки, бу масала Алишер Навоий диққатини ҳам жалб этган. Улуғ ўзбек шоирининг бу масалага қараши устози Амир Хусрав қараашларига кўп жиҳатдан ҳамоҳанг. Навоий «Ҳамса»нинг биринчи дostonи «Ҳайратул аброр»да шакл ва мазмун масаласига алоҳида боб ажратиб, худди Амир Хусрав каби шеърда маъно — мазмунни бирламчи, асос деб ҳисоблаган. Бобнинг сарлавҳасиданоқ буни англаш мумкин, чунончи: «Бир неча сўз ул маънидаким, сўздаги маъни жонедурким, сўз қолиби онсиз қолибедурур жонсиз (Амир

Хусрав ташбеҳининг айнан ўзи эканини сезгандирсиз) ва ани топмоқ ишини киши билмас, балки ани топқан киши топилмас ва аҳли газоф (сафсата, ёлғон) ноин-соғлиғиға мунсиғ (инсоғли, адолатли) бўлмоқ, балки ўз газофиға инсоғ бериб, аларнинг узрин қилмоқ».

Қўриниб турибдикি, Навоий сарлавҳасининг биринчи қисми мазмунан Амир Хусрав фикрига мос келса-да, аммо иккинчи қисмида андак фарқ бор. Бу Навоийнинг «ани топмоқ ишини киши билмас, балки ани топқон киши тополмас» деган сўзларидир. Нима демоқчи шоир бу билан? Бизнингча, бу ўринда Навоий мазмун ва шакл бирлиги, маънининг суратдан ажратиш мушкуллигини айтмоқчи. Сўз сехри сиру асрор, унинг кишилар қалбига таъсири маъно ўтқирлигидан дарак берса ҳам, бироқ маънолар безаги ортиқча унсур эмас.

Ул киши сўз баҳрида ғаввос эрур,
Ким гуҳари маъни анга хос эрур.

деган байлан билан бошлайди, бобни Навоий, яъни маъно — сўз денгизининг гавҳари, денгиздан гавҳар топиш учун унинг тубига тушиш, мاشаққат чекиш керак. Шоир — ана шундай «сўз баҳрининг ғаввоси» бўлиши даркор. Маъни деганда Навоий яна оддий, кундалик гаплар, «ижтимоий» масалаларни эмас, балки ўқувчи кўнглига файз — тароват бағишловчи ахлоқий-маънавий фикр, ҳимматни анлаган:

Файз ҳарамида тажаллий анга,
Ким ёрубон машъали маъни анга.
Сўз майини ул киши ошом этиб,
Ким дури маъни садафни жом этиб.

Бадиий сўз — тийра кўнгилни ёритувчи шамъ, мазмун эса — маънавиёт майи:

Лаб-бо лаб ул май била хуми сипехр,
Оғзидағи кирпич анга хишти меҳр.
Ғарқа анинг баҳриға аҳли жаҳон,
Қўздин этиб они латофат ниҳон.
Қатрасини ҳар киши нўш айлабон,
Нашъасидин хум киби жўш айлабон.

Шоир ана шу майдин маст бўлиб, завқу шавқ авжиди куйлади, сўз дурларини териб ташлайди, оламни оташин сатрлар билан тўлдиради. Навоий: мен ҳам бу бода билан мастман, аммо кўплар мени тушунмайди ва менга шериклик қилмайди, чунки мен туркона суруд суруридаман, деб айтади.

Турк суруди била солиб қўлум,
Қилсам ҳай тулугум, ҳай тулум.

Хуллас, Навоий фикрича:

Назмда ҳам асл анга маънидуур,
Бўлсун анинг сурати ҳар недуур.
Назмки маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хўб эмас.
Назмки ҳам сурат әрур хуш анга,
Зимнида маъни доғи дилкаш анга.

Демак, маълум бўладики, Навоий шакл («сурат») аҳамиятини ҳам таъкидлаган, яъни «хуш сурат» билан маъно яна дилкашроқ чиқади. Достонда эса сюжет, воқеа билан ҳикматона маънолар мутаносиб тушиши керак. «Фарҳод ва Ширин»да у: агар иморат қилмоқчи бўлсанг, унинг тархини ҳам зебо туз, шу сингари: «Агар-чи назми дилкаш тушса масмуъ, анинг афсонаси ҳам бўлса матбуъ» достон тархини пухта ўйлаб, воқеа ва мазмунни бир-бирига алоқадор қилиб келтиришга даъват этган. Ана шунда шоирликнинг энг олий шартла-

ридан бири — оригинал, «тоза тарх» билан ижод қилишнинг ҳам муҳимлиги таъкидланган:

Ани назм этки тарҳинг тоза бўлғай,
Улусқа майли беандода бўлғай.
Иўқ эрса назм қилғонни халойиқ,
Муқаррар айламак сендин не лойиқ.

Дарҳақиқат, Навоийнинг достонлари «Янги шарҳ», янги обу ранг, янги ғоялар — маънолар асосида ёзилган асарлардир — хоҳ «Фарҳод ва Ширин», хоҳ «Сабъаи саиёра», хоҳ «Садди Искандари» бўлсин бундай янги бўстон таровати, янги тарҳ шукуҳини ҳис қилиш қийин эмас.

Алишер Навоийнинг киши диққатини жалб этадиган қайдларидан яна бири шуки, у ҳар қандай шоирда ҳам яхши, забардаст асарлар бўлиш билан бирга, баъзан ўртача шеърлар ҳам бўлишини, шеърий девон бошдан оёқ бир хил бўлмаслигини айтади, «Девони Фоний»даги мана бу қитъя шу жиҳатдан киши диққатини тортади:

Зи сар то по набошад шеъри кас хуб,
Ки ин мумкин набошад ҳеч касро.
Баду нек ар баробар ҳаст, бад нест,
Басе доранд ин некӯ ҳавасро.
Зи бад гар неки ў бошад зиёда,
Надид аз сад яке ин дастрасро.
Қаломи ҳақ наёмад жумла як сон,
Чи бошад нуқта мушти хору ҳасро.

(Кишининг шеъри бошдан-оёқ яхши бўлмайди. Агар яхши-ёмон баробар бўлса — ёмон эмас. Кўплар буни яхши ҳавас қиласидилар. Агар унинг ёмонидан яхшиси кўп бўлса — бу ютуқни юздан бир киши қўлга киритиши мумкин. Ҳақ қаломи «қуръон» ҳам ҳаммаси бир хил дараражада эмас, шундай бўлгац, бир ҳовуч хашак ва

тиканлар гўзаллиги хусусида (яъни оддий шеър ҳақида) нима дейиш мумкин? Аммо, шеъримнинг яхиси ҳам, ёмони ҳам менга маҳбуб деб ёзади Навоий, чунки шеърим — фарзандим, шу каби ўзгалар шеъри ҳам менга фарзанддай азиз ва мукаррам.

«Сабъаи сайёра» достони хотимасида яна ўқиймиз:

Ки неча назм суст ё сода,
Чун эрур кимса табъига зода,
Зодаи табъ элга хуш кўринур,
Ўғли зангига хурваш кўринур.
Шеър ҳам чун кишигадур фарзанд,
Кўнглига қуту бағрига пайванд.

Шу боис, деб давом эттиради шоир, уларнинг айби менга кўринмайди: «Ўғил айбини ато билмас, кўрса ҳам қилғонин хато кўрмас». Умед улки, эл яхисини маҳбуб, ёмонини яхши ўрнида марғуб тортса. Амир Хусрав эса масалага яна ҳам конкретроқ муносабатда бўлиб, шеърни шоирнинг ўзи баҳолаши қийин, чунки киши ўз молининг яхши-ёмон томонларини кўриб ажратолмайди, яхиси шоир ҳақида бошқалар ҳукм чиқарсин, деган фикрни илгари сурган.

Асарларининг турли вазиятда ёзилганлиги, турли кайфият-ниятни акс эттиргани ва бадиийлик нуқтаи назаридан турли поғонада туришини ҳиндистонлик шоир ҳам бир неча бор таъкидлаган. Зеро, Амир Хусрав ғазаллари, достонларининг савиясини бирдай баҳолаш қийин, уларда буюк шоир қаламининг кучи турли даражада зуҳур этиши кўзга ташланади.

Амир Хусрав маънони ёрқин чиқаришда лафзий ва маънавий санъатлар, вазн, қоғия, радифнинг ролини таъкидлайди, асар ҳалққа тушунарли, равshan бўлсин дейди: «Фақеҳ (ҳуқуқшунос) ривоятга муҳтоҷ бўлганидек... шоир ҳам равshan баён этиш санъатига муҳтоҷдир». У бутун умрида соддалик, содда шеър тарафдори

бўлиб келган ва ўзи бунинг классик намунасини на-
мойиш этган. У мавҳум, маънолари яширин, «ўрама»
шеърни бодом ва ёнгоққа, содда, оммафаҳм шеърни
хурмо, олма ва шафтолига ўхшатади, чунки хурмо билан
олмани ейиш ёнгоқ ва бодомни ейиш каби мағзини ча-
қиб чиқариш эҳтиёжи бўлмайди: «Мұхлақ назмни бодо-
му ёнгоққа ўхшатган, чақмасдан мағзини олиш қийин.
Очиқ, равshan шеърни шафтолиу хурмо деб бил, унга
тиш тегизганда ҳаловат бағишлияди». Хусрав Декла-
вийнинг фикрича, содда ёзиш мураккаб ёзишдан қийин-
роқ, фақат даҳо устоз шоирларгина бу усулда маҳорат
кўрсатгандар. Бундай шеърни Амир Хусрав «саҳли мум-
танеъ» (осон, аммо мушкул) деб номлаб, унга қуйидаги-
ча таъриф берган: (Бундай шеърда) салосат (бутунлик,
равонлик) ва жозиба устун туради, сўзлар такаллуфи
(олифтагарчилик безак), маъни топаллуфи ҳам кўрин-
майди. Ўқишида шунчалик осон ўқиладики, ўқимасалар
ҳам эшишиб лаззатлана оладилар ва тушунадилар.

Амир Хусравнинг иқрорига қараганда, у бундай
равон шеър ёзишга бирдан эришган эмас. «Қиронус
саъдайн» достонида (36 яшарлигига ёзган) тасвирда ор-
тиқча тафсилотлар ишлатгани, тафсиф, шеърий санъат-
лар ишлатишда меъёрдан ўтказиб, сунъийликка йўл
қўяётганини тан олиб, бундан кейин содда ва равон
ёзишга қасд этади:

З-ин пас агар умр бувад чанд гоҳ
Кам ҳавас ояд ба сафеду сиёҳ:
Ранги зиёдаш надиҳам хомаро,
Соддатарин нақш кунам номаро.

(Бундан кейин агар умр қанча бўлса, рангларга камроқ
ҳавас қўяман. Қаламни ортиқча ранг беришга ишлат-
майман, асарни энг содда йўлда ёзишга интиламан).

Алишер Навоий замонида сўзбошликка ружуъ бир
қадар кучайди, мураккаб, яширин маъноли шеърлар

ёзиш одат тусига кирди, луғз, муаммо каби жанрлар шу асосда пайдо бўлди. Алишер Навоийнинг ўзи ҳам муаммо ва луғзлар ёзишда уста бўлган, ўз замондошлирини кўп марта қойил қолдирган. Муаммони у хотирийнинг қуввати ва зеҳни ўткирлигини синаш мезони деб билган ва талантли ёшларни ҳам шу усул билан синаган. Аммо, ўз мавридида муаммони қойил қилган улуғ шоир ғазалиётидаги достонларида «саҳли мумтанеъ» усулига риоя қиласди, содда ва равон ёзади. Шуниси маълумки, Навоийнинг шеър ва шоирлик ҳақидаги фикрлари, танқидий қарашлари «Мажолисун нафоис» тазкирасида кўпроқ акс этган. Бунда салафларга муносабатни ҳам, замондошлар ижоди таҳлилини ҳам, ёш ижодкорларга ғамхўрликни ҳам кўрамиз. Улуғ шоир дур терувчи саррофдай ҳар бир навқаламнинг бисотини ўрганиб, кўзга чалинадиган яроқли намуналарни ажратиб олиб, фикр билдириган, нозик шеършунос сифатида чертиб-чertiб баҳолаган ва ижодкор шахси, ахлоқи, илми, келажаги ҳақида ҳам қайфуриб ёзган.

Амир Хусравнинг шеър ва ижод ҳақида билдириган фикрлари бир қанча жиҳати билан Навоий қарашларига мос келиши, биринчидан устоз-шогирдлик анъанасининг мустаҳкамлиги, Хусрав ижоди ва эстетикасининг Навоийга таъсири деб қаралса, иккинчидан, давр хусусиятлари адабий-танқидий қарашларининг яқинлиги, ҳаёт ўртага ташлаган масалаларнинг муштараклиги эди. Шунга қарамай, Алишер Навоий адабий-танқидий фаолиятда ҳам бир қадам олға кетиб, шеърни баҳолашда ўзга хос йўл тутганини, эстетик фикр тараққиётига муносиб ҳисса қўшганини кўрамиз. Даврлар ҳамоҳанглиги, фикрлар, қарашлар ҳамоҳанглиги шундай давом этиб келган ва ҳозирги кунимизда ҳам бу фикрлар адабий жараён учун актуал бўлиб қолмоқда.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| Дебоча | 3 |
| Назм гулшанида икки ёфду | 5 |
| Хусрав Дехлавий ва Алишер Навоий ижодида инсон талқини . | 21 |
| Муҳаббат — пок қалблар туйғуси | 51 |
| «Сўз гуҳариға эрур онча шараф» | 68 |
| Золим шоҳ — эл бошига келган бало | 80 |
| Саодатманд инсон ким? | 93 |
| Қаноат бобидаким | 118 |
| Хусрав ашъори ўзбек хонадонида | 131 |
| Ҳамоҳанг қарашлар қиммати | 142 |

Литературно-художественное издание.

МУХИДДИНОВ МУСЛИХИДДИН
СИЯНИЕ ДВУХ МИРОВ

Монография

Художник Петросова Э. А.

Ташкент, Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма,
1991 г.

На узбекском языке

Адабий-бадиий нашр

МУСЛИХИДДИН МУХИДДИНОВ
ИККИ ОЛАМ ЁФДУСИ

Рисола

Муҳаррир А. Қутбиддинов, Расмлар муҳаррири Немировский В.,
Техн. муҳаррири Э. Сайдов, Мусаҳҳиҳ М. Абдусаматова
ИБ № 4437

Босмахонага берилди 26.04.89. Босишига руҳсат этилди 02.04.91. Формати 70×108^{1/2}. Босмахона қоғози № 2 Адабий гарантурा Юқори босма шартли босма л. 7,35. Шартли кр. —отгиск. 8.23 Нашр л. 7,8. Тиражи 3000. Буюртма № 1233. Баҳоси 1с. 50т. Шартнома № 56—89. Гафур Фулом номидаги Адабиёт санъати нашристи, 700129. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

ЎзССЖ Даълат матбуот комитети «Матбуот» матбаа корхонасида босилди.
Тошкент—700129. Навоий кӯчаси, 30.

1 c. 50 r.

